

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

***«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ***

**Карабаева Г. Ш., Юлдашева Ш.**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ-2012**

Карабаева Г.Ш., Юлдашева Ш.М. «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» - (ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2012 - бет.

Ўқув қўлланмада «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фанининг предмети ва вазифалари, миллий иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлган корхонанинг моҳияти ва аҳамияти, белгилари ва вазифалари, ишлаб чиқариш жараёни ва уни илмий-техник жиҳатдан тайёрлаш, меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи, маркетинг фаолияти, ривожлантириш стратегияси, диспетчерлик масалалари ёритилган; корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган қатор назарий ва услубий масалаларнинг моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакат иқтисодини эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналарни янгилаш ва модернизациялашда саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг иқтисодиёт соҳаси бўйича таълим олаётган талабалари учун маърузалар матни сифатида тавсия этган.

Такризчилар: и.ф.д., профессор Ишмухамедов А.Э.;  
и.ф.н., доцент Исоқов М.Ю.

## МУҚАДДИМА

Бозор иқтисодиётига ўтишда, мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришда ва шу асосда жамият аъзоларининг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашда халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган саноат алоҳида ўрин эгаллайди. Бу муҳим соҳа иқтисодий асосларининг назарий, амалий моҳияти ва аҳамиятини тушунадиган, бу борадаги барча янгиликлар ва ташкилий ўзгаришларни ҳис эта оладиган иқтисодчиларни тайёрлашда «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фани алоҳида аҳамият касб этади.

Бу фаннинг асосий мақсади илми-толибларда замонавий иқтисодий фикрлашни, мамлакат миллий иқтисоди, ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида корхона мажмуининг эгаллаган ўрнини тавсифлаш, халқ хўжалиги ва аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, фан-техника тараққиётини жадалаштириш ва саноат корхонасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш зарурияти тўғрисидаги умумлашган тасаввурни шакллантиришдан иборат.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фани талабаларга нафақат муайян ахборот, маълумотлар, билим ва илм бериши, балки уларни ўз фаолиятининг энг муҳим йўналишларини тўғри танлаб олишга, мураккаб иқтисодий муаммоларнинг ечимини топа билишга ўргатиши керак. Талабаларнинг бу фан бўйича билимлари, усталиклари, билимдонликлари ва малакаларини шакллантириш асосини маърузалар, амалий машғулотлар, мустақил ишлар, илмий тадқиқотларда қатнашиш ташкил этади.

Маърузалар талабаларга назариянинг асосий негизларини ёритиб берса, семинар ва амалий машғулотлар маъруза материалларини мустақамлашга, фанни чуқур ўрганишга, материални ёзма ва оғзаки баён этиш санъатини эгаллашга ёрдам беради.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фани умумиқтисодий мутахасислик бўйича иқтисодий кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун иқтисодий фанлардан бири бўлгани учун уни ўқитиш алоҳида дарслик ва ўқув қўлланмаси асосида амалга оширилиши зарур.

Китобхонга тавсия этилаётган ушбу ўқув қўлланма Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Наъмунавий дастур”га биноан ёзилган. У аввало «Иқтисодиёт (саноат)» ихтисослиги талабаларига мўлжалланган. Чунки корхона (фирма)ларнинг иқтисодий масалалари алоҳида курсда, яъни “Корхона иқтисодиёти” фани ёрдамида ўргатилади. Ушбу маърузалар мантларидан Олий ва ўрта махсус таълим тизими ўқув юртларининг иқтисодий факультетларида билим олувчи талабалар ва ўқувчилар, саноат корхонасини бошқариш, режалаштириш ва башоратлаш, ташкил этиш соҳаларида хизмат қилаётган мутахасислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

# **I МАВЗУ. «САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасидан келиб чиққан ҳолда фаннинг мақсади ва вазифаси.**

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётга киритилган янги инвестициялар ва мавжуд моддий-техника асосини модернизация қилишдан ташқари бошқарувнинг демократик тамойилларини кучайтириш, корхона, фирма ва уларга тенглаштирилган ишлаб чиқариш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ мустақиллик доирасини кенгайтириш, сиёсатнинг иқтисодиётдан устунлигига барҳам бериш, инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларида ташаббускорлик, изланиш ва ҳоказоларнинг ривожланиши ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарда Президентимиз шундай дейдилар: «мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.»<sup>1</sup>

Президентимиз ўз асарларида инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар. Энг асосий вазифа сифатида куйидагилар таъкидланади:

“Биринчидан — корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

иктисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.”<sup>1</sup>

2011-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунларини баҳолаб, шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефт-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011-йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011-йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000-йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011-йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010-йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000-йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000-йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.<sup>2</sup>

Барча фанларнинг ўрганиш объекти бўлгани каби «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фани ҳам ўз ўрганиш объектига эга. Бинобарин, шундай объект мавжудлиги у ёки бу фан дунёга келиши, шаклланиши ва ривож топишининг муҳим шартидир.

Объект – фалсафий маънода, биздан ташқарида ва онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлик, воқеалик, моддий дунё, иккинчи бир маънода корхона, муассаса, ташкилот, қурилиш ёки киши фаолияти, ҳаракати, диққати қаратилган нарсадир. Масалан, қурилиш объекти, мудофаа объекти, текшириш объекти, илм-фан ёки курс объекти.

«Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фанининг объекти деганда фаолиятимиз, фикримиз, диққатимиз ва бошқа барча

---

<sup>1</sup> Шу жойда - 176

<sup>2</sup> И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.

харакатларимиз корхонага ва унинг ишлаб чиқаришига қаратилиши кераклиги тушунилади. Демак, ушбу фаннинг барча назарияси ва амалиёти корхонадаги ишлаб чиқариш билан боғлиқдир.

Бу фан корхона (фирма) ишлаб чиқаришини объект сифатида ўрганар экан, аввало «Ишлаб чиқариш ўзи нима? Унинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни ва бошқа жиҳатлари нималардан иборат?», - деган саволларга жавоб бериши керак.

### **1.2.2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши дастур ва “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар**

Ишлаб чиқариш – бу, жамият аъзоларининг яшаши, мамлакатнинг ривожини, тараққиёти учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни яратиш жараёнидир. Кишилик жамияти тараққиётининг ҳамма босқичларида ишлаб чиқариш бўлган ва келгусида ҳам бўлади. Жамият истеъмол қилмасдан тура олмаганидек, ишлаб чиқармасдан ҳам тура олмайди. Ишлаб чиқариш жамият миқёсида рўй беради. Мутафаккирлар, олим-фузиолар жамият билан боғланмаган ишлаб чиқариш бўлиши мумкин эмаслигини, ишлаб чиқариш доимо муайян тарихий ва ижтимоий эканлигини илмий равишда исботлаб берганлар.

Ишлаб чиқариш жамият миқёсида рўй бергани туфайли уни ижтимоий ишлаб чиқариш деб атайдилар.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ўзининг бир-бирини тақозо қилувчи икки томони – ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан ифодаланади. Уларнинг бирлиги **ишлаб чиқариш усулини** ташкил этади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараён сифатида ривожланади ва такомиллашиб боради. Ишлаб чиқариш жамиятнинг тараққиётини, ижтимоий тузилишини, ғоявий қарашларини, сиёсий ташкилотларини белгилаб беради. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг характери, тавсифи асосида жамият устқурмаси ташкил топади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг характери иш кучи билан ишлаб чиқариш воситаларининг қўшилиш характерига қараб белгиланади. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакллари қандай бўлса ҳам, ходимлар ва ишлаб чиқариш воситалари ҳаммаша шу ишлаб чиқаришнинг омиллари бўлиб қолаверади. Умуман, ишлаб чиқариш учун улар қўшилиши керак. Ижтимоий тузумнинг айрим иқтисодий даврлари ана шу қўшилишнинг алоҳида хусусиятига ва қандай усул билан амалга оширилишига қараб бир-биридан фарқ қилади.

Ишлаб чиқариш муайян ишлаб чиқариш усулига хос объектив иқтисодий қонунларга мувофиқ тараққий этади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, аввало, меҳнат қуролларининг ўзгариши ва мукамаллашиши билан кишиларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида ҳам ўзгариш содир бўлади. Бу жараёнда инсонлар ўртасидаги муносабатлар кенгайди ва чуқурлашади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган мулкдорлар синфининг, яъни ўрта синфнинг шаклланиши ва мустақамланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланди.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил 14 декабрдаги Р-3539-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чоралари ҳақидаги Фармойишида: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа тўловлар борасида енгилликлар яратиш, ҳисобот топшириш тизимини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш, кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, уларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган

имтиёзлар ва қулай шароитлар тизимини янада ривожлантириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминлаш учун уни ташкил этиш ва бошқариш, унинг келажагини башорат қилиш, ҳозирги аҳволини таҳлил этиш ва натижаларини ҳисоб-китоб қилиш керак бўлади.

Ушбу фан ишлаб чиқаришни ташкил этишга бағишланганлиги учун бу ерда «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш» тушунчасига таъриф бериш зарур.

«Ишлаб чиқаришни ташкил этиш» - бу, жонли меҳнат жараёни билан ишлаб чиқариш элементлари (машина-механизмлар, асбоб-ускуналар ҳамда бошқа меҳнат қурilmалари)дан фойдаланиш жараёнини самарали ва оқилона ташкил этишдир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишдан мақсад корхона учун ажратилган моддий, меҳнат ва молиявий имкониятлардан мумкин қадар яхшироқ фойдаланиш, режа топшириқларини энг яхши кўрсаткичлар билан бошқаришдир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш илм-фан сифатида тушунилганда унинг вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришда ва унинг тармоқларида жамиятнинг иқтисодий қонунларини қўллаш йўллариини ҳамда шу қонунларга асосланган ҳолда давлатнинг хўжалик сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш усулларини ўрганишдан иборат.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлаб чиқаришнинг энг маъқул усулларини, зарур асбоб-ускуналарини танлаш, турли ишлаб чиқариш соҳаларининг мутаносиб ва узлуксиз ишлашни таъминлаш, ишлаб чиқариш графигининг бузилишига йўл қўймаслик, корхона ва цехларда ишлаб чиқариш эстетикаси, санитарияси, меҳнат муҳобосқичси ва техника хавфсизлиги талабларига мос келадиган шароитларни яратиш, демакдир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни юксак даражага кўтаришда режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Режалаштириш туфайли ишлаб чиқариш жараёни бошқарилади ва тартибга солиб турилади.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалақит бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

худуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир худуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;



кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

худуддаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

худудда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

худуддаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

Республика Президентининг бир қатор фармонларида, турли йиғинлардаги маърузаларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга қаратилган тадбирлар мукамал кўрсатилган.

### **1.3 «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фанининг предмети ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги**

Ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, унинг самарадорлигини оширмақ учун жамиятнинг умумий объектив иқтисодий қонунларини чуқур билиш, хўжаликка раҳбарлик қилишнинг илмий асосларини пухта эгаллаш керак.

Саноат соҳасида рўй бераётган барча воқеаликлар, ҳодисалардан хабардор бўлиш, уларнинг моҳияти ва аҳмиятини тўғри тушуниш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этиш, корхона ишлаб чиқаришининг барча соҳалари олдида турган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш учун иқтисодий билимлар билан қуролланмоқ, уларни чуқур эгалламоқ керак. Бундай билимларни бизга иқтисодий фанлар тизими ўргатади.

Иқтисодий фанларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи – умумиқтисодий фанлар, яъни, иқтисодни яхлит олиб ўрганувчи фанлар. Иккинчи – хусусий иқтисодий фанлар, яъни, иқтисоднинг у ёки бу соҳасини, ёхуд ишлаб чиқаришни ўрганувчи фанлар.

Биринчи гуруҳга энг аввало, «Иқтисодий назария» («Сиёсий иқтисод») киради. У ўз номи билан бошқа фанлардан ажралиб туради ва умум иқтисод (хўжалик тизими)га назарий жиҳатдан ёндашади, унга хос қонун, қонуният ва қоидаларни ўрганади ва ўргатади.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фани бошқа бир қатор иқтисодий фанлар билан ҳамма ҳам боғлиқдир. Улар жумласига «Экономикс», «Макро ва Микроиқтисодиёт», «Статистика», «Меҳнат иқтисоди», «Маркетинг», «Менежмент», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Молия-кредит», «Бозор иқтисодиёти» ва бошқа қатор фанлар киради.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фани „Саноат иқтисодиёти“ ташкил этиш” фани билан ҳамма ҳам боғлиқдир. Бундай боғлиқлик шу билан белгиланадики, Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш энг аввало саноат соҳасига ва унинг алоҳида тармоқларининг ташкилий жиҳатларида акс этади.

Маълумки, иқтисодий ҳаёт жараёнлари ва ҳодисаларини, шу жумладан, корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганиш даражаси нуқтаи назаридан, одатга кўра, макроиқтисод ва микроиқтисодни фарқлайдилар.

«**Макроиқтисод**» фани иқтисодни бир бутун сифатида қарайди ва умумий талаб ва таклифнинг, миллий даромад ва ялпи миллий маҳсулотнинг шаклланиш жараёнларини тадқиқ этади, ҳукумат бюджет сиёсатининг иқтисодий ўсишига, инфляция ва ишсизлик даражасига таъсирини таҳлил этади. Бошқача айтганда, бу фан макроиқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш муаммоларини ўрганади ва ўргатади.

«**Микроиқтисод**» фани ишлаб чиқариш тармоғи ва корхона, товар ва молия бозорлари, банклар, турли фирмалар, уй хўжалиги каби алоҳида субъектлар ва тузилмаларнинг феъл-атворини тадқиқ этади. У алоҳида товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва уларга баҳо қандай белгиланишини, солиқлар ва бошқа тўловларнинг аҳоли жамғармаларига қандай таъсир этишини ўрганади. Бу жиҳатдан «Микроиқтисод» фанининг баъзи масалалари «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» курси масалаларига ёндашади ва улар орасида муайян уйғунлик юзага келади.

«Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фани «Менежмент» фани билан ҳамма ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки корхона бошқарувининг муҳим муаммолари менежмент назарияси ва амалиёти асосида ўз ечимини топиши мумкин.

Шундай қилиб, “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фанининг предмети деганда жамиятнинг объектив иқтисодий

конунлари ва зарурий қоидаларининг шу соҳада намоён бўлиш шакллари, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида жонли ва буюмлашган меҳнатнинг иштироки туфайли, энг оптимал харажатлар асосида энг яхши натижаларга эришишни таъминлайдиган шарт-шароитлар ва омилларни ўрганиш тушунилади.

#### **1.4. “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фанини ўрганиш услубияти ва усуллари**

Илм-фан услубияти дейилганда, уни билиш ва ўрганиш фаолиятининг шакллари ва усуллари мажмуаси тушунилади. Шу фан бўйича масалани ўртага ташлаш, тадқиқот мавзуси ва илмий назарияни шакллантириш, шунингдек, аниқланган натижанинг ҳақиқийлиги, яъни ўрганилаётган объектга мувофиқлиги жиҳатидан текшириш усулологияни қўллашнинг энг муҳим томони ҳисобланади.

Демак, услубият – бу, тадқиқот ёки билиш, англаш йўли, воқеликни амалий ва назарий ўзлаштириш усуллари мажмуасидир.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фанининг назарий, услубий асосини корхонанинг вужудга келиши, ривожланиши ва унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича ватанимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари, Ўзбекистон Республикасининг қонун-қоидалари, Республика Президентининг асарлари ташкил этади.

Халқ хўжалигининг асосий бўғини ҳисобланадиган корхонада рўй берадиган барча ҳодиса ва ўзгаришларни тадқиқ этиш анчагина мураккаб жараёндир. У жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга, яъни, ҳақиқатни билишнинг, объектив реалликни тан олишнинг диалектик йўлидан фойдаланишни тақозо этади. Бундай услубий ёндашиш саноат корхоналарида рўй берадиган ходисалар, воқеликлар ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини, уларнинг узлуксиз ҳаракати, таракқиёт ва ўзгариши, миқдор кўрсаткичдан сифат кўрсаткичга ўтиши, вақт ва фазода рўй беришини англаб олишга ёрдам беради.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фанининг энг муҳим масалаларини ўрганишда қатор аниқ усуллардан фойдаланилади. Булар жумласига диалектика, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, статистик усуллар (сифат ва миқдор, индекс, гуруҳлаш, балансик ва у билан боғлиқ бўлган норматив усул, эхтимоллар), иқтисодий математик моделлаштириш, оптималлаштириш, мувозанатни аниқлаш, тажрибавий, хронометраж ва кузатув, тажриба ва омиллар бўйича таҳлил этиш усуллари киради. Бундан ташқари янги таълим усулларидан фойдаланиш мумкин: ақлий хужум, зиг-заг, Венна диаграммаси, кластер, пинборд, балиқ скелети, нилуфар гули ва бошқалар.

Юқорида келтирилган усуллардан кенг фойдаланиш корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга боғлиқ бўлган масалаларни иқтисодий асослашга ва уларни бозор иқтисодиёти талабларига мос

равишда белгилашга ёрдам беради ҳамда бу фанни ўрганувчиларнинг илмий салоҳиятини кучайтиради, ақлий заковатини бойитади.

### **1.5. “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фаннинг бозор иқтисодиёти шароитига ва ислохотлар талабига хос ва мос вазифалари**

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” фанининг асосий вазифаси ўқувчини корхона соҳасига тааллуқли иқтисодий билим ва кўникма билан қуроллантиришдан иборатдир.

Бу фан, биринчидан, корхона фаолиятидаги сир-асрорларни билиб олишга; иккинчидан, бу бўғин иқтисодиётида қўлланиладиган барча иқтисодий тушунчаларни тавсифлашга, уларнинг мазмунини билиб олишга ёрдам беради; учинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш санъатини эгаллаш бўйича билим ва кўникма беради.


Бу фаннинг вазифалари корхонада амалга ошириладиган ислохотларнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни билан ҳам белгиланади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- корхона ишлаб чиқаришининг ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш, таҳлил этиш ва унинг истиқболини белгилашни фикрлаш;

- корхона ишлаб чиқаришини ташкил этиш, бошқариш, самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий асосларини аниқлаш бўйича билим ва кўникма бериш;

- корхонадаги ишлаб чиқариш ресурслари, ишлаб чиқариш фондлари ва қувватларидан оқилона фойдаланиш;

- корхона ишлаб чиқаришида руй бераётган фан-техника тараққиётининг аҳамияти ва моҳиятини очиқ бериш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати, рақобатбардошлигини таъминлаш, корхона фойдасини максималлаштириш санъатини эгаллашга ёрдам берадиган билим ва кўникма бериш.



**1-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари**

Шу билан бирга бу фаннинг вазифаси корхоналарнинг хорижий мамлакатлар корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик ва иқтисодий интеграциясини таъминлаш вазифасини тушунтириб беришдан ҳам иборат. Президентимиз И. А. Каримов шу борада ишлаб чиқаришдаги асосий муаммоларни ҳал этилиши зарурлигини қайта такрорлаб ўтдилар. “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсиясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016-йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилган, деб бўлмайди. Бу камчилик, айниқса, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил sanoat,

фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир”.<sup>1</sup>

### **Қисқача хулосалар**

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ курси иқтисодиёт илмининг муҳим қисми, билим ва кўникма берувчи фан ҳисобланади. У саноат корхоналари ва фирмалари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида алоҳида ўрин эгаллайди.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фан сифатида корхона фаолиятини тасвирлаш, тушунтириш ва унинг келажагига тегишли воқеаларнинг ташкилий жиҳатларини башорат қилишни таъминлайдиган назарий билимларни қўллашга асосланади.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ илмий курс сифатида ишлаб чиқариш жараёни ва уни ташкил этишнинг шакллари ва усулларини, илмий-техник жиҳатдан тайёрлашни, меҳнат ва иш ҳақини ташкил этиш, корхонада маркетинг фаолиятини амалга оширишни, режалаштириш ва диспетчерлик ишларини йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор масалаларни ёритади.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фанининг яна бир энг муҳим вазифаси корхона фаолиятига тегишли барча ахборотларни ўрганиш ва йиғиш, ҳисоб-китоб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш асосида хулосалар ва тавсиялар беришни ўргатишдан иборатдир.

“Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ илмий курс сифатида корхона фаолиятида юз берадиган ички ва ташқи иқтисодий жараёнларни билиш ва тадқиқ қилишга имконият яратади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фани нима учун ўқитилади?
2. Бу фаннинг объекти деганда нималарни тушунасиз?
3. Ушбу фан ёрдами билан қандай қонунлар ва қонуниятлар ўрганилади?
4. Ушбу курсни ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?
5. “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фани қандай фанлар билан чамбарчас боғлиқ?
6. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ушбу фан олдида қандай вазифалар қўйилади?

---

1

И.А.Каримов. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.

## Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.
3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонун).- Т.:Ўзбекистон. 2011йил.
5. А. Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.
6. Зайцев Н.Л. Экономика, организация и управление предприятием: учеб. пособ. 2-е изд. –М.: Инфра-М, 2009.-455с.
7. Махмудов Э. Х. Корхона иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).- Т.:ТДИУ,2010.-208 бет.
8. С.Г. Календарева Организация производства на предприятии (тексты лекции). –Т.: ТГЭУ, 2009. - 115 стр.
9. Туровец О.Г., Родионова В.Н. Теория организации: учеб. пособи. –М.: РИОР, 2008.-97с.
10. Эффективная организация: Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008. – 192 с.

## **II МАВЗУ. САНОАТ КОРХОНАСИ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ**

### **2.1 Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарининг роли ва ўрни**

Миллий иқтисодиётни ривожланиши, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита амалга ошириладиган, ходимлар жамоаси меҳнат қиладиган, техника ва технология ҳамда моддий ресурслар қўлланиладиган корхоналарга боғлиқ. Шу сабабли ҳам корхоналар миллий иқтисодиётнинг асосий, бирламчи ишлаб чиқариш ва хўжалик бўғини ҳисобланади.

**Саноат корхонаси** – тегишли топшириқлар асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш – техник-иқтисодий ва ташкилий мужассамлиги билан тавсифланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш – техник мужассамлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот иқтисодий аҳамиятининг ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг умумийлиги билан, ягона хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил қилиниши билан, корхонанинг барча бўғинларида ягона техник сиёсат амалга оширилиши билан тавсифланади.

Корхонанинг иқтисодий мужассамлиги – ягона режа ва ҳисоб-китобнинг қўлланилиши, моддий-техник, молиявий ресурсларларнинг ҳамда иқтисодий натижаларининг умумийлигини билдиради.

Корхонанинг ташкилий мужассамлиги бу ердаги ходимларнинг ягона жамоаси ва ягона раҳбарликнинг қўлланишини ифода этади.

Корхонада ишлаб чиқариш – хўжалик ишларини кишилар амалга оширади. Бошқача қилиб айтганда саноат корхонаси, бу кишиларнинг ўзига хос бирлашмаси – ишлаб чиқариш жамоаси – яъни мақсаднинг умумийлиги, умумий меҳнат, ўз-ўзини бошқариш идораларининг мавжудлиги, онгли интизом, ўзаро ҳурмат билан тавсифланувчи кишиларнинг муайян ўзгармас ижтимоий гуруҳидир.

Юқоридаги тушунчадан кўриниб турибдики, корхона ишлаб чиқариш ташкилотигина бўлиб қолмай, балки ижтимоий ташкилот ҳамдир. Саноат ишлаб чиқариши жараёнида кишилар ишлаб чиқариш воситаларининг кўп мулкчилиги боғлиқ бўлган ҳолда ўзаро алоқада бўладилар.

Саноат корхонасидаги барча ишловчилар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдордирлар, чунки саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш алоқалари дўстлик ва ҳамкорлик билан тавсифланади.

Саноат корхоналарининг асосий вазифалари жамият учун зарур бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида ўз фаолиятини, барча



иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашдан иборатдир. Оқибат натижада миллий иқтисодиёт тараққиёти учун ўз хиссасини кўшишдан иборат.

## 2.2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари

Корхона – тадбиркорлик объекти, мулкчилик мажмуи ёки асосий ишлаб чиқариш бирлиги. Қонуний нуқтаи назаридан – у ҳуқуқий шахс. У бирламчи хўжалик бўғини бўлиб, 4 та асосий белгига эга: асосланган мулкка, ташкилий бирликка, мулккий жавобгарликка ва хўжалик фаолиятида мустақил қатнашишга.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунига биноан ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади. Корхонанинг барча фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Корхоналар тўғрисида»ги қонунининг қуйидаги бўлимлари орқали тартибга солиниб турилади:

1. Умумий қоидалар;
2. Корхоналарни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;
3. Корхонанинг мулкдори ва мол – мулки;
4. Корхонани бошқариш;
5. Корхона хўжалик фаолиятининг асослари;
6. Корхонанинг ижтимоий қафолатлари;
7. Корхона ва давлат;
8. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш.

Корхонани турли омиллар бўйича характерлаш мумкин:

I. Ишлаб чиқаришнинг техник муносабати – бу, тизим сони ва қуввати, ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг сони ва турларига ҳамда уларни тайёрлаш технологиясига боғлиқ;

II. Ижтимоий муносабат – бу турли категориядаги ишчиларнинг ўзаро муносабатларини ҳуқуқи ва мажбуриятлари асосини жамловчи **меҳнат жамоаси**;

III. Маъмурий, ҳуқуқий-ташкилий муносабатида корхона ҳуқуқий шахс сифатида амал қилади;

IV. Молиявий-иқтисодий муносабат – бу, бозор муносабатлари тамойилларида, яъни харид қобилияти, ўзини молиявий таъминлаш, ўзини - ўзи бошқариш асосида фаолият юритувчи мустақил тармоқ бўғини(звеноси).

Амал қилувчи қонунларга биноан корхона давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳуқуқий шахс деб тан олинади.

Корxonани давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: таъсисчининг аризаси; корхона низоми; корxonани ташкил этиш тўғрисидаги қарор ёки таъсисчиларнинг шартномаси; давлат божи тўланганлиги ҳақидаги гувоҳнома.

Ҳар бир корxonанинг низоми тасдиқланади. Унда корxonанинг номи; жойлашган жойи; корхона бевосита бўйсунувчи юқори ташкилотнинг номи; корxonанинг устав фонди ва банк муассасидаги ҳисоб рақами; корхона раҳбари лавозимининг номланиши, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; тузилмавий(структуравий) бирлик рўйхати (перечень); бош тузилмавий(структуравий) бирликнинг номланиши; ҳисобот тартиби каби кўрсаткичлар кўрсатилган бўлади.

Корхона ўзига хос белигиларга эга:

1. биринчидан, у ўзига тегишли мулкка эга бўлишга ҳақли, у ўз навбатида корxonанинг фаолиятидаги моддий-техникавий базани яратади, унинг иқтисодий мустақил ва ишончлилигини таъминлайди;

2. иккинчидан, корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк асосида бюджет олдида ҳамда кредиторлар билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган жавобгарликлар учун жавоб бериши;

3. учинчидан, корхона хўжалик юритиш жараёнидаги муносабатларда ўз номидан иштирок этади. Бунда корхона қонун ҳужжатларига асосланиб, ўз шериклари, истеъмолчилари, таъминотчилари ҳамда фуқаро ва бошқа юридик шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

4. тўртинчидан, корхона қонунчилик ва шартномага мувофиқ хўжалик судида давогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин;

5. бешинчидан, корхона ўзининг мустақил баланс ва сметасига эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги қилинадиган барча харажатлар ҳисобини ҳамда давлат органлари томонидан белгиланган даврий ҳисоботни олиб боради;

6. олтинчидан, корхона ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгиловчи номига эга бўлади.

Саноат корxonаларининг фаолияти ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва муомала жараёнларидан ташкил топади.

**Ишлаб чиқариш муҳити** фаолияти янги буюмлар ишлаб чиқаришнинг техник тайёргарлигини ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини ташкил этишдан иборат.

**Қайта ишлаш муҳити** ишчи кучи ёллашни ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини кўпайтириш ва кенгайтириш жараёнларидан иборат.

**Муомала муҳити** – ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлаш ва маҳсулот (иш, хизмат) сотишни ташкил этишдир.

Корxonани ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ўрганиш уни функциялаштирувчи икки жиҳати – шахсий тизими ва ташқи муҳитини кўриб чиқишни тақозо этади. Корxonанинг ички муҳити – бу, инсонлар, ишлаб чиқариш буюмлари, ахборот ва пуллар. Ички муҳитнинг ўзаро

ҳаракати натижаси тайёр маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар ҳисобланади.

Корхонанинг ташқи муҳит билан алоқаси босқичдан тизимга (ресурсларни жалб этиш, уларнинг баҳосини аниқлаш, хом ашё материаллар, ёқилғи ва бошқаларни етказиб беришнинг доимийлиги) чиқиш ўрнига эга ва ўзини чиқишида, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлари оқими орқали ташқи муҳитга таъсир этишида намоён қилади.

Ташқи муҳит корхона ишлари самарадорлигини аниқлаб беради. Корхонанинг ташқи муҳити – бу маҳсулот истеъмолчилари, ишлаб чиқаришнинг асосий қисмлари (компонентлари)ни етказиб берувчилар ва шу билан бирга давлат идоралари ҳамда корхона атрофида яшовчи аҳоли.

Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

– бозорни ва унинг ривожланиш истиқболини комплекс ўрганиш асосида харидорларнинг маҳсулот ва хизматларга жорий ва истиқбол талабларини аниқлаш;

– маҳсулотнинг янги шакллари ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш;

– истеъмолчилар талабларини қондиришга мос келувчи маҳсулот ишлаб чиқариш;

– ишлаб чиқариш ва молиялаштириш фаолиятини мувофиқлаштириш, режалаш ва дастурлаш;

– маҳсулотни сотиш ва тақсимлаш тизимини такомиллаштириш;

– корхонанинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилиш (у ўз ичига ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва бошқа жараёнларни бошқаришни қамраб олади).

Мана шу фаолиятдан келиб чиқиб корхона қуйидаги вазифаларни бажаради:

I. Корхона эгаси томонидан даромад олиш.

II. Истеъмолчиларни маҳсулот билан таъминлаш.

III. Ишчиларни иш ҳақи билан таъминлаш.

IV. Корхона атрофида яшовчи аҳоли учун янги иш жойларини яратиш.

V. Атроф-муҳитни муҳобосқич қилиш.

VI. Корхона иш фаолияти тўхтаб қолишининг олдини олиш.

VII. Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш шаклларини такомиллаштириш.

Корхона хўжалик фаолияти жорий ва келгуси даврдаги вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги функцияларни бажариши керак:

I. Ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқариш.

II. Маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш.

III. Сотидан кейин хизмат кўрсатиш.

- IV. Ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти.
- V. Ишчи ходимлар меҳнатини ташкил этиш ва бошқариш.
- VI. Солиқларни тўлаш, бюджетга тўловлар, мажбурий ва ихтиёрий тўловларни тўланишини таъминлаш.
- VII. Давлатнинг қонуний меъёрларига, амалдаги стандартларга амал қилиш.

### 2.3. Саноат корхоналарининг таснифланиши

Ҳар бир корхона бошқа корхоналардан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараётгани, ишлаб чиқариш характери, миқёси, жойлашган жойи, халқ хўжалигининг бошқа бўғинлари билан кооперациялашганлиги даражаси ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Лекин бу ҳар бир корхона учун алоҳида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш зарурлигини билдирмайди. Буларни иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси)ни яратиш, бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби бир томонлама кўплаб муаммоларини ҳал этиш мақсадида корхоналарни таснифлаш орқали аниқлаш ўзини оқлайди.

Корхонанинг энг муҳим хусусияти қуйидаги белгиларга, чунончи, унинг тармоққа мансублиги; ўлчами; ишлаб чиқаришнинг турли босқичларни қамраб олиш даражаси; бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўлами ва ихтисослаштириш даражаси; ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари, автоматлаштириш ва механизациялаш даражаси ҳамда ташкилий, ҳуқуқий шаклига боғлиқ.

Тармоқ бўйича корхона ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш корхоналарига;

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва кўринишига кўра саноат, кишлок хўжалик, транспорт, молиявий кредит корхоналари ва ҳ.к. ларга;

Умумий технологик белгиси бўйича ишлаб чиқариши тўхтовсиз ва дискрет ёки механик ёхуд кимёвий жараёнларга асосланган корхоналарга бўлинади.

Тайёр маҳсулотнинг белгиланиши бўйича корхоналар 2 та катта гуруҳга: а) ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи; б) истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратилади.

Фойдаланадиган хом ашё характерига кўра, саноат корхоналари қазиб олиш саноати ва қайта ишлаш саноати корхоналаридан;

Ишлаш давомийлиги бўйича: мавсумий ва йил бўйи ишловчи корхоналардан иборат.

Бундан ташқари улар ишловчилар сонига кўра кичик ва йирик корхоналарга бўлинади. Қонун хўжатларига кўра **микрофирмалар** деб ишлаб чиқариш тармоқларида йил мобайнида 10 та, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида 5 киши банд бўлган корхоналарга айтилади. Кичик корхоналарга саноатда – 40; қурилиш, кишлок хўжалиги ва бошқа тармоқларда – 20; илмий хизмат кўрсатиш,

чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида – 10 нафаргача ишловчилар бўлган корхоналар киради.

**Йирик корхоналарга** йил давомида ўртача ишловчилари сони кичик корхоналардагидан кўп, чунончи, саноатда – 100; қурилишда – 50; қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдода – 30; чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида – 20 нафардан ошмаган корхоналар киради;

Корхоналар ихтисослигига кўра ихтисослашган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослашган корхоналарга чекланган номенклатурадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар; универсал корхоналарга турли хил ва шакллардаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар; аралаш корхоналарга ихтисослашган ва универсал корхоналар орасидаги гуруҳлар киради.

Корхоналар шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнига кўра, оқимли, партиялаб ва доналаб ишлаб чиқариш услублари кўлланиладиган корхоналар гуруҳларига;

Механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасига кўра, мажмуавий ва қисман автоматлаштирилган, мажмуавий ва қисман механизациялаштирилган, машина-кўл ва кўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш корхоналарига бўлинади.

Қонуний ҳужжатларга кўра, янги иқтисодий категория киритилди. Уларга асосан корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, хусусий, давлат, жамоа, аралаш мулкга эга корхоналарга ажратилади.

Хўжалик юритувчи уюшмалар тўла ҳуқуқли уюшма ва масъулияти чекланган жамиятларга бўлинади.

Хусусий тадбиркорлик доирасида якка тартибдаги (индивидуал) ва гуруҳли мулк шакллари мавжуд бўлиб, уларга асосланган корхоналар учта асосий турга бўлинади:

– биринчи турдаги корхоналар мулкка эгалик қилиш ва бошқариш вазифасининг қўйилиши билан характерланиб, якка шахс томонидан бошқарилади;

– иккинчи турдаги корхоналар ўртоқлик уюшмаларидир, бундай бизнес турида пайга эгалик қилувчи икки ёки ундан ортиқ шахс иштирок этади, унинг ўзига хос хусусияти бошқарув вазифаларида ихтисослашувидир;

– жамиятлар бундай бошқариш вазифасига эгалик қилишдан холи бўлиб, уларда корхона фаолиятига чекланган жавобгарлик мавжуд бўлади.

Капиталининг келиб чиқиши ва фаолият даражасига кўра, корхоналар (фирмалар) миллий ёки миллатлараро турларга бўлинади. Миллатлараро асосан йирик концернлар бўлиб, улар халқаро миқёсдаги тармоқлараро фаолияти билан характерланади.

Ўртоқлик уюшмаларига кирувчи жамиятларда иштирокчилар ўзаро тузилган шартномаларга кўра фаолият олиб бордилар ҳамда шу жамият мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мулк доирасида жавоб

берадилар. Бу тўла ҳуқуқли жамият бўлиб, жавобгарлик даражаси чекланмаган.

Командит уюшма – хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида ўзаро тасдиқланган шартномага асосан бирлашувчи бир неча фуқаро ёки юридик шахслар уюшмасидир.

Бирлашма ва уюшмаларга интеграциялашувга интилаётган фирма ва корхоналарнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) интеграция комплекси доирасида молиявий барқарорликни ошириш; 2) янги маҳсулотни яратишда инвестиция (технология)ни жалб этиш, инвестицияларни амалга оширишнинг ҳаракатчан усуллари таъминлашишига эришиш; 3) тўрежаган натижаларни янада истиқболли фаолият йўналишига жалб қилиш; 4) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларга бўлган талаб даражасини сақлаб қолишга эришиш; 5) прогрессив асосдаги техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш; 6) халқаро бозорларга чиқиш учун миллатлараро бизнесга кириб бориш; 7) бозорнинг тор сегментларидан фойдаланиш, унинг имтиёзларини таъминлаш; 8) турли хил ёрдам (консалтинг, трейнинг, маркетинг ва бошқалар) олишга эришиш. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги уюшмалар тузилиши мумкин: консорциум, картель, «Pool».

Консорциум – бу, иштирокчиларнинг картель келишуви асосидаги шундай бирлашмасики, унда капитал чуқур илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун йирик молиявий операцияларни бажаришга жалб қилинади. Консорциумни ташкил этишда барча иштирокчилар мақсадга эришиш учун ўзаро келишиб сайланган раҳбариятга бўйсуниб, ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Картель – бу, келишув асосидаги уюшма бўлиб, унда барча иштирокчилар учун мажбурий бўлган қуйидаги шартлар белгиланади: ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот ҳажми, бозорга чиқариладиган товарлар меъёри ва бошқалар. Картель иштирокчилари ўзларининг юридик ва хўжалик юритишдаги мустақиллигини сақлаб қолади. Картель шартларининг бўзилиши иштирокчиларнинг жарима тўлашига олиб келади. Картельнинг умри иштирокчиларнинг молиявий аҳволига ва ички рақобатига боғлиқ бўлади.

“Pool” –манфаатдор иштирокчилар томонидан патент ва лицензиялардан биргаликда фойдаланилиши учун кортель келишуви асосидаги фирмалар, корхоналар бирлашмасидир.

Синдикат – келишилган шартномага кўра, фирмаларнинг реклама билан таъминлаш ва маркетинг вазифаларини марказлаштириш мақсадида тузилган бирлашма шаклидир. Синдикат иштирокчилари ихтиёрий равишда бошқарув аппаратига тижорат вазифаларини топширади, лекин бунда ишлаб чиқариш ва юритиш мақсадларини сақлаб қолади.

Концерн – тадбиркорликнинг бирлашмалари орасида кенг тарқалган ташкилий шаклларида бири бўлиб, унда йирик компания атрофида бирлашган корхоналарнинг уюшмасидир. Бунда йирик компания

бошқаларнинг акциясига эгалик қилади. Концерн корхона ва фирмаларнинг механик йиғиндиси эмас, балки уларнинг илмий, ишлаб чиқариш, савдо-сотик, ташкилий, иқтисодий ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланган тараққиёт стратегиясига эга бўлади.

Трест – бу кўринишдаши ташкилотлар доирасида интеграция мажмуига кирган корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат, юридик мустақиллигини тўла йўқотади. Трест тузилмасига кирган корхоналар ўз акцияларининг назорат пакетига эга мулкдорга юридик ҳуқуқларини топширадilar, яъни бошқа бирлашмалардан фарқли равишда трестда ягона мулкдор юзага келади.

#### **2.4. Саноат корхоналарининг таркиби ва уни аниқловчи омиллар тузилмаси**

Ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликнинг тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қаршли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган, айирбошлайдиган, сотиш ишларини бажарадиган, хизмат кўрсатадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади. Ҳар бир саноат корхонаси ишлаб чиқариш бўлими, бошқариш идоралари, корхона ишчиларига хизмат кўрсатиш бўлинмасидан ташкил топади. Саноат корхоналари умумий ва ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси)дан ташкил топади. Корхонанинг умумий тузилмаси (структураси)га ишлаб чиқариш бўғинлари, корхонани бошқариш, ишчиларга хизмат кўрсатиш бўйича бўлимлар, уларнинг Ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси)га цехлар, майдонлар, участкалар кириб, бу ерда асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш жараёнлари бажарилади миқдори, катталиги ва сони ҳамда эгаллаган майдони киради. Ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси) умумий тузилма (структура)нинг бир қисми ҳисобланади. Унда цехлар, участкалар ҳамда хизмат кўрсатувчи хўжалик шаклидаги ишлаб чиқариш бўлинмалари таркиби, уларнинг алоқаси ифодаланади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг уч хил тури мавжуд: технологик, предметли ва аралаш. Технологик тузилма (структура)ларга эга корхоналарда участкалар, цехлар технологик жиҳатдан турдошлик тамойилига асосланади. Предметли тузилма (структура)да ҳар бир цех алоҳида маҳсулотни ёки унинг бир қисмини тайёрлайди. Аралаш тузилма (структура)да техник тамойилга кўра, тайёрлов цехлари – маҳсулотни қайта ишловчи ва тайёр ҳолда чиқарувчи цехлар бўлиши тақозо этилади.

Саноат корхоналарининг тузилмаси(структураси) қуйидаги омиллар таъсири асосида шаклланади:

- I. Техник ва технологик хусусиятлар.
- II. Ишлаб чиқариш миқёси.
- III. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакли.

IV. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳамда кўрсатиладиган хизматларнинг мураккаблиги ва турли-туманлиги.

V. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва роботлаштириш даражаси.

VI. Мулкчилик шакли.

VII. Рақобат курашини олиб бориш шакли, усуллари ва ҳ.к.

### **Қисқача хулосалар**

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ижтимоий меҳнат тақсимоли натижасида шаклланган ва умумиқтисодий қонунлар ҳамда қонуниятларга биноан ривожланади. Шу билан бирга у ўз ижтимоий бозор иқтисодиёти моделини яратишда миллий хусусиятларни, анъаналарни ва имкониятларни ҳисобга олиши зарур. Улар эса республикамиз президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган 5 тамойил асосида ётади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг муҳим субъекти инсон ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган моддий бойликлар ишлаб чиқариш бевосита амалга ошириладиган иқтисодиётнинг бирламчи бўғини – корхона ҳисобланади.

Ҳар бир корхона ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланган ҳолда ҳам ижтимоий такрор ишлаб чиқариш учун, ҳам истеъмол учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали мамлакат иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўшади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида мулкдорлар синфининг шакилланишига ва мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари вужудга келишига ҳуқуқий асос яратилади.

Ҳар бир корхона бир-биридан турли хил хусусиятлари билан фарқ қилади. Шунинг учун ишлаб чиқариш, меҳнат, режалаштириш, бошқариш ва ишлаб чиқариш тузилмасини куришни ташкил этиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда корхонанинг қандай таснифланишини билиш лозим. Ҳар бир саноат корхонаси кўплаб бўғинлардан ва уларнинг ўзаро алоқасини таркибий тузилма сифатида кўриш мумкин бўлган тузилишдан таркиб топади. Корхона тузилмасини ўрганиш унинг саноат мажмуи тизимидаги вазифаси, ўрни ва ролини аниқ билишни тақоза этади.

Ўз навбатида ишлаб чиқариш тузилмасини лойихалаштириш уни шакиллантиришга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олишни тақоза этади. Корхона тузилмасини белгилашга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш, уни келажакда такомиллаштиришнинг аниқ ўлчамларини белгилаб олишга имконият яратади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Миллий иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз ва мамлакат халқ хўжалиги мажмуида корхоналарнинг роли ва аҳамияти қандай?



2. Саноат корхоналарининг характерловчи қандай белгилари мавжуд?
3. Саноат корхоналарининг қандай вазифалари ва функциялари мавжуд?
4. Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қандай хужжатлар тақдим этилади?
5. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни ва унинг моҳияти.
6. Саноат корхоналарининг таснифланиши.
7. Корхонанинг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмаси деганда нималар тушунилади?
8. Корхона тузилмасини аниқловчи қандай омиллар мавжуд?
9. Корхона тузилмасини такомиллаштиришнинг қандай йўллари мавжуд?

### **Асосий адабиётлар**

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.
3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
4. А. Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.
5. Маҳмудов.Э.Х. "Корхона иқтисодиёти" (марузалар матни) -Т.: ТДИУ. 2009. 208-бет.
6. Душенькина Е.А. Экономика предприятия. Шпаргалки. - «Эксмо», 2009. – 30 с.
7. Скляренко В.К., Прудников В.М. Экономика предприятия: Конспект лекций. — М.: ИНФРА-М, 2009. — 208 с.
8. Экономика предприятия (фирмы): Учебник/ Под ред. О.И. Волкова и доц. О.В. Девяткина. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2009. — 601 с.
9. Экономика предприятия: Учебник для вузов /Под ред. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара. — 4-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. - 670 с.

## III БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

### 3.1. Ишлаб чиқариш жараёни тушунчаси ва мазмуни

Ишлаб чиқариш корхоналарининг самарадорлик фаолияти техника базасининг ўсиши ва ишлаб чиқариш жараёнининг боришини ташкил этиш даражаси ҳамда маҳсулот яратилиши билан аниқланади. Корхоналарнинг асосий фаолиятини ишлаб чиқариш жараёнининг бориши ташкил этади. Унинг асосий вазифаси истеъмол қийматини яратишдир. Масалан, қазиб олиш саноатида – минерал хом ашёларни ва ёқилғини қазиб олиш, қайта ишлаш саноатида – хом ашёни қайта ишлаш натижасида маҳсулотни истеъмол қилиш учун тайёрлаш. *Ишлаб чиқариш жараёни* комплекс жараён бўлиб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган технологик ва меҳнат жараёнларини ўз ичига олади. *Технологик жараён* – бу, меҳнат буюмлари ўзгариши (шакли, ташқи кўриниши, катта-кичиклиги, агрегатлик ҳолати, тузилиши ва ҳ.к.)нинг натижаси бўлиб, табиий жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳолда жонли меҳнат иштирок этмайди (масалан, қуришиш - қуйма, поковканинг қуриши, материаллар ёки деталлар мойлангандан сўнг атмосфера шароитида қуриши), лекин бу жараён маълум даражада кишилар назорати остида олиб борилади.

*Меҳнат жараёни* – бу, жисмоний ва ақлий энергиянинг сарфланиши бўлиб, истеъмол қиймати яратишга қаратилгандир.

Ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси технологик режимга амал қилинишига ва шароитларнинг йиғиндисига боғлиқ (жараённи олиб бориш учун технологик режим талаблари йиғиндиси: хом ашё ва материалларнинг таркиби, меъёрдаги босим ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари бўлиши шарт).


Ҳозирги замон корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун, ишлаб чиқариш ва меҳнат воситаларидан ташқари, моддий шароит (ишлаб чиқариш биноси, ёритиш қурилмалари, омборлар ва ҳ.к.) амал қилади. Бу шароитлар бўлмаса жараённинг юз бериши ё мутлақо мумкин эмас ёки фақат такомиллашмаган бир тусдагина юз беради.

Ишлаб чиқариш жараёни икки томонлама, яъни: ижтимоий-иқтисодий (кишилар муносабати) ва моддий-техника шароитлари билан характерланади.

Бу омилларнинг таъсири натижасида ҳар қайси корхонада ишлаб чиқариш жараёни ташкил топади (1-чизма).

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни ички тузилиши жиҳатдан бир хил эмас: у мустақил жараёнлардан ташкил топган бўлиб, турли шаклларга ва ўзига хос хусусиятга эга. Бу айрим мустақил жараёнлар, одатда, асосий ва ёрдамчи жараёнларга бўлинади. Шунингдек, ҳар қандай асосий жараённи ҳам таркибий қисмларга бўлиш мумкин (маҳсулотларнинг айрим қисмларини тайёрлаш жараёни параллел ва кетма-кет олиб борилади). Бундай қисмлар асосий

маҳсулотни тайёрлаш босқичи ёки босқичси дейилади (ҳар қайси босқич ёки босқич технологик жиҳатдан алоҳида ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмини ташкил этади). Ишлаб чиқариш жараёнининг босқичси бир-биридан қўлланиладиган технологик усуллар, ускуналарнинг характери ва кадрларнинг итисосланиши билан фарқ қилинади. Масалан, машинасозлик корхоналарининг асосий жараёни учта босқичдан иборат: тайёрлаш, қайта ишлаш ва йиғув. Босқичлар айрим операциялардан ташкил топади. Операция ўзгармас ишлаб чиқариш қуроллари, меҳнат предметлари ва иш жойида амалга оширилади.



1-чизма. Ишлаб чиқариш жараёнининг структураси

Буюмларнинг шакли ёки меҳнат буюмларининг кимёвий таркиби бир неча ўринларда ишчилар назорати остида ўзгаришига *операция* дейилади. Операция ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмидир.

Материалларни қайта ишлашда ва операцияларни вақт бўйича бажаришда, тайёрлашда олдинги ҳамда кейинги операциялар сони ва сифати билан боғланади.

Операциялар иш ҳаракатлари (приёмлар)га бўлинади. Приём – бу иш ҳаракатининг берк жараёни бўлиб, бир ишловчи тамом қилган иш элементидан иборатдир. Ҳар қайси иш приёмини бажариш учун, бажарувчи маълум даражада меҳнат ҳаракатини амалга оширади (маълум детални олиш, бураш, тортиш ва ҳ.к.лар меҳнат ҳаракати приёмининг бир

қисми бўлиб, ишчининг бирор буюмга таъсири ёки ишчининг буюм билан ёхуд буюмсиз бир жойга силжиши тушунилади).

Ишлаб чиқариш жараёнини бўлишдан мақсад иш кучини рационал жойлаштириш, малакали ишчиларга бўлган талабни аниқлаш, улар ишининг аниқ ҳисобини олиб бориш, яъни меҳнат унумдорлигининг ўсишини, резервларини аниқлашдан иборат.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг юқорида қайд қилинган элементларга бўлиниши ишлаб чиқариш жараёнининг структурасини ташкил қилади.

*Ишлаб чиқариш жараёни* саноат маҳсулотини тайёрлашдаги ролига қараб, асосий, ёрдамчи ва хизмат қилувчи жараёнларга бўлинади.

Меҳнат буюмларининг асосий маҳсулотга айлантирилиши *асосий жараён* деб аталади. Бундай жараёнларга машинасозлик заводларида қуйидагилар киради: тайёрлов босқичида – чўянни ванранкаларда эритиш, деталлар қуйиш учун кум қолипларни тайёрлаш; ишлов берадиган босқичда – у механизмга асосланган ёки иссиқлик йўли билан деталларга ўзига хос хусусият, ўлчов ва сиртқи томонга сифатли ишлов бериш; пайвандлашда – деталларни бир тугунга (узелга) йиғиш ёки тамомланган буюмлар – машиналар ва уларнинг қисмларини ва комплект буюмларни (подшипниклар, электромоторлар, асбоблар) йиғиш.

*Ёрдамчи жараёнлар* ишлаб чиқариш учун хизмат қилади ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнини узлуксиз таъминлайди. Буларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқаришни асбоб-ускуна билан таъминлаш (штамплар, моделлар тайёрлаш ва буларни таъмирлаш, чархлар ва тиклаш), таъмир бўйича хизмат қилиш (ускуналарни таъмирлаш, модернизация ва турли хил ускуналарга жорий хизмат қилиш), турли хил энергия (электр энергия, буғ, ҳаво ва ҳ.к.)лар билан ишлаб чиқариш учун хизмат қилиш.

*Хизмат қилиш жараёнига* корхоналарнинг моддий-техника таъминоти, тайёр маҳсулотни сотиш, транспорт билан хизмат қилиш ва ҳоказолар киради.

Меҳнат қуролига таъсир қилишнинг усулига ва характерига қараб асосий ва ёрдамчи жараёнлар: қўл билан, машина-қўл билан, машина билан, автоматлаштирилган ва аппарат билан бажариладиган жараёнларга бўлинади.

Қўл билан бажариладиган жараён асосан меҳнат предметлари шаклининг ўзгаришига қаратилган бўлади.

Машина ва қўл ёрдами билан бажариладиган жараёнга фақат машина билан бажариладиган иш элементларига эмас, балки қўл меҳнати билан бажариладиган иш ҳам киради. Масалан, деталларни қўл билан олиб туриш усулида станокда ишлов бериш.

Машина ва механизмлар ёрдами билан бажариладиган жараёнда материалларнинг шакли, катта-кичиклиги, кўриниши, ҳолати ўзгаради ва ишчиларнинг қатнашиши чегараланган бўлади.

Автоматлаштирилган жарёнлар ишчилар қатнашмаган ҳолда ёки фақат уларнинг кузатуви ёрдамида амалга оширилади.

Аппаратли жараён физикавий, кимёвий ва иссиқлик жараёнларига алоқадор бўлиб, бу махсус агрегатларда технологик жараёнларнинг бажарилиши билан ҳарактерланади.

Ишлаб чиқариш жарёнлари вақт бўйича давом этиш хусусиятларига қараб, такрорланиб турадиган ва узлуксизларга бўлинади.

Такрорланиб турадиган жараёнларда бошланғич хом ашё ва материаллар ускуналар ёрдамида узлуксиз равишда қайта ишланади ва натижада тайёр маҳсулотга айлантирилади.

Ҳар қандай саноат корхоналарида ва цехларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёнининг асосида жонли меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларидан вақт ва фазода рационал равишда фойдаланиш ётади. Бу эса ускуналар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергия ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш жараёнини рационал ташкил қилиш ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг режали ва мутаносиб бўлишини таъминлайди.

### **3.2 Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш тамойиллари**

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- ихтисослаштириш;
- мутаносиблик;
- паралеллик;
- бир текис, кетма-кет йўналиш;
- узлуксизлик;
- бир меъёрлик;
- автоматлашганлик;
- синхронлаш.

Бу тамойилларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

**Ихтисослаштириш тамойили.** Ихтисослаштириш – бу, ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакли бўлиб, саноат ишлаб чиқаришида режали равишда ривожланади ва саноат тармоқлари, корхоналари цехлари, участкалар, линиялар ва айрим иш жойларининг ажралишини шарт қилиб қўяди.

**Мутаносиблик тамойили.** Ишлаб чиқариш жараёнларининг мутаносиблиги шуни билдирадики, бунда ҳамма ишлаб чиқариш бўлимлари (асосий ва ёрдамчи цехлар, бу цехлар ичидаги участкалар ва линиялар, ускуналар груҳи ва иш жойи)нинг ишлаш қобилияти (вақт бирлиги ичида меҳнат унумдорлигининг нисбати) бир-бирига ўзаро аниқ мос келади. Агар бу тамойилларга амал қилинмаса, диспропорциялар ва

«тор жойлар» юзага келади, бу эса, ўз навбатида, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқарилишининг кўпайишига тўсқинлик қилади.

Саноат корхоналарини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида ҳам мутаносиблик тамойили ётади. Комплекс равишда механизация бўлмаса, диспропорция келиб чиқиши, сермехнат ишлаб чиқариш жараёнлари кўпайиши мумкин.

**Паралеллик тамойили.** Бу тамойилнинг моҳияти ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча айрим қисмларини бир пайтда бажаришдан иборат, яъни маҳсулот тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган иш кенг кўламда ташкил қилинади.

**Бир текис, кетма-кет йўналиш тамойилини** қўллаш ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилаётганда меҳнат предметлари ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳамма босқичларидан ва барча операцияларидан энг қисқа йўл билан ўтишини аниқлашга ёрдам беради (хом ашё ва материалларнинг келиб тушишидан тортиб то тайёр маҳсулот бўлиб чиққунгача ва бу маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бергунга қадар).

Бир текис, кетма-кет йўналишга эришиш учун цехлар майдонида аппаратларни, ускуналарни оқилона жойлаштириш лозим, бундан ташқари асосий ва ёрдамчи цехларни завод ҳудудида тўғри жойлаштириш асосида хом ашё ва материалларнинг қарши ҳаракатига ва қайтишига йўл кўймаслик керак.

**Узлуксизлик тамойили** деганда ишлаб чиқариш жарёнида режасиз тўхташ, танаффус бўлмаслиги, яъни узлуксиз ишлаш тушунилади.

**Бир меъёрлилик тамойили** ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бўлимлари, бир хил ораликдаги иш вақтида берилган дастурга асосан бир хил ҳажмдаги ишнинг бажарилиши билан характерланади.

**Автоматлашганлик тамойили.** Бу тамойил ишлаб чиқариш жараёнларининг операцияларини максимал автоматик равишда, яъни ишчиларнинг бевосита қатнашмаслиги ёки уларнинг назорати остида бажарилишини талаб этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг айрим операцияларини юқори даражада автоматлаштириш ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштиришнинг дастлабки асосий шарти бўлиб, автоматик поток линияларини яратишга қадар амалга оширилиши лозим.

Автоматлашганлик тамойили фақат технологик жараёнларда қўлланилмай, балки уларни техникавий тайёрлаш, назорат қилиш, тартибга солиш, хизмат кўрсатиш каби ишларни бажаришда ҳам кенг қўлланилади.

**Синхронлаш тамойили.** Ишлаб чиқариш жараёнини синхронлаш фақат узлуксиз ишлаб чиқариш ҳамда кўпроқ автоматик ишлаб чиқаришнинг характерли хусусиятидар.

Ишлаб чиқариш жараёнини синхронлаш деганда қуйидагилар тушунилади:

– операцияларни бажаришга кетган вақт сарфи (оператив вақт)нинг тенг бўлиши;

– меҳнат буюмларини операциялараро ва линиялараро транспортировка қилиш учун кетган вақт сарфининг тенг бўлиши;

– иш жойига хизмат кўрсатиш ва ишчиларнинг дам олиши бўйича оператив ишлардаги танаффусларнинг тенглиги;

– меҳнат буюмларининг потокдаги ҳаракатини ташкил этиш пайтида операциялар тугаши билан уларни транспортировка қилишнинг бошланадиган вақтнинг бир-бирига мос келиши.

Ушбу тўрт шартдан ҳатто биттасига риоя қилинмаса ҳам ишлаб чиқариш жараёни озми-кўпми синхронлашмайди.

### **3.3. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш шакллари**

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг илғор шаклларига ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинациялаш киради.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш – бу, ижтимоий меҳнат тақсимотининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланиб, у илмий-техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизими билан узвий боғлиқдир. Корхоналараро ва улар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг асосини меҳнат курулларини ихтисослаштириш ташкил этади.

Корхона ичидаги ихтисослаштириш цехларни ва участкаларни айрим маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки технологик жараённинг маълум босқичини бажаришга йўналтиради.

Ихтисослаштириш маҳсулотни стандартлаш, меъёрлаштириш ва деталларни унификациялашга асосланади, шунингдек, технологик жараёнлар механизациялаштирилади ва ихтисослашган ускуналардан кенг кўламда фойдаланилади.

Машинасозлик заводлари ва уларнинг бўлимларини ихтисослаштириш даражаси асосан икки омилга: ишлаб чиқариш миқёси ва маҳсулотнинг меҳнат талаб қилишига боғлиқдир.

Саноат корхоналарида ихтисослаштиришнинг учта:

буюмлар; технологик; деталлар бўйича ихтисослаштириш шакллари мавжуд.

Цехлар, участкалар ва иш жойини технологик ихтисослаштириш натижасида уларнинг ҳар бири бир хил технологик операцияни ва бир хил ишни бажаради. Масалан, машинасозликда темирчилик, заготовклар кўядиган, механика, иссиқлик, пайвандлаш ва бошқа цех ҳамда участкалар, металлургия саноатида домна, мартен ва прокат цехлари ташкил қилинади; тўқимачилик фабрикаларида — йигирув, тўкув ва бошқаларнинг ташкил қилиниши технологик ихтисослаштиришга мисол бўла олади.

Ишлаб чиқариш кўлами ортиб борган сари корхоналарнинг бўлимлари (цех, участкалар)да технологик ихтисослаштиришнинг чуқурлашуви вужудга келади: маҳсулотларнинг ўлчамига қараб (масалан, механика цехи йирик, ўрта ва майда); материаллар турига қараб ишлов бериши бўйича (масалан, пўлат, чўян ва чўзиладиган чўян); қуюв цехлари ва ҳ. к. жараёнларнинг операциялари бўйича (токарлик, фрезерлик, силлиқлаш, пардозлаш).

Технологик ихтисослаштириш шароитида унумдорлиги юқори бўлган техникадан ва технологиядан, шунингдек, илғор ишлаб чиқариш усулларидадан яхшироқ фойдаланишга эришилади.

Цехлар ва участкаларни буюмлар бўйича ихтисослаштиришда буларнинг ҳар бири технологик жиҳатдан ҳар хил бўлган операцияларни бир хилдаги деталлар ёки узеллар бўйича бажаради. Корхоналарнинг бўлимларини буюмлар бўйича ихтисослаштириш шакли кўп жиҳатдан тор ихтисослашган заводлар учун характерлидир (оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришларда). Бундай цехлар агрегатларнинг айрим деталлари ва қисмларини ишлаб чиқаришга мослашади, номенклатураси эса чегараланган бўлади (масалан, автомобиль заводларида — машинанинг орқа кўпригини ёки моторини ишлайдиган цехлар, вагонсозлик заводида рессор, станоксозликда — станина, корпус деталлари, шестеренкалар, втулкалар ва ричаглар цехи). Цехларнинг буюмлар бўйича қурилиши қоида бўйича берк жараёнларга олиб келади, бундай цехларда ҳар хил босқичга тегишли ёки ишлаб бериш турига қараб жараёнлар дам-бадам бирга олиб борилади. Цехларнинг технологик ихтисослашган шаклидан аста-секин бирмунча илғор бўлган буюмлар бўйича ихтисослашишга ўтиши машинасозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштиришнинг ҳозирги шароитдаги бирдан-бир тенденциясидир.

Буюмлар бўйича ихтисослаштириш қуйидагиларни назарда тутаяди: технологияни пухта ишлаб чиқиш, юқори унумли ускуналарни қўллаш, материаллардан фойдаланиш коэффициентининг юқори бўлиши, меҳнат унумдорлигини ошириш, корхоналарнинг цех ва бўлимларидаги бошлиқлар ва конкрет ижрочилар жавобгарлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда илғор усуллардан кенг фойдаланиш.

Буюмлар цехини ташкил қилиш икки шарт-шароитга асосланади: 1) маҳсулотлар кўлами талайгина бўлса, оммавий ва сериялаб ишлаб чиқаришни ўстириш зарур; 2) машинасозликда янги технологияни жорий қилиш, металлга ишлов беришда электр усулларидадан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг буюмлар бўйича тузилишига завод-автомат мисол бўла олади. Масалан, алюминдан автомобиль поршенларини ишлаб чиқарадиган завод-автомат битта агрегатда турли хил жараёнларни бирлаштиради. Буларга суюқ эритмани тайёрлаш, қуйиш, поршенларга иссиқлик ёрдамида ишлов бериш, механик ишлов беришнинг қаттиқлигини, поршенларнинг катта-кичиклиги бўйича саралашни ва жойлашни текшириш.

**Деталлар бўйича ихтисослаштириш** ишлаб чиқариш участкаларини қисман ихтисослашган ускуналар билан қуроллантириш натижасида хом ашёларни тежаб-тергаб ишлатишни ва юқори меҳнат унумдорлигига эришишни кўзда тутаяди.

Заводларни деталлар бўйича ихтисослаштиришда фақат бир хил турдаги машиналарнинг бир хил номдаги ёки бир хилдаги деталлари тайёрланади. Деталлар бўйича ихтисослаштириш стандартлашнинг кенг кўламда ривожланишини, деталлар ва қисмларнинг конструкциясини



меъёрлаштириш ўзаро боқлиқлигини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир хил сифатли бўлишини кўзда тутди. Ихтисослаштиришнинг бу шакли кўпроқ машинасозлик ва енгил саноатда тарқалган, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари (металлургия, мебель, тикув, пойабзал саноатлари)да ҳам ривожланмоқда.

Деталлар бўйича ихтисослаштириш машинасозлик заводларида майда серияли ва доналаб ишлаб чиқаришда кенг тарқалган. Бундай ихтисослаштиришдан мақсад корхоналарни унификациялаш, деталлар гуруҳини техника жиҳатидан асослаш ва уларни тайёрлашни технологик, яъни гуруҳ йўли билан амалга оширишдан иборатдир. Кейинги вақтларда ихтисослаштиришнинг функционал шакли янада кўпроқ кўзга ташланадиган бўлди. У корхоналарда ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган ишларни бажаришга ихтисослашади, масалан, таъмир ишлари, юкларни ташиб олиб бориш ва ҳ. к.

Корхоналарни, цехларни ихтисослаштириш ишлаб чиқаришни кооперативлаштиришни ва бирон-бир маҳсулот тайёрлаш учун биргаликда иш олиб боришни тақозо қилади. Завод ичидаги кооперативлаштириш деганда цехлар ва иш жойларининг биргалашиб маҳсулот ишлаб чиқаришини ташкил этиш тушунилади.

Цех ва участкалар ишлаб чиқаришининг ўзаро боғлиқлиги техникавий тайёргарлик кўриш жараёнида аниқланади. Конструкторлик ва технологик тайёргарлик даврида завод ичидаги кооперативлаштириш масаласи ва ишланадиган материаллар, яримфабрикатларнинг маршрути аниқланади. Шундай қилиб, завод ичидаги кооперативлаштириш белгиланган муҳлатда меҳнатни, материалларни кам сарфлаш натижасида режада кўрсатилган маҳсулотни комплекс ва сифатли тайёрлашни таъминлайди.

Ихтисослаштиришнинг мавжуд турларига мувофиқ, кооперативлаштириш ҳам қуйидаги уч турга ажратилади:

– буюмлар бўйича кооперативлаштириш — бунда сўнгги маҳсулотни комплекташ учун айрим цехлар йиғув цехига тайёр агрегатлар етказиб беради;

– деталлар бўйича кооперативлаштириш — бунда цех айрим деталларни ёки узелларни етказиб беради;

– технологик кооперативлаштиришда бир цех бошқаси учун ярим тайёр фабрикатлар етказиб беради ёки алоҳида операцияларни бажаради.

Ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш билан бир қаторда комбинациялаш ҳам корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий шаклларида бири ҳисобланади.

Комбинациялашни қуйидагича таърифлаш мумкин: комбинациялаш саноатнинг турли тармоқларининг бир корхонага қўшилувидирким, бунда ушбу тармоқлар хом ашёларни кетма-кет ишлаб берувчи тармоқлар (масалан, рудадан чўян қуйиш ва чўянни пўлатга айлантириш, сўнгра пўлатдан турли тайёр буюмлар ишлаб чиқариш бўлиши мумкин) ёки бири иккинчисига нисбатан ёрдамчи рол ўйновчи тармоқлар бўладилар (масалан,

чиқиндиларни ёки бир нарсани ишлаганда чиққан нарсаларни ишга солиш, мол жойлаш учун керакли нарсалар ишлаб чиқариш ва ҳоказолар).

Машинасозлик ишлаб чиқариш технологиясининг ўзига хос хусусияти комбинациялашнинг кенг тарқалмаслигига сабаб бўлди. Комбинациялаш, айниқса, кимёвий ва физикавий-кимёвий жараёнлар билан хом ашёларни қайта ишлаш (кимё, металлургия, газ саноати ва ҳ. к.) саноатларида ривожланган ва улар учун характерлидир. Комбинациялаш — бу, турли саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган ҳар хил маҳсулотларни бир корхонада бирлаштириш, демакдир.

Ишлаб чиқаришда комбинациялаш уч асосий шакли билан фарқ қилинади:

- хом ашёни кетма-кет ишлаш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш;
- хом ашёни комплекс равишда ишлаш.

Ишлаб чиқариш типи деганда техникавий ташкил қилиш ва иқтисодий хусусияти, ихтисослаштириш ва тайёрланган маҳсулот номенклатураси, миқёси ва бир номда чиқариладиган маҳсулот даражасининг доимийлиги, барқарорлиги ва бошқалар йиғиндиси тушунилади.

Ишлаб чиқариш кўлами ва ихтисослаштириш даражаси турлича бўлганда, ускуналардан фойдаланиш шарти ҳар хил бўлади. Бир хилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқёси ускуналарни танлашга ва технологик асбоб-ускуналарнинг кимёвий хоссаларига таъсир этади. Айрим буюмларни тайёрлаш учун белгиланган юқори унумли ускуналар маҳсулотлари турлича бўлган ва тез-тез ўзгариб турадиган заводлар учун тўғри келмайди. Улар ишлаб чиқариш структурасини белгилайди ҳамда технологик жараён хусусиятини ва уларнинг қуроланганлиги, ишлаб чиқариш жараёнларини ва иш жойидаги меҳнатни ташкил қилиш шакллари ҳамда бошқаришнинг аниқ усуллари кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий даражаси кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш турларига боғлиқдир. Саноат корхоналарининг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий турлари доналаб, сериялаб ва оммавий ишлаб чиқаришдан иборат.

Доналаб маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар истеъмоли чегараланган буюмларни тайёрлаш учун ташкил этилади. Доналаб ишлаб чиқаришнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- тайёрланган маҳсулотнинг кўп хиллилиги, улардан асосий қисмининг такрорланмаслиги, шунингдек, унча кўп бўлмаган миқдорда ишлаб чиқарилиши;
- иш жойларини технологик ихтисослаштириш, маълум деталларни ва операцияларни доимий равишда иш жойларига бириктириб қўйишнинг мумкин эмаслиги;
- универсал ускуналарнинг ва универсал йиғув асбоб-ускуналарнинг кўлланилиши;

- қўл билан йиғиладиган ва яқунловчи операциялар салмоғининг катталиги;

- универсал ва юқори малакали ишчилардан кўп фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш циклининг нисбатан узунлиги;
- ускуналарни тез-тез созлаш натижасида улардан фойдаланиш коэффицентининг камлиги.

Маҳсулотни доналаб ишлаб чиқарадиган корхоналар самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги, асосий ва ёрдамчи материалларнинг кўп сарф бўлиши, маҳсулотнинг таннархи юқори бўлиши билан бошқа корхоналардан фарқ қилади.

**Серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш.** Маҳсулотни сериялаб ишлаб чиқарувчи корхоналарда нисбатан кўпроқ қайтариладиган маҳсулот тайёрланади, лекин доналаб ишлаб чиқаришга қараганда маҳсулот номенклатураси бирмунча чегараланган бўлади. Серияли ишлаб чиқариш жараёнининг тузилиши ҳар бир янги серияда ўзгариши мумкин.

Серия деганда ишлаб чиқаришга бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет тушириладиган конструктив бир хилдаги буюмларнинг бир нечтаси тушунилади.

Серияли ишлаб чиқаришда ҳар қайси ихтисослаштирилган участкада, биринчи навбатда, механика цехларида бир хилдаги гуруҳ деталларни ишлаб бериш таъминланади. Ишлаб бериш усулларини ихтисослаш технологик жараёнларни тезлаштиришга шароит яратади. Серияли ишлаб чиқаришнинг хусусияти цех ва бутун корхонани ташкил қилиш шаклига ҳамда бошқариш тизимига ва режалаштиришга таъсир қилади. Айрим корхоналарда ишлаб чиқариш участкалари асосий технологик белгиларга асосан ташкил қилинса, серияли ишлаб чиқаришда эса, улар буюмнинг технологик белгилари бўйича ташкил этилади.

Маҳсулот номенклатурасининг хилма-хиллиги ва ишлаб чиқаришнинг миқёсига қараб (яъни корхоналарни ихтисослаштириш даражасига қараб) серияли ишлаб чиқариш қуйидаги серияларга бўлинади:

а) майда серияли ишлаб чиқариш ўз хусусияти билан доналаб ишлаб чиқаришга яқин туради ва бунда маҳсулот майда сериялаб, яъни бир неча доналаб, ўнлаб ёки юзлаб дона ишлаб чиқарилади;

б) ўртача серияли ишлаб чиқаришда маҳсулот ишлаб чиқариш сериялаб (ўнлаб ва юзлаб номда) ишлаб чиқариладиган машиналар қувватининг катта-кичиклигига боғлиқ;

в) йирик серияли ишлаб чиқариш эса нисбатан оз номенклатурада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш билан характерланади.

Серияли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қуйидаги асосий хусусиятлар билан характерланади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатурасининг кўплиги ва доимийлиги;

- ихтисослаштирилган иш жойига доимий равишда боғланган операцияларни бажариш;

- маҳсулотни сериялаб ишлаб чиқариш ва деталларни партиялаб, олдиндан белгиланган тартибда навбатма-навбат ишлаб чиқариш;
- ихтисослашган ва махсус ускуналар билан бирга универсал асбоб-ускуналар қўллаш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда кўп меҳнат талаб қиладиган ва қўл ёрдами билан бажариладиган ишнинг улушини камайтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнининг нисбатан қисқариши (айрим ишлаб чиқаришга нисбатан).

**Ишлаб чиқаришни оператив бошқаришни марказлаштириш.** Серияли ишлаб чиқаришнинг у ёки бу турдаги кўринишини аниқлайдиган объектив кўрсаткич ускуналарнинг серияли юкланиш коэффициенти ( $K_{сер}$ ) ҳисобланади.

$$K_{сер} = \frac{O_c}{U_c},$$

Бу ерда:  $O_c$  — бир цехда ишланадиган деталлар операцияларининг сони;

$U_c$  — цехдаги ўрнатилган ускуналар сони.

Амалда қуйидаги сериялаш коэффициентлари қўлланилади:

- майда сериялаб ишлаб чиқаришда 20-40;
- ўртача сериялаб ишлаб чиқаришда 5-20;
- йирик сериялаб ишлаб чиқаришда 3-5.

**Ишлаб чиқаришнинг оммавий тури.** Оммавий ишлаб чиқариш бир хилдаги маҳсулотни узлуксиз равишда узок давр давомида қўплаб ва такроран ишлаб чиқариш билан характерланади. Участкада, линияда, иш жойида ишлаб чиқариш жараёни қатъий равишда қайтарилади. Бундай корхоналар дам-бадам бир ёки икки хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Ишлаб чиқаришнинг оммавий тури қуйидаги асосий хусусиятлари билан характерланади:

- маҳсулотнинг унча кўп бўлмаган номенклатурасини доимий равишда қўплаб ишлаб чиқариш;
- доимий равишда бириктирилган битта операцияни бажариш учун иш жойини ихтисослаштириш;
- махсус ускуналар ва юқори унумли анжомларнинг улушини маълум даражада кўпайтириш;
- механизациялашган ва автоматлашган жараёнларнинг улушини кўпайтириш ва қўл меҳнати билан бажариладиган ишни кескин камайтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнини қисқартириш (сериялаб ишлаб чиқаришга нисбатан);
- ишлаб чиқаришни бошқариш функциясини марказлаштириш ва оператив режалаштириш.

Корхона ишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўзига хос ҳар хил типдаги ишлаб чиқариш билан аниқланади ва

янада илғор технологияни жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан белгиланади. Масалан, доналаб ишлаб чиқаришда корхоналарнинг махсус қайта қуролланишига кетадиган харажатларнинг таннархдаги улуши 1,5-2,5 фоизни, серияли турида 5-6,0 фоизни ва оммавийда эса 8-12 фоизни ташкил этади.

Корхоналарда қўлланиладиган ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон усуллари қуйидаги кўринишларда бўлади: а) узлуксиз (поток); б) партиялаб ва в) доналаб ишлаб чиқариш. Буларнинг бир-биридан фарқи иш жойини ихтисослаштириш даражаси, меҳнат буюмларининг иш жойидаги ҳаракат усули, цех ва участкаларнинг қурилиш усуллари, ритмлик ва узлуксизлик даражаси билан белгиланади.

### **Қисқача хулосалар**

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг муҳим вазифаларидан бири – бу, ишлаб чиқариш жараёнлари элементларининг ўзаро уйғунлашуви ва мувофиқлашуви таъминлашдан иборат.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг бир қатор фундаментал қоидалари ва шакллари мавжуд бўлиб, уларга риоя қилиш корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишга имконият яратиб беради.

Ишлаб чиқариш жараёнлари бир қатор ташкилий-техникавий жиҳатларига эга бўлиб, уларнинг таъсирида ишлаб чиқаришни ташкил этиш воситалари, усуллари шаклланади. Улар эса корхона хўжалик фаолиятининг пировард натижалари бўлган харажатлар, маҳсулот ҳажми, унинг сифати, меҳнат унумдорлиги, рентабеллиги даражасига таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини белгилаш ва таҳлил этишда уларнинг меъёрийларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя қилиш аохида аҳамият касб этади. Улардан фойдаланиш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарадорлигини аниқлашда асос бўлади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариш жараёни: моҳияти, аҳамияти ва турлари.
2. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг асосий тамойиллари.
3. Ишлаб чиқариш жараёни шакллари тавсифлаш.
4. Поток ишлаб чиқариш турининг моҳияти. Такт, ритм, поток суръати, линияларда иш ўринларининг таърифи.
5. Ишлаб чиқариш циклининг узунлиги: моҳияти, таркиби, тузилмаси ва унинг катталигини белгиловчи омиллар.
6. Ишлаб чиқариш турларининг муҳим хусусиятлари.

## Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.
3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
4. А. Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.
5. Зайцев Н.Л. Экономика, организация и управление предприятиям: учеб. пособ. 2-е изд. –М.: Инфра-М, 2008.-455с.
6. Махмудов Э. Х. Корхона иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).- Т.:ТДИУ,2009.-208 бет.
7. С.Г. Календарева Организация производства на предприятии (тексты лекции). –Т.: ТГЭУ, 2009. - 115 стр.
8. Туровец О.Г., Родионова В.Н. Теория организации: учеб. пособие. –М.: РИОР, 2008.-97с.
9. Эффективная организация: Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2009. – 192 с.

## **IV МАВЗУ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **4.1. Ишлаб чиқаришни илмий-техник тайёрлашнинг моҳияти ва аҳамияти**

Бозор муносабатларга ўтиш саноат корхоналарни маҳсулотини доимий янгиллаб туришига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни тайёрлашга корxonанинг ишлаб чиқариш моддий – техник базаси ривожлантириш, меҳнатни, бошқаришни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича фаолияти, чунончи:

- тайёрланаётган маҳсулотни, техникани, технологияни, терма материалларни, ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни ташкилий такомиллаштириш билан боғлиқ амалий тадбирларни ўтказиш;
- янги маҳсулотни лойиҳалаштириш ва олдингиларини замонавийлаштириш;
- маҳсулот тайёрлашнинг технологик жараёнлари ишлаш;
- ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни ташкил этиш усуллари ишлаш;
- инструментларни, асбоб-ускуналарни лойиҳалаштириш ва тайёрлаш;
- стандартсиз асбобларни лойиҳалаштириш ва тайёрлаш;
- ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти;
- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- технологик, техник ва ташкилий ҳужжатларни ишлаш киради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган, юқори унумдорлик, мустаҳкам, ресурс ва энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни тайёрлаш ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг муҳим вазифасидир.

Ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг моҳияти, бу жараёндаги иш кўлами ва ташкил этиш шакллари ишлаб чиқариш турига, маҳсулотнинг янги ёки эскирилиги даражасига уни ишлаб чиқаришнинг осон ёки қийинлигига боғлиқ.

Ишлаб чиқаришни тайёрлаш жараёнини қуйидаги икки қисмга бўлиш мумкин:

- илмий изланишлар цикли;
- илмий тадқиқотларни ишлаб чиқаришда ишлатиш, яъни ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш.

Ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш, ўз навбатида, лойиҳа-конструктор, технологик ва ташкилий-моддий тайёрлаш жараёнларини ўз ичига олади.

Илмий тадқиқотлар қуйидагиларга бўлинадилар:

- назарий қидирув – аниқ амалий вазифалар қўйилади, асосан ҳар хил фан соҳаларини янги фикрлар билан таъминлаш учун олиб борилади;

- назарий-асосли – асосий мақсаддан кўра, кўшимча натижалар берадиган мақсадга қаратилган тадқиқотлар;
- амалий – аниқ маҳсулотлар яратишни таъминлаш мақсадида олиб борилади.

Илмий-тадқиқот институтларида, конструкторлик бюрolariда ва ўқув юртлиарида аниқ муаммо бўйича олиб борилаётган изланиш, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ўз ичига олган босқичлар йиғиндиси мавзу деб аталади.

Мавзунинг турли босқичлар ва босқичлар бўйича ишларнинг эҳтимолли босқичлари қуйидагилардан иборат:

### **1-босқич – техник вазифани белгилаш.**

Бу босқичда ушбу йўналишда юртимиздаги ва чет эллардаги ишлар бўйича патентли ва илмий-техник маълумотлар ўрганилади. Шу асосда тадқиқотларнинг вазифалари ойдинлаштирилади ва мавзунинг техник-иқтисодий далили ишлаб чиқилади. Сўнг тайёрлаш графиги ва мавзунинг режали калькуляцияси тузилади.

### **2-босқич – техник таклифни тайёрлаш.**

Бу босқичда техник вазифа таҳлил қилинади, илмий-техник ахборотлар манбалари танланиб ўрганилади, техник таклиф тайёрланиб, мослаштирилиб, қарорлаштирилади.

**3-босқич – назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш** қуйидагилардан иборат:

- назарий тайёрлаш (илмий ва техник фикрларни текшириш, мавжуд хужжатларни, адабиётларни, уларнинг ўхшаш жиҳатларини (аналогларни) ўрганиш, тадқиқотларни, схемаларни, назарий далилларни, ҳисобларни тайёрлаш, тажриба ишларининг зарурлигини аниқлаш);
- тажриба нусхаларини ва макетларини лойиҳалаштириш ва тайёрлаш;
- тажриба ишлари натижасида ишланган схема, ҳисоб ва лойиҳаларга ўзгаришлар киритиш.

**4-босқич – илмий-тадқиқот ишларни расмийлаштириш.** Бу босқичда жорий хужжатлар, шу жумладан, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг янгилиги ва маъқуллиги, мавзунинг иқтисодий самарадорлиги, уни қабул қилиш, ҳайъат ишлари дастури тўғрисида маълумотнома тузилади.

**5-босқич – мавзунини қабул қилиш.** Бу жараён ташкилот илмий-техника кенгашида техник ҳисобот натижаларини муҳокама қилиб, тасдиқлаш ва буюртчининг илмий-тадқиқот ишларини қабул қилиш ҳақидаги далолатномани имзолаш йўли билан ўтказилади.

Тадқиқот тематикасининг таркибига техник, технологик, иқтисодий, ишлаб чиқариш физиологик, экологик, ижтимоий муаммолар кириши мумкин.

Тадқиқотларнинг мавзуларини белгилашида ҳар бир мавзу чегараларининг мазмунини, улардан кутилган натижаларни,



базаручиларни, тайёрлаш вақтларини, харажатларни ва самарадорликни, ҳар хил вариантларнинг харажат ва самарасини тўғри аниқлаш муҳимдир.

Демак, ишлаб чиқаришни тайёрлашининг биринчи жараёнида илмий изланиш ва янги маҳсулот яратиш фикрининг пайдо бўлиши; иккинчисида – техник вазифани лойиҳалаштиришига ва серияли ишлаб чиқаришга тайёрлаш назарга олинади; учинчи жараён маҳсулот ишлаб чиқариш бошланганидан то уни ишлаб чиқаришнинг лойиҳалаштирилган қуввати эгаллангунигача давом этади.

#### **4.2. Маҳсулотни лойиҳалаштиришни ташкил этиш**

Илмий-тадқиқот ишларининг натижалари янги маҳсулотларни конструкторлик жиҳатидан тайёрлашда ишлатилади.

Ишлаб чиқаришни конструкторлик жиҳатидан тайёрлаш – бу, янги маҳсулотни лойиҳалаштириш ва чиқарилаётган маҳсулотни мукамаллаштириш бўйича ишлар йиғиндисидир. Маҳсулотни конструкторлик жиҳатидан тайёрлашнинг мақсади уни ишлаб чиқариш ва сотиш фойдали эканлигини, аҳолининг тегишли эҳтиёжларни қондира олишини аниқлаш ва ихтисослаштиришдадир.

Янги маълумотлар, фикрлар, баҳолаш мезонларнинг юзага келиши ва бошқа ўзгаришлар яқинда маъқул бўлган мол маънавий эскирганлигини аниқлаш учун асос бўлади. Маҳсулотни конструкциялаш жараёни унинг замонавий ва келажакда қутилаётган вазиятларга барвақт уйғунлаштириш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни конструкторлик жиҳатдан тайёрлашни ташкил этишга қатор талаблар қўйилади:

- қайта лойиҳалаштирилган маҳсулотларнинг техник-иқтисодий тавсифларини фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига мувофиқлиги;
- ишлаб чиқаришни конструкторлик тайёрлашнинг иқтисодий жиҳатдан афзаллиги;
- конструктор ишларининг мунтазам олиб борилиши;
- ишлаб чиқаришни конструктор тайёрлашни юқори сифатлилиги.

Бу талабларни бажариш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- конструкциялашда унификациялаш тамойилини ишлатиш;
- ишлатилаётган конструкцияларни ўз вақтида техник-иқтисодий таҳлил қилиш;
- тайёр машиналар синаб кўриладиган хўжалик ва тажриба цехларини ташкил этиш;
- механизация ва автоматлаштириш учун ажратилган маблағларни ишлатиш;
- конструкторлик ишларини параллел равишда мунтазам бажариш;
- режалаштириш ва бошқаришнинг мукамал усулларини ишлатиш;
- меҳнатни оқилона ташкил этиш;

- ахборотлар билан таъминлашни, чизиш ва маълумот-кутубхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришни конструкторлик жихатидан тайёрлашнинг асосий босқичларига техник вазифа, эскиз лойиҳа, ҳисобот нусхаларининг ишчи чизмалари, тажриба нусхаларини тайёрлаш, синаш ва етказиш, серияли ишлаб чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш киради.

Техник вазифа янги конструкциянинг ишлатилиш соҳасини, асосий эксплуатацион кўрсаткичларни (унумдорлик, қувват, мустаҳкамлик ва бошқалар), маҳсулотга эҳтиёжининг истиқболларини, унинг режали ишлаб чиқариш ҳажмини ва биринчи нархини ифода қилади.

Эскиз лойиҳада кинематик, электр схемалар, умумий кўришнинг чизмалари, терма қисмлар ихтисослиги тузилади, макетлар тайёрланади.

Техник лойиҳа маҳсулотнинг айрим узел ва агрегатларни конструкторлик тайёрлаш бўйича ишлардан иборат. Техник лойиҳага олиб борилган ҳисоботлар, тайёрланган ҳужжатлар ва конструкциянинг техник далили тўғрисидаги ёзув баёни қўйилади.

Техник лойиҳа асосида тажрибий партия ва ўрнатилган серияларнинг иш чизмалари тузилади, назорат партияларини тайёрлаш ва синиш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштириш учун чизмалар тайёрланади.

Янги маҳсулотни лойиҳалаштирганда конструкциянинг юқори технологиялиги, яъни стандартлаш ва унификациялаш даражасини ошириш ёрдамида лойиҳалаштириш ва тайёрлаш, меҳнат ва моддий харажатлар қисқартирилишини таъминлаш керак.

Конструкторлик унификацияси – бу, деталларнинг шакллари ва ўлчови, хом ашёнинг маркаси, маҳсулотларнинг турлари ва конструкциялари далилсиз кўплигини йўқотиш чора-тадбирлар тўпламидир.

Унификация агрегациялаш, яъни маҳсулотларни чегараланган унификациялашган элементларидан йиғиш ва конструкцион, чунончи, янги маҳсулотни конструкциясида ишлатилган терма бирликлар ва деталларни ишлатиш негизи бўлади.

Стандартлаш аниқ соҳада ҳамма қизиқадиган томонларнинг фойдалилиги учун олиб борилган таркибий фаолиятининг аниқ талаб ва қоидаларни, бирликларини белгилаш, айниқса, ишлатиш шароитлари ва хавфсизлик талаблари катъий амал қилган ҳолда мақбул тежамга эришишдир.

Конструкторлик унификациясининг муҳим йўналишлардан бири – бу, бир хил ёки ўхшаш ишлатиш моҳиятига эга маҳсулотлар ва уларнинг элементлари миқдорини қисқартиришдир.

Унификация маҳсулот номенклатурасини қисқартиради, конструкциянинг техник даражасини оширади, маҳсулот ўрганиладиган вақт ҳамда унификациялашган узел ва деталлар тайёрлаш жараёнини қисқартиради.

Унификация ва стандартлашнинг даражаси қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан тавсифланиши мумкин:

1. Маҳсулотни унификациялаш коэффиценти (Кун):

$$K_{ун} = N_{ун} + N_{ум},$$

Бу ерда:  $N_{ун}$  – унификациялашган деталларнинг номенклатураси;

$N_{ум}$  – маҳсулотларда деталларнинг турлари миқдори номенклатураси.

2. Стандартлаш коэффиценти (Кст):

$$K_{ст} = N_{ст} + N_{ум},$$

Бу ерда:  $N_{ст}$  – маҳсулотда стандарт деталлар турларининг номенклатураси.

3. Лойиқлик коэффиценти (Кл):

$$K_{л} = N_{и} + N_{ум},$$

бу ерда  $N_{и}$  – маҳсулотларда ишлатилган деталлар турларининг номенклатураси.

Стандартлар ва техник шароитлар ўз вақтида янгилаштирилиши лозим.

Катта корхоналарда конструкциялар тайёрлашишлари бош конструкторлик бўлими, серияли ва умумий ишлаб чиқариш корхоналарида – тажриба цехлари томонидан олиб борилади. Шахсий ишлаб чиқариш заводларида бундай цехлар йўқ, шунинг учун конструкцияларни саноат маҳсулотининг ўзида тузатишади. Корхоналарда стандартлаш бўйича ишлар илмий-техник ва ташкилий-услубий бошқарилиши бош муҳандис раҳбарлигидаги конструкторлик-технологик бўлим (бюро) олиб боради.

#### **4.3. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг мазмуни ва уни ташкил этиш**

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш қуйидаги ишлардан иборат:

1. технологик жараёнларни лойиҳалаштириш;
2. техник томондан далиланган зарур меъёрларни аниқлаш;
3. техник назорат усуллари танлаш;
4. амалдаги технологик жараёнларни мукамаллаштириш;
5. технологик жараёнларни ташкил этишни яхшилаш;
6. махсус инструментларни, асбобларни, моделларни, штампларни ва ҳ.к.ларни конструкциялаш, тайёрлашнинг технологик жараёнини ишлаш, тажрибада текшириш ва ишлаб чиқаришга киритиш.

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг вазифалари қуйидагича:

1. терма қисмларнинг юқори сифатини, деталлар тайёрлашни, узел ва бутун маҳсулотнинг йиғилишини таъминлаш;
2. асбоб-ускуналарни, технологик анжомларни ва ишлаб чиқариш майдонларини энг юқори унум билан ишлатишга эришиш;

3. тайёрланаётган маҳсулотнинг меҳнат сифимини, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёларни, ёқилғи-энергияни максимал камайтириш.

Технологик жараёнларни ишлаши учун ҳар хил материаллар керак: конструктор чизмалар, моддий тафсиқлашлар, техник шароитлар, корхонада мавжуд бўлган асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар, уларнинг режаси ва иш билан таъминлаш.

Технологик жараёнларнинг бориши қуйидаги тартибда ўтказилади:

- вазифани аниқлаш;
- жараёнларнинг меъёрини олдиндан белгилаш;
- операцияларнинг рўйхатини, мазмуни ва ўтказиш тартибини аниқлаш;
- жараённинг меъёрини сўнгги белгилаш;
- керакли асбоб-ускуна ва технологик анжомни танлаш;
- ҳар бир операция ишларининг миқдорини, ишчиларнинг талаб қилинадиган ихтисослигини ва малакасини аниқлаш;
- вақт меъёрларини ҳисобот далили;
- лойиҳалаштирилган технологик жараён вариантнинг иқтисодий мувофиқлигини текшириш.

Технологик жараёнининг бориши технологик хариталарда қайд этилади. Улар маршрутли, операцион ва инструктор хариталар ҳолида тузилади.

Маршрутли харита таркибда тайёрлаш, йиғиш ва назорат қилишнинг технологик жараёни таърифи бўлади; у цехлараро режалаштириш учун тузилади.

Инструктор харита бевосита ишчилар фойдаланиши учун мўлжалланган. Унда операция, таркиб, асбоб, айрим иш ва усулларнинг мазмуни изоҳланади.

Моддий спецификациялар деталларни тайёрлаш учун керак материалларнинг рўйхати, маркаси, нави (сорти), меъёрлари ва ҳажми кўрсатилган ҳолда тузилади.

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни тезлаштиришда турли технологик жараёнлар муҳим ўрин тутди. Технологик жараёнларнинг турларга бўлиниши юқори унумли илғор технологик жараёнларни тартибга солишда, умулаштиришда катта аҳамиятга эга. У бир турли гуруҳ деталларини тайёрлашнинг умумлаштирилган схемасидан иборат бўлади.

Турли технологик жараёнлар технологик тайёрлаш вақтини 2-3 мартага қисқартиради.

Технологик жараёнларни лойиҳалаштирганда ҳар хил технологик вариантларнинг иқтисодий самарси ҳисобланади. Ҳар бир вариантнинг технологик жараёнидаги таннархи қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$E_1 = V_1 * N + C_1; E_2 = V_2 * N + C_2,$$

Бу ерда: E – маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми;

V – маҳсулот бирлигига ўзгарувчи ҳаражатлар;

$N$  – маҳсулот ишлаб чиқариш (йиллик, ойлик, кварталлик) дастури;  
 $C$  – маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг доимий (йиллик, ойлик, кварталлик) харажатлари.

Агар келтирилган харажатларда  $C_2 > C_1$  ва  $V_2 < V_1$  бўлса, бунда маҳсулотни қайси ишлаб чиқариш ҳажмида кўшимча доимий харажатларни ( $C_2 - C_1$ ) маҳсулот бирлигининг ўзгарувчи харажатлари ( $V_2 - V_1$ ) қоплайди.

Маҳсулот бирлигининг таннархи иккала вариантда баробар бўлиши, ҳажми, яъни кескин дастури қуйидаги формулада ифода топган:

$$N_{кр} = (C_2 - C_1) / (V_2 - V_1)$$

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши билан маҳсулот бирлиги харажатларнинг тенглиги ўзгаради. Агар ишлаб чиқаришни ҳажми кестик дастуридагидан ошиб кетса, таннарх  $E_1 > E_2$ , тескари ҳолда  $E_1 < E_2$  бўлади.

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни бош технолог хизмати олиб боради.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш марказлашган, марказлашмаган ва аралаш тартибда ташкил қилиниши мумкин.

Марказлашган тартибда ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ишлари умузавод технология бўлими (бош технолог раҳбарлиги)да амалга оширилади.

Марказлашмаган тартибда технологик тайёрлашни амалга ошириш ишлари корxonанинг асосий цехларида бажарилади. Бу ҳолда цехларнинг технологик бюрolari технологик жиҳатдан муस्ताқил иш олиб боради.

Бундай тартибда ишлаб чиқариш ҳажм катта бўлса маҳсулотлар ва уларнинг узел ва деталлари конструкцияларини тез-тез алмаштириш керак бўлади.

Марказлашган тартибда бош технолог бўлими цехларнинг технологик бюрolarини фақат умум-услубий жиҳатдан бошқаради.

Технологик тайёрлашни аралаш тартиби шароитида ишлаш қисман бош технолог бўлимида, қисман цехларнинг технологик бюрolarда олиб борилади.

#### **4.4. Ишлаб чиқаришни ташкилий-иқтисодий тайёрлаш**

Ташкилий-иқтисодий тайёрлаш – бу, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва ҳамма зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича чоралар йиғиндисиدير. Мавжуд босқичда ишнинг ҳажми ва мазмуни ишлаб чиқариш тури, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қийинлиги, уни тайёрлаш вақти билан боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқаришни ташкилий-иқтисодий тайёрлашнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

1. ишлаб чиқаришни зарур асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлаш;

2. асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва иш ҳақини ташкил этиш;
3. цех ва участкаларнинг ихтисослаш ва кооперативлаш шакллари танлаш;
4. оқим-ишлаб чиқаришни режалаштириш учун календар режали меъёрийлар ишлаб чиқиш;
5. қайта конструкциялашнинг ҳажми ва мазмуни талаб қилса бошқарув бўлинмаларини қайта куриш ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришни ташкилий-иқтисодий тайёрлаш ишлари ишлаб чиқаришни конструкторлик ва технологик тайёрлаш ишлари билан бир вақтда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади. Бу босқичда тўпланган харажатлар сметаси янги маҳсулот турларини тайёрлаш, ўрганиш ва ишлаб чиқариш асосида ҳисобланади, чунончи, янги маҳсулотни, ускуна, лойиҳалаштириш ва конструкциялаш, материалларни синаш, асбоб-ускуналарни қайта режалаштириш ва жойини ўзгартириш, тажрибадаги маҳсулотни синовдан ўтказиш.

Ишлаб чиқаришни моддий тайёрлашни ташкил этишда корxonанинг ҳамма бўлинмалари қатнашади.

Бош конструктор, бош технолог ва бошқа ташкилий бўлимларнинг маълумотлари ишлаб чиқариш дастурини, кадрларни йиғиш ва тайёрлашни, маҳсулотнинг меҳнат сифimini, жараён меъёрларини ва меъёрийларни аниқлашга асоси бўлади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни тайёрлашни режалаштириш учун ҳар хил усуллар қўлланилади. Ишларнинг мазмунини, уларнинг бажарилиш вақтини белгилайдиган асосий ҳужжатлар: циклограммалар, чизикли режалар – ишлаб чиқаришни тайёрлаш графиклари, сеткали графиклар ҳисобланади.

### **Қисқача хулосалар**

Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш изланиш ва илмий – тадқиқот ишлари, уларни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш учун киритиш билан боғлиқ. Аниқ бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда фан ютуқларини жорий этиш учун жуда узоқ давомли ишлар, техник тайёргарлик керак бўлади.

Ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг мазмуни, ҳажми ва шаклларига қатор омиллар таъсир ўтказди. Техник тайёрлаш конструкторлик, технологик, ташкилий – иқтисодий тайёрлашдан иборат.

Ишлаб чиқаришни илмий-техник тайёрлаш маҳсулотни яратишда, ишлаб чиқаришда ва уни истеъмолчигача етказишда муҳим роль ўйнайди.

Ишлаб чиқаришни тайёрлашни мукамаллаштиришнинг асосий йўналишларига техник ходимлар ва хизматларни ихтисослаштириш; уларни стандартизациялаш ва унификациялаш; конструкторлар, технологлар меҳнатини ташкил этишни, ишлаб чиқаришни тайёрлашни режалаштириш ва бошқаришни мукамаллаштириш киради.

Ишлаб чиқаришни тайёрлашни оператив бошқарув бўлинмаларига бош конструктор бўлими ва бош технолог бўлими киради. Бу ишни корхонанинг бош муҳандиси бошқариб боради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Илмий-техник ишларнинг мазмуни нималардан иборат бўлади?
2. Илмий мавзу қандай босқичларни ўз ичига олади?
3. Ишлаб чиқаришни конструкторлик жиҳатидан тайёрлашнинг моҳияти деганда нимани тушунаси?
4. Маҳсулотни конструкциялашда унификациялаш ва стандартлаш қандай ўрин тутаети?
5. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг қандай асосий босқичлари бор?
6. Технологик жараёнларга қандай талаблар қўйилади?
7. Ишлаб чиқаришни ташкилий – иқтисодий тайёрлашнинг мазмуни нималардан иборат?

### **Асосий адабиётлар**

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. // Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.

3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонун). - Т.: Ўзбекистон. 2009 йил.

5. А. Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.

6. Зайцев Н.Л. Экономика, организация и управление предприятиям: учеб. пособ. 2-е изд. –М.: Инфра-М, 2008.-455с.

7. С.Г. Календарева Организация производства на предприятии (тексты лекции). –Т.: ТГЭУ, 2009. - 115 стр.

8. Крылова Г.Д. Основы стандартизации, сертификации, метрологии: Учебник для вузов. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 671 с.

9.Литке, Ханс-Д. Управление проектами / Ханс-Д. Литке и Илонка Кунов; (пер. с нем. М.Э. Рёш). – 2-е изд., стер. – Москва: Омега-Л, 2009. – 135 с.

## **V МАВЗУ. ЁРДАМЧИ ЦЕХ ВА ХЎЖАЛИКЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **5.1. Корхонанинг ёрдамчи цехлари ва хўжаликлари таркиби ҳамда хусусиятлари**

Ишлаб чиқариш жараёни асосий жараёнлар билан бир каторда хом ашё, материаллар ва буюмларни юклаш, тушириш, уларга биринчи ишлов бериш ва ишлаб чиқариш цехларига элиб бериш, шунингдек, хом ашё, ярим фабрикатлар, буюмлар, тайёр маҳсулотларни ташиш ва жойлаш, тайёрлаш жараёни ва маҳсулот сифатини назорат этиш, ўраш ва жўнатиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини йиғиб олиш ва иш жойларини тозалаш ва бошқа ёрдамчи жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳар қайси саноат корхонасининг таркибида ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари, бўлинмалар ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ташкил этилади.

Корхонанинг ёрдамчи хўжаликларига таъмир, энергетика, асбоб-ускуна ва саноат тармоғининг ўзига хос хўжаликлар (транспорт, омбор) ва хизмат кўрсатувчи бўлимлар тааллуқлидир.

Саноат ишлаб чиқариши ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаб, содир бўладиган баъзи чекланишларни бартараф этишдир.

Ёрдамчи цехлар ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар, биринчи навбатда, асбоб-ускуна ва таъмирлаш цехлари, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни тайёрлаш, техника, технологияни ва ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу цехлар ёрдамида янги турдаги маҳсулотни техникавий тайёрлаш, цех ва участкаларни реконструкциялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилади.

Аммо, ёрдамчи цехлар ва хўжаликларнинг ўзлари техникавий, ташкилий тараққиёти даражаси бўйича асосий ишлаб чиқаришдан анча орқада қолиб келмоқдалар. Ёрдамчи цехлар ва хўжаликлар ихтисослашиш даражасининг дастлабки, бажариладиган ишлар универсаллиги ва бунинг асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кичик серияли ва индивидуал тури, кам унумдорликка эга бўлган универсал жиҳозлардан ва қўл меҳнатидан кенг қўлланиш хусусиятлари бўйича асосий бўлимлардан фарқланадилар.

Айтилганлардан шу хулоса келиб чиқадики, саноат самарадорлигини ошириш ёрдамчи цехлар ва хўжаликларнинг техник



жихатдан қуролланишини такомиллаштириш билан сезиларли даражада боғлиқ.

Корхонага рационал хизмат кўрсатиш тизими қуйидагиларни кўзда тутди:

1. корхоналарда энг муҳим хизмат курсатиш вазифаларини ихтисослаштириш ва марказлаштиришни, улар айнан ўзлари маҳсулот тайёрлаш жараёнидан холи бўлишини;

2. транспорт — омбор, юклаш — юкни тушириш ишлари ва бошқа ёрдамчи ишларни комплекс технологик усулларни қўллаш ва уларни корхонани техникавий қайта қуроллантириш иши билан боғлаб, технологик регламентли (бир оҳангда) бажариш;

3. типик (расмий) лойиҳалар асосида транспорт-омбор, юклаш — юкни тушириш ишларини механизациялаштириш, шу мақсадда зарур воситаларни марказлаштирилган равишда тайёрлаш қўламини кенгайтириш;

4. йирик корхоналарда транспорт-омбор ва юклаш — юкни тушириш ишларини марказлаштириш, уларни корхонанинг ягона транспорт-омбор цехи томонидан бажариш;

5. йирик корхона (бирлашма)ларнинг таркибидан асбоб-ускуна цехларини ажратиш, улар асосида махсус асбоб-ускуна ва технологик мосламалар тайёрлайдиган корхоналарни яратиш;

6. саноат бинолари ва иншоотларини таъмирлаш ишларини ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан ўтказиш;

7. корхона таъмир хўжалигини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришга рационал хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишда комплекс технологияни тузиш ва жорий этиш муҳим ўрин тутди.

## **5.2. Таъмирлаш хўжалигини ташкил этиш**

Корхона таъмирлаш хўжалигининг асосий вазифаси асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга яроқли ҳолатда тутиш, улар муддатидан илгари путурдан кетишининг олдини олиш ва зарур ҳолларда янгилаш, меҳнат қуролларининг хизмат муддатини таъмирсиз узайтириш; техникавий иқтисодий кўрсаткичларини такомиллаштириш ҳамда бу тадбирларни амалга оширишга тааллуқли харажатларни камайтиришдир.

Корхонанинг миқёси жиҳозлари сони ва асосий фондларини таъмирлаш муддатларига кўра, эксплуатация қилиш ходимларининг сони ва таркиби белгиланади.

Одатда, йирик корхоналарда бош механик (КБМ), бош энергетик (БЭБ), бинолар ва иншоотларни таъмирлаш бўлимлари мустақил хўжалик сифатида тузилади, кичик завод ва фабрикаларда эса юқорида

кайд этилган барча бўлинмаларни ўз таркибига олувчи техникавий бўлим ташкил этилади.

Баъзида бино ва иншоотларни таъмир ва эксплуатация қилиш бўлинмаси корхонанинг капитал қурилиш бўлими таркибида бўлади.

Ҳозирги даврда саноатнинг асосий тармоқларида таъмирлашлари дастгоҳларни режали-огоҳлантириш таъмири тизими асосида таъмир ишлари юритилади. Режали-огоҳлантириш таъмир тизими жиҳозларни муддатдан илгари путурдан кетмаслигини ва уларнинг доимий юқори техникавий даражада, ишга шай-ликларини таъминловчи режали, техникавий-ташкилий хизмат кўрсатиш, назорат ва таъмирлаш ишларини ўз ичига олувчи тадбирлардир.

Режали-огоҳлантирув таъмир тизими кичик урта ҳамда капитал таъмир жараёнларини тежамкорона ташкил этиш усули билан бир қаторда режали-огоҳлантирувчи таъмир воситаларни ёғлаш, тозалаш, созлаш, кичик нуқсонларни бартараф этиш, аниқлигини текшириш, қисмларни ювиш, ёғлагичлардаги ёғларни алмаштириш ва шуларга ўхшаш жараёнлардан иборатдир.

Саноат корхоналарида таъмирлаш ишларини тўғри режалаштириш муҳим тадбирдир.

Жорий таъмирга асосий воситаларнинг шайлигини таъминлашга доир жараёнлар тааллуқлидир. У ишлаб чиқириш курулларидаги бир йилдан кам хизмат қиладиган ёрдамчи қисмларни алмаштиришга қаратилган ва уни бажаришга оид харажатлар жорий харажатлар тарзида маҳсулотнинг таннархига киритилади.

Капитал таъмир — асосий воситаларнинг қисмларини қайта тиклаш ёки алмаштириш жараёнларини қамрайди. Унга сарфланган харажатлар амортизация ажратмасининг қайта тиклашга мўлжалланган қисмидан қоопланади.

Режали — огоҳлантирувчи таъмир қуйидаги кўрсаткичлар бўйича режалаштирилади:

а) таъмир даври — таъмирлар оралиғидаги вақт (янги ўрнатилган воситалар учун — биринчи капитал таъмиргача бўлган вақт);

б) таъмирлар орасидаги давр — икки жорий (ёки мураккаб) таъмир орасидаги вақт; одатда, у машинанинг тез емирилувчи қисмларининг ишлаш муддатига тўғри келади.

в) хизмат кўрсатиш ва мўлжалланган таъмир оралиғидаги давр;

г) таъмир даврининг таркиби. Таъмир даврида режали таъмир ва хизмат кўрсатишларнинг таркиби, сони ва тартиби турличадир. Икки сменада ишлайдиган ўрта ва енгил станоклар учун таъмир даврининг таркибини тахминан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

К-Н-Р-Н-Р-Н-Ў-Н-Р-Н-Р-Н-Ў-Н-Р-Н-Р-Н-К

Бу ерда: К — капитал таъмир; Р — кичик таъмир; Ў — ўрта таъмир; Н — назорат;

д) таъмир бирлиги (таъмирнинг мураккаблиги) таъмир жараёнининг меҳнатталаблиги бўйича ўлчов бирлиги;

е) меҳнат сиғими таъмир бирлигига оид жараёни бажариш учун вақтни ифодалайди.

Бундай меъёрийлар дастгоҳлар (металлни қирқувчи ва технологик жараёнларни бажарувчи) таъмири (капитал, ўрта, кичик кузатиш)га тааллуқли ҳамда ускуналар ёрдамида бажариладиган жараёнларга сарфланадиган вақтни аниқлашда қўлланилади.

Таъмир сифатини яхшилашнинг энг муҳим йўналишлари таъмир натижасида асбоб-ускуналар қайта тикланибгина қолмай техникавий даражаси ҳам оширилади. Бунинг учун капитал-таъмирни мавжуд жиҳозларни такомиллаштириш ва улар энг илғор техникавий даражасига етишини таъминловчи модернизация билан қўшиб олиб бориш шарт.

Таъмир хўжалигининг фаолиятини режалаштириш таъмир муддатини аниқлаш, таъмир учун сарфланадиган меҳнат, материаллар ва пул маблағи билан таъминлаш, таъмирни ўтказиш учун харажатлар миқдорини белгилаш, уни коплаш манбаларини, шунингдек, ўз кучи билан ва таъмир ташкилотларини жалб этиш асосида бажариладиган таъмир ишларини аниқлаш, бошқаларнинг буюртмаларини бажаришни назарда тутати. Йиллик режа қуйидаги: а) таъмир ишининг ҳажми ва тури; б) таъмир вақтининг календар графиги; в) таъмир хўжалигининг ишлаб чиқариш булимларининг иш бажариш имкониятлари; г) меҳнат бўйича (меҳнат унумдорлиги ва таъмир ишларида қатнашувчи ишчилар сони, иш ҳақи) кўрсаткичлар; д) материаллар, яримфабрикатлар ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёж; е) таъмир хўжалигининг самарадорлик кўрсаткичлари; ж) таъмир ишларининг молиявий таъминланганлиги; з) таъмир хўжалигининг самарадорлиги ошишини таъминловчи ташкилий, техникавий ва бошқа тадбирларни камрайди.

Таъмир хўжалигининг таркибида хўжалик ҳисобидаги таъмир-механика ва таъмир-энергетика цехлари мавжуд бўлса, улар қуйидаги хўжалик ҳисоби кўрсаткичлари орқали:

а) маҳсулотнинг тури; б) маҳсулот (иш) ҳажми; в) меҳнат унумдорлиги; г) иш ҳақи фонди; д) ишлаб чиқариш харажатлари сметаси каби таъмир ишларини амалга оширади.

Корхонанинг йиллик таъмирлаш ишлари ҳажми режаси йириклаштирилган усулда ва таъмир графиги асосида тузилиши мумкин.

Йириклаштирилган режалаштириш режа лойиҳасини тузиш пайтида кенг қўлланилади ва қуйидагича таркиб топади:

а) таъмирнинг мураккаблиги меҳнатталаблиги бўйича барча дастгоҳларнинг гуруҳлари таъмир бирлигига келтирилади, сўнгра таъмирнинг мураккаб бирлиги умумий сони аниқланади. Кўп ҳолларда кўрсаткичлар турли таъмир давридаги дастгоҳларнинг гуруҳи бўйича алоҳида аниқланади:

$$P = P_d - D_c,$$

Бу ерда:  $P$  — таъмир ишларининг ҳажми;

$P_d$  — шу турдаги таъмир турининг мураккаблик даражаси;  $D_c$  — дастгоҳларнинг сони.

б) барча дастгоҳлар бўйича таъмир даврида таъмирга зарур бўлган умумий меҳнат эҳтиёжи:

$$M_3 = M_1 * P.$$

Бу ерда:  $M_3$  — таъмир даврида барча таъмир ишининг меҳнат эҳтиёжи (соатларда);  $M_1$  — таъмир давридаги бир таъмир бирлигининг меҳнат эҳтиёжи.

в) таъмир даврининг миқёсини ҳисобга олган ҳолда меъёрлаштирилган даврда ҳар қайси таъмир тури бўйича ўртача йиллик таъмир ишларининг ҳажми ифодаланади:

$$P_k = \frac{M_3}{P_y}$$

Бу ерда:  $P_k$  — меъёрлаштирилган даврдаги ўртача йиллик таъмир иши ҳажми (соатларда);

$P_y$  — таъмир даври (йилларда).

Дастгоҳларни таъмирлашнинг режали таннархи куйидаги харажатларни ўз ичига олади: а) ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақи; б) таъмир учун сотиб олинган ва бошқа цехларда тайёрланган қисмларнинг қиймати; в) таъмир ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш учун керакли материаллар; г) электроэнергия, буғ, ёқилғи, сув; д) тўлов, бошқа цехлар томонидан кўрсатилган хизматлар; е) цех харажатлари (капитал таъмир учун); ж) умумзавад харажатлари (капитал таъмир учун).

Кўпгина саноат марказларида ( завод, бирлашма, фирма ичида) таъмир ишларини марказлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу усулда технологик, электроэнергетик ва транспорт воситаларини таъмирлаш, шунингдек, таъмирлараро хизмат кўрсатиш, навбатчи хизматини, корхонанинг бош механигининг қарамоғидаги таъмир-механика, таъмир электромеханика ва бошқа цехлар ҳамда воситаларга жорий хизмат кўрсатувчи ишчиларнинг бригадалари бажарадилар.

### 5.3. Асбоб-ускуна хўжалигини ташкил этиш

Асбоб-ускуна хўжалигини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва эксплуатация қилиш саноат корхоналарининг фаолиятидаги энг муҳим ва мураккаб вазифалардан биридир. Унинг мураккаблиги кўлланиладиган дастгоҳларнинг турлари, уларнинг сифати ва чидамлилигига бўлган талабнинг юқорилиги ҳамда асбоб-

ускуна хўжалигининг корхона фаолиятига сезиларли таъсирчанлигидадир.

Асбоб-ускуна хўжалиги корхонанинг заруриятига биноан ишлаб чиқаришни ўз вақтида асбоб-ускуна ва бошқа технологик мосламалар билан таъминлайди. Ишлаб чиқаришни юқори сифатли асбоб-ускуна билан узлуксиз таъминлаш куйидаги шартларда бажарилиши лозим: а) асбоб-ускуналарни жамлаш ва керакли даражада сақлаш; б) юқори сифатли асбоб-ускуна ва технологик мосламаларни ишлаб чиқаришни ва ташқаридан олишни ташкил этиш; в) цех ва иш жойларни асбоб-ускуналар билан узлуксиз таъминлаш; г) асбоб-ускуналарнинг маҳсулот бирлигига сарфини ва таннархини камайтириш; д) емирилган асбоб-ускуналарни чархлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш; е) марказий асбоб-ускуна омборига келтирилган асбоб-ускуналарни техникавий назорат қилиш ва сақлаш; ж) қўлланилаётган асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг техникавий назоратини ташкил этиш.

Ишлаб турган корхоналар учун асбоб-ускуналарни жамлашнинг миқдори минимал ва максимал кўрсаткичларда белгиланади.

Асбоб-ускуналарни жамлаш минимал миқдори куйидагича белгиланади:

$$M = \mathcal{E}_k * D$$

Бу ерда:  $M$  – минимал жамлаш миқдори (дона);

$\mathcal{E}_k$  – асбоб-ускуналарга бир кунлик эҳтиёж;

$D$  – асбоб-ускуналарни тайёрлаш ёки уларни ташқаридан олиш даври (кунлар сони).

Асбоб-ускуналарни тайёрлаш ёки ташқаридан олиш учун жамлашнинг «буюртма нуқтаси»  $D_3$  белгиланади. «Буюртма нуқтаси» ишлаб чиқаришни асбоб-ускуналар билан, қоникарли тайёрлаш ёки ташқаридан олиш вақтида таъминлайдиган ва зарур жамлашлар йиғиндисидан иборат, яъни:

$$D_3 = \mathcal{E}_k * D + M$$

Максимал жамлаш ( $M_n$ ) белгиланган миқдордаги, асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ёки ташқаридан олиш ва минимал жамлашлар йиғиндисидан иборат:

$$M = D_3 + M$$

Асбоб-ускуналарни омбордаги жамлашларининг ўртача миқдори ( $J_{\text{ўр}}$ ) куйидагича аниқланади:

$$J_{\text{ўр}} = D_3/2 + M$$

Асбоб-ускуна тарқатув омборларидаги жорий жамғарма ҳар қайси тур ва ўлчамдаги асбоб-ускуна бўйича, уларга бўлган кундалик эҳтиёж ва фойдаланилган асбобларни қайта алмаштириш даврига биноан аниқланилади.

Асбоб-ускуналарнинг иш жойларидаги сони, дастгоҳларнинг сони, асбобнинг қаерда қўлланилиши дастгоҳларнинг иш сменалари ва ҳар қайси ишчига зарур асбоб-ускуналар сонига биноан аниқланади.

Асбоб-ускунанинг цехдаги сони иш жойларидаги, чархлашдаги ва таъмирдаги асбоб-ускуналардан иборатдир.

Асбоб-ускуналар хўжалиги савияси ташкилий-техникавий тадбирлар вақтида оширилса, маҳсулот ишлаб чиқариш меъёри, харажатлари, маҳсулотнинг таннархи ҳамда корхонанинг самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланади.

Бундай тадбирларни амалга ошириш асбоб-ускуна хўжалиги таркибидаги барча бўлимлар ҳамда мутахассисларнинг кундалик муҳим вазифалари ва бурчларидир.

#### **5.4. Энергетика хўжалигини ташкил этиш**

Замонавий саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ёрдамчи хўжаликларни ёритишни маданий-маиший мақсадларда турли энергетика хўжалигисиз тасаввур этиш қийин.

Саноат корхоналарининг энергетика хўжалиги энергетик қурилмаларининг қуввати, энергетика шохобчаларининг ўтказувчанлиги имкониятидан самарали фойдаланиб, уларни бошқарувчи ҳамда созловчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотларининг (электр энергияси, иссиқлик, сиқилган ҳаво ва шунга ўхшашлар) таннархини пасайтириш асосида корхонани керакли турдаги энергия билан узлуксиз тарзда, керакли ҳажмда таъминлаши лозим. Техника тараққиёти натижасида корхоналарнинг энергетик ресурсларга бўлган эҳтиёжлари кун сайин ўсиб бормоқда.

Шунинг учун корхона энергетик хўжаликларининг фаолиятини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

**Энергетик хўжалигининг асосий вазифалари:** корхонани энергиянинг барча турлари билан узлуксиз, камроқ ҳаржлаб таъминлаш; энергияни иложи борича самарали сарфлаш; самарали энергетик воситаларни татбиқ этиш ва уларнинг қувватидан тўлиқ фойдаланиш; энергетика хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш; энергетик воситалардан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Корхона энергетик хўжалигининг таркиби ишлаб чиқариш миқёси ва технологиясига боғлиқ. Йирик корхоналарда энергия хўжалиги электр шохобчалари, трансшаклтор, иссиқ сув, компрессорлар, сиқилган ҳаво шохобчалари, сув таъминоти,

канализация, газ шохобчалари, кислород станциялари, совиткич курилмалари, саноат вентиляцияси, телефон ва радио алоқаси, энергетик жиҳозларни таъмирлаш бўйича цехлардан иборатдир. Энергетика хўжалигига йирик корхоналарда бош энергетик, ўрта ва кичик корхоналарда бош механик раҳбарлик қилади.

Сарфланиш хусусиятларига биноан энергия технологик, иситиш ва ёритиш жараёнларига тааллуқлидир. Технологик мақсадда истеъмол этиладиган энергия сарфи уни ишлаб чиқариш ҳажми, двигател бир иш соатда сарфлаш миқдори, дастгоҳлар тури, уларнинг режалаштириш давридаги ишлаш соати ва жиҳозлар сонига биноан аниқланилади:

$$Mg = M_1 * B * D_c$$

Бу ерда:  $Mg$  — двигателларга сарфланадиган энергия миқдори;

$M_1$  – двигателнинг бир соат ишлаш даврида сарфлайдиган энергия миқдори;  $B$  — режалаштириш даврида двигателнинг ишлаш вақти (соатларда);

$D_c$  — дастгоҳларнинг сони.

Ёритиш учун сарфланган энергия ёриткичларнинг сони, уларнинг куввати ва ёритиш даврига биноан аниқланади.

Энергияни корхонанинг шохобчаларида ва энергияни бошқа турга айлантириш курилмаларидаги йуқолишини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Корхонанинг энергия ва иссиқликка бўлган эҳтиёжини аниқлаш энергия хўжалиги фаолиятини режалаштиришнинг муҳим омилидир.

Саноат корхоналарида энергетик ресурсларни тежашнинг асосий йуналишларидан бири — улардан қайтадан фойдаланишдир. Қайтадан фойдаланилган энергия технологик жараён учун яратилган, лекин улар бошқа жараёнларда ҳам ишлатилиши мумкин.

Энергиянинг асосий қисми технологик жараёнларни такомиллаштириш эвазига тежалади. Уларни интенсивлаштириш, замонавий жиҳозларнинг қўлланилиши маҳсулот бирлигига сарфланадиган энергия миқдорини камайтириш имкониятларини кенгайтиради.

### **5.5. Транспорт хўжалигини ташкил этиш**

Замонавий саноат корхонасининг фаолияти ҳар куни муайян ҳажмдаги турли юкларни ташишга жалб этилади. Транспорт хўжалиги хом ашё, матсриаллар, яримфабрикатларни корхона ичида ташиш, шунингдек, тайёр маҳсулотни истеъмолчига жўнатиш жараёнларини бажаради. Корхонанинг транспорт хўжалигига хизмат кўрсатиш транспорт воситалари, яъни ҳаракатдаги темир йўл, механизмлар, машиналар ва бошқа курилмалар киради. Унинг асосий вазифаси юкларни технологик жараён талабига мувофиқ ва кам сарфлаб, юклаш-тушириш ва ташиш жараёнларини ташкил этишдир.

Транспорт хўжалигини ташкил этиш даражаси корхона асосий фаолиятининг кўрсаткичларига таъсир этади. Ҳозирги даврда ёрдамчи ишчиларнинг 30-40%и ортиш-тушириш, ташиш жараёнларида банддирлар. Маҳсулотнинг таннархида транспорт хўжалигининг ҳаражатлари 5-8%ни ташкил этади. Уларни самарали ташкил этиш ишлаб чиқариш жараёнини кискартиради, маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрини таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади ва маҳсулот таннаrxини камайтиради.

Юкни ташиш жойи ва доирасига биноан улар ташқи, цехлараро ва цех ичидаги транспорт турларига бўлинадилар. Ташқи транспорт корxonанинг темир йўл станцияси, бошқа корxonалар ва ташкилотлар билан алоқасини таъминлайди. Цехлараро транспорт юкларни корхона ичида, бўлимдан бўлимга ташиш вазифасини ўтайди. Цех таркибидаги юк ташиш воситалари юкларни иш жойларига, бўлимларга ва омборларга ташиш вазифасини бажаради.

Транспорт воситалари темир йўл, сув, изсиз (электрокара, тягач, автомобиль, автокар, автогрузчик), механик (осма йўл, куприкли кран) каби турларга бўлинади.

Ҳаракат тарзига биноан транспорт воситалари узлукли (автомобиль, электрокара, автопогрузчик, электровоз ва бошқалар) ва узлуксиз (конвейер, трубопроводлар) турларга бўлинадилар.

Саноат корxonаларида юк ташиш асосан маятникли ва айланма усулларда ташкил этилади.

Маятникли усулда бир бўлимдан бошқа бўлимга юк билан чиққан транспорт юкни етказиб бергандан сўнг дастлабки бўлимга юксиз қайтиши мумкин. Юк ташиш айланма тарзда ташкил этилса, транспортлардан тўлароқ фойдаланишга эришилади.

Транспорт воситаларининг турлари бўйича уларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблашнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Масалан, автомобиль, тягач, автокара, электрокарага бўлган эҳтиёжлар суткада ташиладиган юкнинг ҳажми (тоннада), рейсга сарфланадиган вақт, воситаларнинг юк кўтариш имконияти, юк кўтариш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти ва транспорт воситаларининг сутка давомида ишлаш вақтига биноан аниқланади:

$$T_{\text{э}} = \frac{Y_{\text{с}} * t_{\text{р}}}{Y_{\text{н}} * K_{\text{ю}} V_{\text{с}}}$$

Бу ерда:  $T_{\text{э}}$  – маълум тур транспорт воситасига бўлган эҳтиёж;

$Y_{\text{с}}$  – бир суткада ташиладиган юк ҳажми (тоннада);

$t_{\text{р}}$  – рейсга сарфланган вақт (соат);

$Y_{\text{н}}$  — транспорт воситасининг номинал юк кўтариш имконияти (куват), т;

$K_{\text{ю}}$  – кўтариш имконияти (куват)дан фойдаланиш коэффициенти;  $V_{\text{с}}$  – транспорт воситаларининг сутка давомида ишлаш даври (соат).



Юк ташишда махсус идишлардан фойдаланадиган корхоналарда кетма-кет ташиладиган юклар ҳажмини аниқлашда, махсулот оғирлигига ушбу идишлар оғирлиги ҳам кўшилади; омборлар, асосий ва ёрдамчи цехлар учун хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари, шу бўлимларнинг иш миқдори ва иш сменасига биноан белгиланади.

Транспорт воситаларининг самарадорлиги, улардан вақт бирлигида фойдаланиш коэффиценти, юк кўтариш коэффиценти, ўртача техникавий тезлиги, қатновлар коэффиценти, таъмирда туриш коэффиценти ва бошқа кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Транспорт хўжалигининг самарадорлигини транспорт операциялари, юклаш-юкни тушириш ишларини механизациялаштириш, замонавий кўтариш-транспорт воситалари, автоматлаштирилган омборлар, махсус дастур асосида юкларни саралаштирувчи ва узатувчи воситаларни жорий этиш, контейнерлардан кенг фойдаланиш, математик усуллар ва электрон-хисоблаш техникаси асосида жараёнларни режалаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш каби тадбирларни узлуксиз амалга ошириш эвазига юқори савияга кўтариш мумкин.

Ёрдамчи хўжаликларнинг фаолиятини такомиллаштириш, харажатларини камайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим манбаидир.

### **Қисқача хулосалар**

Ишлаб чиқариш жараёни асосий жараёнлар билан бир қаторда хом ашё, материаллар ва буюмларни юклаш, ташиш, уларга бирламчи ишлов бериш ва ишлаб чиқариш цехларига етказиб бериш, шунингдек, хом ашё, ярим-фабрикатлар, буюмлар, тайёр махсулотларни ташиш ва жойлаш, тайёрлаш жараёни ва махсулот сифатини назорат этиш, ўраш ва жўнатиш, ишлаб чиқариш, чиқиндиларини йиғиб олиш, иш жойларини тозалаш ва бошқа ёрдамчи жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳар қайси саноат корхонасининг таркибида ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари, бўлимлари ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ташкил этилади. Корхонанинг ёрдамчи хўжаликларига таъмирлаш, энергетика, асбоб-ускуна ва саноат тармоғининг ўзига хос хўжаликлари (транспорт, омбор) ва хизмат кўрсатувчи бўлимлар таалуқлидир.

Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаб ва содир бўладиган баъзи чекланишларни бартараф этишдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш, ёрдамчи цехлар ва хўжаликларни техник жиҳатдан қуроллантириш давр талабидир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Саноат корхоналарида ёрдамчи цех ва хўжаликлари қандай вазифаларни бажаради? Уларнинг аҳамияти нимада?
2. Корхонанинг таъмирлаш хўжалигини асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Режали – огоҳлантирувчи таъмирлаш ва таъмирлашнинг йиллик режа кўрсаткичлари ҳақида қандай кўрсаткичга эгасиз?
4. Корхонанинг асбоб-ускуна хўжалиги зиммасига қандай вазифалар юкланган?
5. Корхонада асбоб-ускуналарни жамлашнинг асосий кўрсаткичларига қайси кўрсаткичлар киради?
6. Саноат корхоналари энергетик хўжалигининг асосий вазифалари ва корхонада энергиядан қандай мақсадлар учун фойдаланилади?
7. Корхона транспорт хўжалигининг асосий вазифалари нималардан иборат?
8. Транспорт воситаларининг турлари бўйича уларга бўлган эҳтиёж қандай ҳисобланади? Транспорт воситаларининг самарадорлигини белгилашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?

### **Асосий адабиётлар**

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.
3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
4. А. Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.
5. Зайцев Н.Л. Экономика, организация и управление предприятиям: учеб. пособ. 2-е изд. –М.: Инфра-М, 2008.-455с.
6. С.Г. Календарева Организация производства на предприятии (тексты лекции). –Т.: ТГЭУ, 2009. - 115 стр.
7. Туровец О.Г., Родионова В.Н. Теория организации: учеб. пособи. –М.: РИОР, 2008.-97с.
8. Эффективная организация: Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008. – 192 с.
9. Попов Ю.И., Яковенко О.В. Управление проектами: Учеб. пособие. — М.: ИНФРА-М, 2009. — 208 с.

## VI МАВЗУ. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИНГ ТЕХНИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### 6.1. Маҳсулот сифати ва уни оширишнинг аҳамияти

Маҳсулот сифати - шу маҳсулотнинг ҳар томондан фойдаланишга мукамал эканлигини белгиловчи хусусиятлар йиғиндисидир.

Саноат маҳсулоти сифати корхонанинг фаолиятини режалаштиришда ва уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, унда меҳнатни ташкил қилиш, унинг жиҳозланиш даражаси, мутахассисларнинг малакаси, ишлаб чиқаришни бошқариш ҳолати ифодаланади. Маҳсулотнинг сифати иқтисодий жихатдан истеъмол қийматининг ўлчови ва фойдаланиш даражаси кўринишида намоён бўлади. Маҳсулотнинг сифати иқтисодий аҳамиятга эга, чунки унинг қиймати сифатига биноан белгиланади.

Маҳсулот сифатига ва унинг техникавий хусусиятларига баҳо бериш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими қўлланилади:

**-истеъмол қилиш хусусиятлари бўйича талабни қондирувчи кўрсаткичлар.** Масалан, станокнинг ёки жиҳозларнинг ишлаш муддати унумдорлиги, аниқ ишлаши, эксковатор чўмичининг ҳажми, фойдали ҳаракат коэффициенти (ФХК) ва бошқалар;

**-буюмларни конструктив хусусиятларини ифодаловчи кўрсаткичлар.** Булар - буюмларнинг унификациялашганлиги, геометрик ўлчами;

**-буюмларнинг пишиқлиги, хизмат қилиш муддати, таъмирлаш қулайлиги.** Улар меҳнат воситалрининг сифат даражасини ифодалайди. Машина ва ўлчов асбобларининг сифати уларнинг мустаҳкамлигига ва узоқ ишлаш қобилиятига қараб аниқланади. Масалан, буюмнинг ишлаш муддати, таъмирлашлараро даврдаги ишлаш муддати, унификациялаштириш даражаси ва бошқалар.

**-Буюмларнинг мустаҳкамлиги** – мўлжалланган муддатда ўз хизмат кўрсаткичларини ўзгартирмай, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш хусусиятидир.

**-эстетик ва эргономик кўрсаткичлар.** Эстетик кўрсаткичлар буюмларни бадий-конструкторлик хусусиятларини (шакли, ташқи кўриниши, ранги) ифодалайди. **Эргономик** кўрсаткичлар буюмларнинг тузилишини, психофизиологик ва хизмат қилувчи ходимларнинг меҳнат гигиенаси талабларига мослигини, улардан фойдаланиш қулайликларини ифодалайди.

**-иқтисодий кўрсаткичлар.** Масалан, маҳсулотнинг таннархида меҳнат, материаллар, электроэнергия салмоғи, самарадорлик бирлигига тўғри келадиган харажатларнинг умумий миқдори. Бу турдаги кўрсаткичларга: нуқсонларнинг салмоғи, сифати қониқарсиз бўлган маҳсулотлар бўйича тўланадиган жарималар, буюмларни кафолатли

таъмирлаб бериш харажатлари ва биринчи кўришдаёқ сифатли деб топилган маҳсулотнинг салмоғи каби кўрсаткичлари киритилади.

**-буюмларни сифат навлари.** Бу кўрсаткичлар истеъмол буюмларига, айрим хил меҳнат буюмларига нисбатан қўлланилади. Бунда маҳсулот сифатини ҳис қилиш аъзолари ёрдамида – оргоналептик усул билан аниқлаш расмийлашган. Бу усул – маҳсулот сифатини аниқлашнинг бошқа усуллари бўлмаганда ва асосан озиқ - овқат саноати корхоналарида қўлланилади.

Маҳсулотнинг сифатини тартибли равишда яхшилаш бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг шарти, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Маҳсулотнинг миқдори ва сифати ўзаро боғлиқдир. Юқори сифатли маҳсулот сифатсиз тайёрланган маҳсулотга нисбатан жамият эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қодир. Демак, маҳсулот сифатини яхшилаш ишлаб чиқариш ҳажмини кўшимча харажатларсиз ошириш, демакдир.

Маҳсулот сифатини ошириш ҳар бир корхона ва ундаги бўлимнинг муҳим вазифасидир. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар дунё стандартлари талабларини қондира олади.

## **6.2. Маҳсулотнинг сифатини бошқариш**

«Бошқариш» ибораси маҳсулот сифатига оид қўлланилганда, уни доимий назорат қилиш, белгиловчи шарт ва омилларнинг мақсадга мувофиқ таъсир этиш йўллари билан маҳсулот сифатини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишда унинг зарур даражада ўрнатилиши, таъминланиши ва сақланиши тушунилади.

Корхоналарда маҳсулотнинг сифатини бошқариш жараёнлари техникавий, ташкилий-технологик, назорат, ташиш, сақлаш ва бошқа жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги мажмуасини ташкил этувчи тартиб доирасида олиб борилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни маҳсулотнинг сифат даражасини белгилаш; унга таъсир кўрсатувчи буюм ёки уни ишлаб чиқариш жараёнининг даражаси тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва уларни ўрганиш; маҳсулотнинг сифатини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва унга таъсир кўрсатишга тайёрланиш; бошқарув қарорларини оммалаштириш; бошқариш натижасида маҳсулот сифатининг ўзгариши ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилишдан иборат. Маҳсулотни лойиҳалаштириш ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишнинг барча босқичларига таллуқлидир.

Маҳсулот сифатини бошқариш стандартлаштиришга асосланади. Стандартлаштириш маҳсулотга, уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё, материаллар, бутловчи қисимларга бўлган талабларни чеклайди ва маҳсулот сифатини бошқариш бўйича ишларни ташкил этади; маҳсулот

сифатини назорат қилишни баҳолаш усуллари ва воситаларини ўрнатади; маҳсулотларни аттестация қилиш тартибини белгилайди; маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ва асбоб-ускуналар таъмирини белгилайди; маҳсулотдан фойдаланиш шартларини ва қоидаларини тайинлайди, маҳсулот сифати бўйича давлат назорати ўрнатишни мўлжаллайди.

Корхоналарда маҳсулот сифатига тўла раҳбарлик қилишда: маҳсулотнинг техникавий даражасини ва сифатини узоқ муддатларга чамалаш; маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш; уни аттестация қилиш; маҳсулотнинг лойиҳасини тузиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш; ишлаб чиқаришга технологик тайёрлаш; мутахассисларни танлаш, жойлаштириш, тарбиялаш ва ўқитиш; ишлаб чиқариш воситаларини сақлашни ва уларни таъмирлашни ташкил этиш; маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш, стандартларга, ўлчов воситаларига ва техник шартларга риоя қилиш; маҳсулот сифатини бошқариш ҳуқуқини таъминлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Албатта, юқори, аъло сифатли, рақобатбардош маҳсулот корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг даромади (фойдаси)ни оширади, чунки бундай маҳсулотлар нисбатан юқори баҳоланади. Хўжалик ҳисоботини тўла-тўқис юритиш, ўз-ўзини маблағ билан қоплаш ва молиялаштириш шароитида саноат корхоналари ва бирлашмаларининг иқтисодий манфаатдорлиги кескин ўзгаради, аъло сифатдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган манфаатдорлиги кучаяди, ялпи маҳсулот реализация қилингандан сўнг тушадиган фойда ва ундан давлатга бериладиган меъёр даражасидаги турли тўловлар ва ажратмалардан ташқари хўжалик даромади кўпаяди. Бундан корхоналар тўғридан-тўғри манфатдор бўладилар. Чунки бу фойдадаги маблағлар корхонани кенгайтириш, ривожлантириш, жамоанинг ижтимоий шароитларини яхшилаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш кабиларга сарфланади. Яна энг муҳими шундаки, йил охирида ортиб қолган маблағ корхона ихтиёрида қолади. Шунинг учун бундай имкониятга фақат маҳсулот сифатини яхшилаб бориш йўли билан эришиш мумкин.

### **6.3. Маҳсулотнинг сифатини ривожлантириш**

Бозор иқтисодиёти афзалликлари бутун мамлакат миқёсида маҳсулотнинг сифатини бошқариш тизимини яратиш имконини беради. Бу тизимнинг иқтисодий дастакларидан бири маҳсулотнинг сифат даражасини оширишни режалаштириш, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналарда саноат маҳсулоти сифатини оширишнинг қуйидаги умумий услубий кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилади:

1.фан-техника ютуқлари ва ихтироларидан янада тўлиқ фойдаланиш асосида янги хил маҳсулотларни яратиш;

2.янги буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу жумладан, чет эл лицензияларини сотиб олиш, яратилган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

3.умумий маҳсулот ҳажмида мамлакат ва чет эл фан-техникасининг энг юқори техникавий иқтисодий кўрсаткичларидан устун келадиган маҳсулотнинг салмоғини ошириш;

4.ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини доимо яхшилаб бориш, конструкциясини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш, илғор технологик жараёнлардан фойдаланиш ва самарали материалларни қўллаш асосида яна юқори навга кўчириш.

Шу билан бир қаторда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг истеъмол қийматини ошириш, эскирган турларини янгилаш ёки ишлаб чиқаришни чеклаш, маҳсулот сифатини таъминлаш учун зарур бўлган моддий, молиявий маблағлар ва ишчи кучлари ривожлантирилади.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида корхоналарнинг режаси меҳнаткашларнинг ижтимоий даражасини оширишга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш давлат бирлашмалари, саноат тармоқлари ҳамда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг режалаштириш тизими тобора такомиллаштирилиб борилмоқда.

Маҳсулотнинг сифатини ошириш бўйича вазифалар корхона томонидан мустақил равишда давлат стандартлари ва қонунларларига амал қилган ҳолда ҳамда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда аниқланади ва режанинг «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш» қисмида ифодаланади. Унда маҳсулотнинг сифатини оширишга тааллуқли кўшимча харажатлар, уларнинг манбаи, сифатли маҳсулотни тайёрлаш ва истеъмол қилиш натижасида эришиладиган иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ифодаланади.

Корхона бўлимларининг режаларида маҳсулотнинг сифатини ошириш бўйича топшириқ ва тадбирлар, уларни бажариш муддати, тегишли харажатлар, уларнинг манбаи, самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар белгиланади.

Аттестация техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича энг олий, дунё даражасидаги талабларга, мамлакатнинг халқ хўжалиги, аҳолиси ва экспорт талабларига жавоб берадиган олий даражадаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлашга қаратилгандир.

Маҳсулотлар сифатининг давлат томонидан аттестация қилиниши мамлакатимизда иқтисодий ислохотни амалга оширишдаги муҳим тадбирдир. Бу вазифани ўтказиш ўз навбатида корхона, вазирликлар ва тегишли идораларда маълум тайёргарлик ишларини олиб боришни талаб этади.

#### **6.4. Корхоналарда маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш усуллари**

Маҳсулот сифатига корхона жамоасининг давлат олидаги жавобгарлиги барча ишлаб чиқариш бўлимларида, технологик жараёнларнинг барча босқичларида (дастлабки хом ашё, материаллар, яримфабрикатлар, деталлар ва буюмлар келиб тушганидан, то буюртмачиларга тайёр маҳсулот сифатида юборилгунча) ишлаб чиқариладиган буюмлар устидан техникавий назоратни олиб бориш учун махсус бўлимлар ташкил қилиниши ва шунингдек, маҳсулот сифатини кониқарли даражада таъминлашни тақозо этади.

Бу бўлим зиммасига ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини назорат қилиш билан бирга, тегишли бўлимларнинг маълум даражада сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашдаги жавобгарликларини аниқлаш вазифаси ҳам юкланади.

Техникавий назорат бўлимларининг вазифалари фақатгина тайёрланган маҳсулотнинг талабларга мослигини текшириш билан чекланиб қолмасдан, технологик интизом даражаси, дастгоҳлар, асбоб-ускуналарнинг давлат, тармоқ ва корхона стандартларига мослигини ҳам назорат қилишдир.

Техникавий назорат бўлимлари ишлаб чиқарилган қисмлардан фойдаланиш даврида уларнинг хусусиятлари ўзгаришини назорат қилиб борадилар, нуқсонлар ва камчиликлар тўғрисидаги ахборотларни текширадилар, буюмларнинг тузилишини, уларни тайёрлаш технологиясини ва техникавий назорат усуллари, такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқадиладар.

Саноат корхоналарида, одатда, техникавий назорат ташкилотлари устидан раҳбарлик марказлаштирилган бўлиб, директорга бўйсунувчи бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади. Цех ва бўлимларда техникавий назорат бюроси ташкил этилган, у назорат бўлимининг бошлиғига бўйсундиладар.

Улар корхонага келтирилган хом ашё, материаллар, турли маҳсулотларга механик ишлов бериш, цехларда тайёрланган қисмлар, тайёрлов бўлимларида бажарилган ишлар, маҳсулотларнинг йиғилишини, бўялишини, синалишини, асбоб-ускуналарнинг созлигини мунтазам назорат қилиб борадилар.

Техникавий назорат бўлимининг таркибига турли материалларни, ўлчов асбобларини синайдиган лабораториялар киради. Техникавий назорат бўлимининг асосий вазифаси ишлаб чиқариладиган маҳсулотларда нуқсонлар бўлишига йўл қўймаслик, технологик жараёнлар лойиҳалаштириш асосида боришини назорат қилиш, улардан чекланган ҳолни пайқалса, зудлик билан асбоб-ускуна ва дастгоҳларни текшириш, созлаш ҳамда зарур бўлган таъмирлашни талаб қилишдир.

Ишлаб чиқариш шароитларига биноан саноат корхоналарида турли техникавий назорат усуллари қўлланилади.

Ўтказилиши жойига биноан назоратнинг «турғун» (тайёрланган буюм ёки бажарилган ишни махсус назорат қилиш жойида текшириш) ва «силжувчан» (технологик жараён бажарилаётган иш жойида текшириш) турлари шаклланган.

Технологик жараён босқичларига қараб «дастлабки назорат» (бундай назорат маҳсулот тайёрлашдан ёки йиғишдан олдин, унинг таркибига кирувчи материаллар ва қисмлар бўйича ўтказилади), «жараёнлараро назорат» (маҳсулотни тайёрлаш жараёнининг турли босқичларида ўтказиладиган назорат) ва «якунловчи назорат»дан иборат бўлиб, бунда сўнгги технологик жараёндан ўтган барча буюмлар ҳамда уларнинг қисмлари назорат қилинади.

Текширилувчи манбаларини қамраб олиш бўйича «сидирға назорат» (бунда барча буюмлар ва унинг қисмлари текширилади) ва нуқсонларни бартараф қилишда энг самарали ҳисобланган «статистик назорат» ўтказилади. Бундай назоратлар маҳсулотнинг сифатини, технологик жараёнларнинг боришини ва дастгоҳларнинг ҳолатини текшириш ҳамда уларни мослаштириш мақсадида қўлланилади. Улар назорат танлаш усулига асосланган бўлиб, эҳтимоллар назарияси ҳамда математик статистикага таянади. Юқорида кўрилган назоратлардан «танланма»си маҳсулотни қайта текшириш ёки ундан фойдаланиш шароитларида ҳам қўлланилади.

Технологик жараёнларни қамраб олиш бўйича «жараёнма-жараён» (навбатдаги жараённинг сифати олдингисига боғлиқ бўлган ҳар бир жараёндан сўнг унинг бажарилиши текширилади), содда жараёнларнинг бир нечтаси бажарилгандан сўнг ёки технологик жараёнлар узлуксиз бажарилса ялпи назоратлар ўтказилади. Техникавий назоратни «сиртқи» (маҳсулотнинг сиртқи кўринишини текшириш), «геометрик» (буюмнинг ўлчамларини текшириш) ва «таркибий», яъни унинг таркибини, қаттиқлигини ва бошқа хусусиятларини текшириш усули орқали олиб борилади.

Назорат ўтказишнинг мақсадга мувофиқ «огоҳлантирувчи», яъни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда «ишлаб чиқариш», яъни ишлаб чиқаришнинг маълум босқичи ёки айрим жараёнларидан сўнг ўтказиладиган текширишдир.

Буюмларнинг геометрик ўлчамларини, физикавий ва механик хусусиятларини ҳамда бошқа сифатларини текшириш учун саноат корхоналарида қўлланиладиган ўлчов воситаларини автоматлаштириш даражаси бўйича улар: механизациялаштирилган асбоблар ва ўлчов воситалари (улар назоратни қўшимча ишлардан озод қилиб, фақатгина жараёнга мослаштиришни талаб қиладилар); қисман автоматлаштирилган текширув асбоб ва воситалар (улар ёрдамида барча ўлчаш, синаш ҳамда саралаш жараёнлари автоматик равишда бажарилиб, назоратчидан фақатгина ўлчанувчи ёки синалувчи буюмни ўрнатишни талаб этади холос); автоматлаштирилган ўлчов асбоблари ва воситалари (улар автоматик равишда ўлчанувчи буюмни узатиш, ўрнатиш, ўлчаш ва



саралаш жараёнларини назоратчи ёки операторнинг иштирокисиз бажараверадилар)га бўлинадилар.

Технологик жараёнга таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан қараганда барча ўлчов асбоблари ва воситаларини пассив ва актив турларга бўлиш мумкин.

Пассив текширув воситалари буюмнинг ўлчамларини ва хусусиятларини технологик жараёнларни бажариб бўлгандан сўнг аниқлайдилар. Улар қаторига тайёрланаётган буюмнинг ўлчамларини ёки технологик жараёнининг боришини текширадиган, лекин дастгоҳнинг бошқарув қисмларига текширув натижаларини бермайдиган асбоб ва воситалар ҳам киради.

Актив текширув воситалари эса буюмларнинг ўлчамларини ва технологик жараённи аниқлаш билан бир қаторда текширув натижаларини бошқарув буйруқларига айлантириб, дастгоҳнинг бошқарув ҳамда бажарувчи қисмларига юборади.

### **Қисқача хулоса**

Маҳсулот (иш, хизмат) сифатининг техник назоратини ташкил этиш ишлаб чиқариш жараёнини самарали шакллантиришда муҳим роль ўйнайди, чунки унинг ўзи маҳсулотнинг рақобатбардошлигини, сифатини, техник даражасини оширишнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Техник назорат тизими кўплаб элементлардан ташкил топади. Буларга назорат объекти, бевосита технология назорати, назорат воситаси ва назорат девонини ходимлари киради.

Техник назорат бўлими кўпгина вазифаларни, яъни сифатни таъминлаш билан боғлиқ; сифатсилиқни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш; сифат тўғрисидаги ахборотларни қайта ишлаш ва бошқаларни ечишга даъват қилади.

Бунга боғлиқ ҳолда техник назоратнинг ташкилий тузилмаси у ёки бу корхонанинг хусусияти, маҳсуллашиши таъсири остида аниқланилади.

Саноат корхоналарида техник назоратнинг восита ва унинг амал қилиш йўллари туридан фойдаланилади.

Замонавий шароитда маҳсулотни сертификациялашни Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил қабулда қилинган «Маҳсулот ва хизматларни сертификациялаш тўғрисида»ги Қонунига биноан ташкил этиш зарурий аҳамиятга эга.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Техник назоратни тизим сифатидаги моҳиятинимада?
2. Техник назоратнинг қандай асосий объектлари мавжуд?
3. Техник назорат бўлимининг қандай тузилмалари мавжуд?
4. Техник назорат бўлимининг вазифа ва функциялари нималардан иборат?
5. Маҳсулот сифатини баҳолашнинг қандай усуллари мавжуд?

## Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.
3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
4. А. Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.
5. Герасимова Е.Б., Герасимов Б.И., Сизикин А.Ю. Управление качеством/ под. ред. Б.И.Герасимова.- М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009.-256 с.
6. Кане М. М., Иванов Б. В., Корешков В. Н., Схиртладзе А. Г. Системы, методы и инструменты менеджмента качества: Учебное пособие. 2008. — 560 с.
7. Круглов М.Г. Менеджмент качества как он есть /М.Г. Круглов, Г.М. Шишков. – М.: Эксмо, 2009. – 544 с.
8. Мишин В.М. Управление качеством: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности «Менеджмент организации» (061100)/ В.М. Мишин – 2-е изд. Перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 463 с.
9. Москвин В.А. Управление качеством в бизнесе: Рекомендации для руководителей предприятий, банков и риск-менеджеров. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 384 с.
10. Мазур И.И. Управление качеством: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Упр. качеством» / И.И. Мазур, В.Д. Шапиро. – 4-е изд., стер. – Москва: Омега-Л, 2009. – 400 с.
11. С.Г. Календарева Организация производства на предприятии (тексты лекции). –Т.: ТГЭУ, 2009. - 115 стр.
- 12.
13. Щепетова С.Е. Менеджмент и экономика качества: От естественного к формальному, от формального к естественному. – М.: Ком Книга, 2009.-512с.

## **VII МАВЗУ. САНОАТ КОРХОНАСИДА МЕХНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИШ ҲАҚИ**

### **7.1. Меҳнатни ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти**

Меҳнатни янгидан ташкил этиш мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ сиёсат ва ҳўжалик соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Чунки меҳнатни илмий асосда ташкил этишни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш кечиктириб бўлмайдиган умумдавлат масаласи эди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан жамият ҳаётининг энг асосий, туб ва муҳим масаласи бўлган меҳнатни ташкил этишнинг долзарблиги кучайиб борди.

Ҳозирги шароитда меҳнатни ташкил этиш меҳнатнинг илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибага асосланиб, техника, технологияни ва одамларни ягона ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштириш, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириб бориш, ишлаб чиқариш жараёнида инсон саломатлигига ғамхурлик қилиш, меҳнатнинг аста-секин биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланиш имконини берадиган қилиб ташкил этилиши, демакдир.


Корхона (фирма)ларда меҳнатни ташкил этиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- меҳнат тақсимоти ва меҳнатни кооперативлаштиришни такомиллаштириш;
- иш ўринларини ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатишни яхшилаш;
- илғор меҳнат усуллари ва услубларини ўрганиш ва кенг ёйиш;
- меҳнатни меъёрлаштириш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш;
- меҳнат шароитини яхшилаш ва енгиллаштириш;
- кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг касбий малакасини тўхтовсиз ошириб боришни яхши йулга қуйиш.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилашда меҳнатни илмий асосда ташкил этишни режалаштириш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Саноат корхоналарида меҳнатни ташкил этиш чора-тадбирларини белгилаш қуйидаги схема асосида амалга оширилиши мумкин.

Меҳнатни ташкил этишнинг аҳамияти беқиёсдир. Саноат корхоналарида меҳнатни оқилона ташкил этиш туфайли жамоада меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси такомиллашади, иш жойлари яхшироқ ташкил этилади ҳамда иш жойига хизмат кўрсатиш яхшиланади, илғор тажриба кенг ёйилади.



2-чизма. Корхона (фирма)да меҳнатни ташкил қилиш режасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

Айни вақтда меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхшиланади, билимли, илмли ва малакали мутахассислар кўпаяди, меҳнат интизоми мустақамланади ҳамда ходимларнинг ижодий фаоллиги ошади ва бошқа бир қатор ижобий ўзгаришлар юз беради. Уни илмий асосда ташкил этиш натижасида ходимларнинг соғлиғини сақлаш учун барча шароитлар яратилади.

## 7.2. Иш жойлари (ўринлари)ни ташкил этиш

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири иш ўринларини ташкил этишдир. Чунки иш ўрни меҳнатни ташкил этиш тизимининг энг асосий бўғинидир. Ҳар бир ишчининг ўзига бириктирилган ишлаб чиқариш вазифасини ўз вақтида бажариши, меҳнатининг унумдорлиги, аввало, у ишлайдиган иш ўрнининг тўғри ташкил этилишига боғлиқдир.

*Иш ўрни* деб бажариладиган ишнинг характериға боғлиқ ҳолда зарур жиҳоз ва бошқа меҳнат воситалари билан таъминланган, ишлаб чиқариш жараёнининг бир ёки бир нечта технологик операцияларини бажаришга мўлжалланган, бир ёки бир неча ишчи ишлайдиган муайян ишлаб чиқариш майдониға айтилади.

Меҳнатни ташкил этиш шакли (меҳнат тақсимооти даражаси)ға кўра иш ўрни якка (индивидуал) ва жамоа (бригада) иш ўринларига бўлинади. Иш ўрни ташкил қилинганда бир иш ўрнида битта ишчи ишлайди. Бу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, биринчидан, ҳар бир ишчининг бажарган ишини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан аниқ ҳисобға олиш мумкин бўлади; иккинчидан, иш сифати, жиҳозларни сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш учун ишчининг масъулияти ортади; учинчидан, меҳнат ҳаракатлари, усуллари ва йўллари раціоналлаштириш ва унумсиз ҳаракатларни бартараф қилиш имкони туғилади.

Тикувчилик саноати корхоналарида иш ўринларини жамоавий ташкил қилиш усули ҳам қўлланилади.

Жиҳозларнинг ўрнатилиш сонига кўра, иш ўринлари бир станокли, кўп станокли ва жиҳозсиз иш ўринларига ажратилади. Кўп станокли иш ўринлари меҳнатни ташкил қилиш шаклиға кўра, бир хил типдаги ва ҳар хил турдаги жиҳозлар билан таъминланган бўлиши мумкин.

Меҳнат жараёнининг характери ва механизациялаш даражасига кўра, иш ўринлари қўлда бажариладиган иш ўринлари, механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган иш ўринларига бўлинади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакли, ихтисослаштириш ва маҳсулот номенклатурасининг доимийлигига кўра, иш ўринлари якка, серияли ва оммавий ишлаб чиқариш иш ўринларига бўлинади. Якка ишлаб чиқаришдаги иш ўринлари кўп миқдорда хилма-хил операциялар бажарилиши билан характерланади. Серияли ишлаб чиқариш усули меҳнат жараёнидаги иш усулларининг такрорланиб туриши билан фарқ қилади. Ишлаб чиқаришнинг оммавий усулида ҳар бир иш ўрниға бир-иккита операция бириктириб қўйилади.

Ишларнинг бажарилиш характерига кўра, иш ўринлари 2 турга: стационар (кўзгалмас) ва кўчма иш ўринларига ажратилади. Стационар иш ўрни ишчининг иш жойи доимийлиги билан характерланади. Кўчма иш ўрни учун ишнинг бажарилишига қараб ишчи доимо бир жойдан иккинчи жойга ўтиб меҳнат қилиши хосдир. Масалан, электрик ва механикларнинг иши кўчма ишлар жумласига киради.

Тикувчилик саноати корхоналарида иш ўринларини рационал ташкил қилиш ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Шунинг учун меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш тадбирлари орасида иш ўринларини рационал ташкил қилиш муҳим ўринни эгаллайди.

*Иш ўринларини оқилона ташкил қилиш* деганда жиҳозларнинг техник имкониятларидан, иш вақти ва ишчи кучидан тўлиқ фойдаланишга, иш шароитларининг қулайлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Иш ўрнини ташкил этишда қуйидаги асосий талабларга эътибор бериш керак: иш ўрнида зарур жиҳоз ва техник воситалар, ярим тайёр маҳсулотлар ва материаллар мавжуд бўлиши; жиҳоз, техник воситалар ва бошқа меҳнат предметлари фойдаланиш учун қулай жойлаштирилиши; иш ўринлари зарур материаллар ва ҳоказолар билан узлуксиз таъминлаб турилиши; иш ўрни ишчининг меҳнатини енгиллаштирадиган мосламалар билан таъминланиши керак.

Иш ўрнини оқилона ташкил қилишда иш столлари ва стулларининг конструкциялари ва ўлчамлари намунавий лойиҳаларга мос келишига, мокига ишни ўраш учун автоталкалар мавжуд бўлишига, операцияни бажариш учун зарур бўлган кичик механизация воситалари (маҳсус лапкалар, маҳсус линейкалар ва ҳ.к.)нинг мавжудлигига, ишчига маълум ишлаб чиқариш операцияси бириктирилганлиги ва иш билан тўла таъминланганлигига, меҳнат предметларини иш ўрнига узатиш ва ишлов бергандан кейин олиб қўйиш усулларига ишчининг иш ўрнида (иш столи ва меҳнат предметига нисбатан) ўрнашиши, иш ҳаракатларини бажариши намунавий лойиҳага мувофиқлигига, иш ўрнининг ёритилиш даражасига, қўл ишларида ишлатиладиган ангишвона, қайчи, ип кронштейнлари, дазмоллашда қўлланиладиган нам пуркагичлар, дазмол тагликлари ва ҳоказоларнинг тахт туришига, ишчининг иш ўрнида алоқа воситалари билан таъминланганлигига, иш ўрнида санитария-гигиена ва хавфсизлик техникаси шароитлари яратилганлигига, иш ўрни техник ҳужжатлар билан таъминланганлигига эътибор бериш керак.

Иш ўринларини режалаштириш, жиҳозлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва меъёрл меҳнат шароитлари яратиш комплекс тарзда олиб борилиши лозим.

*Иш ўринларини тўғри режалаштириш* – бу, жиҳозларни, ташкилий ва технологик ускуна ва воситаларни, ярим тайёр маҳсулот ва маҳсулот деталларини оқилона жойлаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш майдонларидан тежаб фойдаланиш ва меъёрийларга риоя қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш, демакдир.

Иш ўринларини режалаштиришда:

цех (участка) майдонидан оқилона фойдаланишга ва иш ўрни майдонининг бегиланган меъёрга мувофиқ бўлишига;  
иш ўринларини технологик жараёнининг изчиллигига мувофиқ келадиган қилиб жойлаштиришга;  
ўрнатиладиган ускуналар ва жиҳозлар ҳажмига;  
иш ўринларини ишлаб чиқариш шароити зарарли бўлган иш ўринларидан ажратишга (масалан, пардозлаш иш ўринларини тикиш иш ўринларидан ажратиш, алоҳида пардозлаш цехлари ташкил этиш ва ҳоказоларга) эътибор бериш зарур.

Цех майдонида ишчилар меҳнат предметлари билан узлуксиз таъминланиши, ходимлар ва транспорт воситалари юрадиган йўлларнинг меъёрга мувофиқ энг қисқа бўлиши, ишлаш учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратилиши лозим.

Жиҳоз элементлари турадиган муҳим бир жой бўлиши, ҳар бир предмет ўз жойида туриши ва унга доимий жой ажратилиши керак.

Меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларининг жойлаштирилиши меҳнат усулларини бажариш усулига ва изчиллигига мос келиши, илғор меҳнат усуллари ва услубларини қўллаш учун қулай шароит туғдирмоғи ва иш ўринларини муҳандисликлик жиҳатидан таъминламоғи зарур.

Иш ўринларида ишлаб чиқариш жараёнида керак бўлмайдиган предметлар турмаслиги, ўнг қўл билан олинадиганлари ўнг томонга, чап қўл билан олинадиганлари чап томонга, икки қўл билан олинадиганлари яқин жойга, жиҳозлар ёнига, тез-тез ишлатиладиганлари ишчига яқин, кам ишлатиладиганлари узоқроқ қилиб жойлаштирилиши лозим.

Ишлаб чиқариш хонасидаги чироқларнинг нури меҳнат предметини ёки унинг ишлов бериладиган қисмини ёритиб туришига эътибор бериш керак.

Иш ўринларини режалаштириш билан бирга уларни жиҳозлаш иш ўрнини оқилона ташкил қилишнинг асосий элементларидан биридир.

*Иш ўринларини жиҳозлаш* деганда уни технологик жиҳозлар, ташкилий ва технологик ускуналар, сигнализация, хавфсизлик техникасига доир воситалар ва шу сингарилар билан таъминлаш тушунилади. Иш ўринларини жиҳозлаш элементлари ишлаб чиқариш жараёнида хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш учун бажариладиган операцияларга қараб танлаб олинади.

Иш ўринларини ташкил этишнинг муҳим элементларидан бири – *иш ўрнига хизмат кўрсатишдир*. Ишчининг иш вақти ва техникадан самарали ва тўла фойдаланиш, ҳар бир иш ўрнида меъёрл меҳнат ритмини таъмин этиш ҳамда юқори меҳнат унумдорлигига эришиш иш ўринларига хизмат кўрсатишнинг тўғри ташкил қилинганлигига боғлиқдир.

Иш ўринларида хизмат кўрсатишни тўғри ташкил қилиш – иш ўринларида ишнинг меъёрл бориши учун иш ўринларини хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар билан етарли миқдорда узлуксиз таъминлашни, иш ўринларини зарур техника жиҳозлари, ташкилий ва техникавий ускуналар билан таъминлаш ва уларнинг бетўхтов ишлаши учун олдиндан тузилган график асосида таъмирлаб (жорий ва капитал) боришни, иш ўринларини электр энергия, пар ва ҳоказолар билан тўхтовсиз таъминлаб

туришни, иш ўринларида ишлов берилган меҳнат предметларини ва чиқиндиларнинг тахланиб ва тўпланиб қолмаслигини ва уларни ўз вақтида олиб кетилишини таъминлашни;

Ҳар бир ишчининг ўзига берилган ишлаб чиқариш топшириқларини тушуниб олишини ва йўриқнома йўриқнома (инструкция) билан таништирилишини, иш ўринларини йўриқнома (инструкция) карталари, муҳандислик таъминлаш картаси, наряд ва ҳоказолар билан таъминлашни, иш ўринларида соғлом ва хавфсизлик техникасига амал қилинган шароит яратишни, иш ўринларида тозалик ва тартибни сақлаб туришни назорат қилишни ва ҳоказоларни кўзда тутати.

Шундай қилиб, иш ўрни ишлаб чиқариш жараёнининг асосий бўғини бўлиб, унинг тўғри ташкил этилиши меҳнатни илмий ташкил этишнинг бош элементларидир. Чунки иш ўринлари тўғри ташкил қилингандагина корхона, цех, участкада юқори натижаларга эришиш, иш вақти зое кетиши ва жиҳозлар бекор туриб қолиши ҳолларининг олдини олиш мумкин. Иш ўринларини тўғри ташкил қилишда намунавий лойиҳалар асосий роль ўйнайди.

Иш ўринларини ташкил қилишнинг намунавий лойиҳаси иш ўринларини прогрессив илмий асосда ташкил қилишни кўрсатиб берувчи асосий ҳужжатдир. У иш ўрнини оқилона ташкил этиш ва такомиллаштиришга оид тавсияларни ўзи ичига олади.

Ҳозирги вақтда ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар иш ўрнини ташкил қилишнинг намунавий лойиҳасини жорий қилиш ва иш ўринларини муҳандислик жиҳатидан таъминлаш меҳнатни илмий асосда ташкил қилишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Иш ўринларини муҳандислик жиҳатидан таъминлаш тадбирларини амалга оширишда иш ўринларини муҳандислик жиҳатидан таъминлаш карталари муҳим ўрин тутати. Бу карталар тикувчилик саноатининг марказий илмий-тадқиқот текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган ва саноатга тавсия қилинган.

Иш ўринларини муҳандислик жиҳатидан таъминлаш картаси – ишчининг ишлаб чиқариш топшириғини кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариши учун операцияни қандай ҳаракатлар ва усуллар изчиллигида амалга ошириш кераклигини, операцияни бажаришда тавсия қилинган янада оқилона усулларни, тикиш сифатига кўйиладиган талаблар ҳамда иш ўринларини машина, кичик механизация воситалари, ташкилий ва технологик ускуналар билан ташкил қилиш ва таъминлашни кўрсатадиган асосий ҳужжатдир.

Тикув цехларида ишчилар иш ўринларини муҳандислик жиҳатидан таъминлаш картаси беш бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда корхона номи, буюмнинг номи, ташкилий операцияга кирадиган технологик бўлинмас операцияларнинг рўйхати, операциянинг ҳисоб маълумотлари (номери, номи, касби, тариф разряди, ишбай расценкаси, ишлаб чиқариш меъёри) ва операцияни бажариш техник шароитлари (жиҳознинг классификацияси, завод рақами, бош валнинг айланиш тезлиги, 1 см баҳядаги чоклар сони, ипнинг шартли белгилари ва игна рақами) келтирилади. Иккинчи бўлимда операциянинг схемаси, унинг сифат мезонлари, ўлчов миқдори (масалан, шимнинг ён чокини



тикиш кенглиги) кўрсатилади. Учинчи бўлимда маълумотлар иккига бўлиниб, биринчисидан – машина, кичик механизация воситалари тартиб бўйича ва иккинчисидан машина асоси, столни ташкил қилиш талаблари ёритилади. Тўртинчи бўлимда иш ўрнини ташкилий-технологик ускуналани оқилона ташкил қилиш схемада кўрсатиб берилади. Бешинчи бўлимда операцияни бажаришнинг оқилона усуллари ва уларни бажариш вақти келтирилади.

Меҳнатни илмий ташкил қилишни режалаштириш ва жорий қилишда иш ўринларининг намунавий лойиҳаларини ва иш ўринларини муҳандислик жиҳатидан таъминлаш билан бирга ҳар бир иш ўрнида меҳнатнинг ўзини ташкил қилиш муҳимдир.

Меҳнатнинг ўзини ташкил қилишнинг муҳим воситаси – меҳнатни ташкил қилиш картасидир. Бу карта иш ўринларида меҳнат жараёнини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида тузилган, муайян ижрочига тайёрланган меҳнатни ташкил қилиш лойиҳасини ифодаловчи асосий ҳужжатдир.

Меҳнатни ташкил қилиш картаси беш бўлимдан иборат. «Дастлабки маълумотлар» деб номланувчи биринчи бўлим ишлаб чиқариш топшириғи, маҳсулот ишлаб чиқариш меъёри, умумий техник-иқтисодий маълумотлар, меҳнатни ташкил қилиш шакли, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва мукофотлаш кўрсаткичлари каби маълумотларни, «Меҳнат жараёни» деб юритиладиган иккинчи бўлим бажариладиган асосий ишнинг таркиби, элементлари, ҳар бир элементнинг бажарилиш вақти, рақибан усуллари ва иш кунининг графиги бўйича тавсияларни, «Иш ўрни» деб аталувчи учинчи бўлим иш ўрнини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва унга хизмат кўрсатишга доир маълумотларни, «Меҳнат шароитлари» деб аталувчи тўртинчи бўлим иш шароитлари лойиҳалаштирилишини, «Ижрочига нисбатан қўйиладиган талаблар» деб номланган бешинчи бўлим ижрочига қўйиладиган талабларни ўз ичига олади.

Меҳнатни ташкил қилиш картаси ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва МТҚ тадбирларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда муҳим роль ўйнайди. Чунки у амалдаги меҳнат жараёнини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни тезда бартараф қилиш ва иш ўрнида меҳнат жараёнини юқори даражага кўтариш тадбирларини белгилаш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда асосий ҳужжат ролини ўтайди.

Ҳозирги кунда МТҚ тадбирларини жорий қилишнинг бош йўналишларидан бири ишлаб чиқаришда ишчилар, хизматчилар меҳнатини, участка (цех)да меҳнатни ташкил қилишнинг намунавий лойиҳаларини кенг қўллашдир.

Ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини ҳамда илғорлар тажрибасини тезроқ ва кенгроқ жорий қилиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, уни интенсивлаштириш ва самардорлигини оширишда меҳнатни ташкил қилишнинг намунавий лойиҳалари муҳим роль ўйнайди.

Меҳнатни ташкил қилишнинг намунавий лойиҳалари иш ўринларини ихтисослаштириш, уларни юқори унумли жиҳоз ва прогрессив ташкилий ускуналар билан жиҳозлаш, бу жиҳоз ва ускуналарни меҳнатни илмий ташкил қилиш элементлари талаблари асосида жойлаштиришни, иш ўринларини

оқилона ташкил қилишни ва алоқа воситаларини, меҳнатнинг илғор усуллари ва услубларини қўллашни, иш ўринларида қулай ва соғлом меҳнат шароитларини яратишни, техника хавфсизлиги ва меҳнатни кўриқлаш ҳамда иш ўринларини эстетик безатиш тадбирларини ўз ичига олади. Намунавий лойиҳалар, шунингдек, меҳнат меъёри, унга ҳақ тўлаш, ишчига қўйиладиган талаб ва иш ўринларида қўлланиладиган ҳужжатларни ҳам белгилайди.

Меҳнатни ташкил қилиш намунавий лойиҳаларининг ишлаб чиқаришда қўлланилиши меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга изчил жорий қилиш, иш ўринларида, участка ва цехларда ҳамда бутун корхона бўйича меҳнат унумдорлигининг захираларини аниқлаш учун кенг имконият яратади.

### 7.3. Меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш йўллари

Меҳнат унумдорлиги ҳар қандай янги жамиятни ҳал қилувчи йиғма шарти, фан ва техниканинг барча ютуқлари йиғиндиси, барча ходимларнинг билим ва илм даражаси ва маданиятини юксалтириш, интизом ва ишлаш ўқувини, меҳнатни яхши ташкил этиш йиғиндиси ҳисобланади.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим йўллари фан ва техниканинг барча ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, ходимларнинг умумий маълумот ва маданий даражасини кўтариш, меҳнат интизоми, меҳнат ва ишлаб чиқаришни уюштиришни яхшилаш, ходимларнинг ўз иш натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорликларини ошириш, рақобатни кучайтиришнинг ҳамда илғор, ташаббускор ва изланувчиларнинг тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамият меҳнат унумдорлиги мисли кўрилмаган даражага кўтарилгандагина юзага келиши мумкин. Келажаги буюк давлатни вужудга келтиришда меҳнат унумдорлигининг ҳал қилувчи омил эканлигини унутмаслик керак. Чунки меҳнат унуми янги ижтимоий тузумнинг энгиб чиқиши учун пировард натижада энг муҳим, энг асосий нарсадир.

Меҳнат унумдорлиги нима?

**Меҳнат унумдорлиги** деб ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат сарфиётининг фойдалилиги ва маҳсулдорлиги тушунилади.

Меҳнат унумдорлиги инсон меҳнатининг муайян вақтда маълум (озми-кўпми) миқдордаги истеъмол қийматини яратиш, вужудга келтириш қобилияти.

Меҳнат унумдорлиги даражаси маълум бир маҳсулот бирлигини яратиш учун сарфланган иш вақти ёки маълум вақт ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги ( $M_u$ ) ходимлар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги, маҳсулдорлигини кўрсатади. У ходимлар иш вақти бирлиги ( $T_{иш}$ ) давомида ( $C_{оат}$ , смена, квартал, йил, бир неча йил) ишлаб чиқарган маҳсулотининг миқдори ( $M_{мик}$ ) ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетган вақт миқдори ( $T_{мик}$ ) билан ифодаланилади:

$$M_u = \frac{M_{мик} \cdot T_{иш}}{T_{мик}} = \frac{T_{иш} \cdot M_{мик}}{M_{мик} \cdot T_{иш}}$$

Меҳнат унумдорлигининг ҳисоблаб чиқишда натурал, меҳнат ва қиймат (пул) усуллари қўлланилади.

Меҳнат унумдорлигини аниқлашда кенг қўлланиладиган асосий усуллардан энг муҳими **қиймат** усули ҳисобланади. Бу усулга биноан корхона ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотлар ҳажми қиймат кўтсаткичида ифодаланилади. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдоринигина эмас, балки унинг сифатига хос ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш имконини беради.

Демак, аниқ бир маҳсулотни тайёрлаш учун илгаригига нисбатан кам вақт сарфланса ёки маълум вақт ичида илгаригидан кўп маҳсулот ишлаб чиқарилса, шунда меҳнат унумдорлиги ошишига эришиш мумкин бўлади. Шу сабабли, иш жараёнидаги алоҳида олинган маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган ижтимоий зарурий иш вақтини қисқартириш имкониятини берадиган ҳар қандай ўзгаришни меҳнат унумдорлигининг ошиши, деб тушунилади.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетаётган меҳнат сарфларини камайтириш, - демакдир. Маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш учун кетаётган меҳнат сарфларини камайтириб бериш натижасида жамият ҳар бир ходим (ишловчи) ҳисобига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Бу эса жамият аъзоларининг ошиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориш ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг тинмай ўсиши жамиятнинг иқтисодий қонунидир.

Бу ерда шу нарсани айтиб ўтиш керакки, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши икки йўл билан: биринчидан, ишлаб чиқаришга кўшимча ходимларни жалб қилиш, ишловчиларнинг сонини кўпайтириш ва иккинчидан, мавжуд меҳнат ресурсларидан бекаму кўст фойдаланиш, яъни ҳар бир ишловчининг меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Барча даврларда бу икки йўлдан фойдаланиб келинган, келгусида ҳам фойдаланилади. Аммо, ишловчилар сонини доимо кўпайтириб бориш мумкин эмас. Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган кишилар сонининг ўсиб бориши ёш авлодни ишга жалб қилиш ва мавжуд меҳнат ресурсларини халқ хўжалигининг тармоқлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳисобига бўлади. Шу сабабли ҳам, ҳозирги пайтда айнан шу йўл билан меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтариш муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳисобига маҳсулотнинг ўсиши янги ишчи кучи қабул қилингандагига қараганда анчагина арзонроқ тушади. Янги ишчи қабул қилиб, уларни ўқитиб, ишга ўргатиш, сўнгра улар ёрдамида кўшимча маҳсулот олиш кўпчиликнинг меҳнатини ва узоқ мудатни талаб этади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш жамғармани кўпайтиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги маҳсулот таннархини ташкил қиладиган харажатларнинг кўпчилик турига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Меҳнат унумдорлиги қанча

юқори бўлса, маҳсулот бирлиги ишлаб чиқаришга кетадиган барча меҳнат сарфлари камайиб боради. Айтилиши вақтда маҳсулот таннархи қанчалик камайиб борса, корхоналарнинг жамғармалари шунчалик кўпаяди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги доимо ошиб боришини таъминлайди. Иқтисодиёт юксалиши, меҳнат унумдорлиги ўсиб бориши билан меҳнаткашларнинг турмуш даражаси борган сари яхшиланиб бораверади.

Меҳнат унумдорлиги асосан ижтимоий ишлаб чиқариши ва меҳнатнинг характериға боғлиқ бўлади. Меҳнат унумдорлигини ошириш барча ижтимоий, иқтисодий шаклциялар учун иқтисодий заруриятдир. Бу умумий иқтисодий қонун бўлиб, бу қонуннинг талабига биноан «ишлаб чиқариш харажатлари доимо камайиб, жонли меҳнат эса тобора унумлироқ бўла боради». Лекин турли иқтисодий шаклцияларда бу қонун аниқ шароитға ва шу тузумнинг характериға қараб ўзининг махсус специфик (хос) ифодасини топади.

Мустақил давлат меҳнат унумдорлигини ўз йўли, ўз усуллари, аниқроқ қилиб айтганда, мустақиллик усуллари билан оширади, чунки бундай шароитда меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши учун объектив ва субъектив имкониятлар етарлидир.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг хилма-хил йўллари ва шарт-шароитлари бор. Фан ва техниканинг барча ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, ишчилар, хизматчилар ва барча ходимларнинг умумий билим даражаси ҳамда маданий савиясини кўтариш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш кишиларнинг ўз иш натижаларини моддий манфаатдорлигини ошириш, рақобатни кучайтириш ҳамда илғорлар ва новаторларнинг тажрибаларини ишлаб чиқаришга кенг ёйиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим шартларидир.

Ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва электронизациялаш техникани тараққий эттириш ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда биринчи даражали аҳамиятға эгадир.

Меҳнат унумдорлигининг доимо ошиб бориши учун меҳнатни электр билан қуроллантириш суръатлари меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларидан юқори бўлиши зарур.

Меҳнат унумдорлигини янада ошириш ишлаб чиқаришни кимёлаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида кимё фанининг барча ютуқларидан кенг фойдаланишни талаб этади. Кимёлаш туфайли илгари ишлаётган материалларға нисбатан анча мустаҳкам, енгил, сифатли, арзон бўлган янги материалларни олиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш имконияти туғилади. Бундай материаллардан машина қисмлари ва деталлар тайёрлаш учун кўп меҳнат талаб қилинмайди. Механик ишлов беришни кимёвий йўл билан ишлов беришга алмаштириш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш ва меҳнат унумдорлигини анча ошириш мумкин.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши учун ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс равишда, яъни ҳар тарафлама машиналаштиришга катта эътибор бериш керак.

Меҳнат унумдорлигини оширишда ишлаб чиқаришни бир меъёрада, график асосида олиб бориш жуда катта аҳамиятга эга. Бу ускуналардан, ишчи кучларидан тўла фойдаланиш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун катта имкониятлар очади.

Меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнаткашлар оммасининг ижодий фаоллиги, ташаббускорлиги, ғайрат ва шижоатлари катта роль ўйнайди.

#### **7.4. Иш ҳақини ташкил этишнинг асосий вазифалари ва тамойиллари.**

Меҳнат – ҳар бир шахс ва умуман, жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўладиган моддий ва маънавий неъматлар яратиш соҳасидаги мақсадга мувофиқ фаолиятдир.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнини тадқиқ қилиш асосида шундай фикрга келиш мумкинки, меҳнат аввало, инсон билан табиат ўртасида содир бўладиган шундай жараёнки, унда инсон ўз фаолияти билан ўзи ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартибга солади ва назорат қилади.

Меҳнат жараёнининг оддий жиҳатларига унинг мақсадга мувофиқлиги, меҳнат буюми ва меҳнат воситаларини киритиш қабул қилинган. Меҳнат буюмлари ва ишлаб чиқариш қуроллари жонли меҳнат жараёнига киритилмаса, улар ўз-ўзидан фаолият кўрсата олмайди. Жонли меҳнат эса ҳамиша фақат кишиларнинг табиатга муносабатидангина эмас, шу билан бирга, жараён қатнашчилари ўртасидаги муносабатдан ҳам иборат.

Меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш шароитида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ташкилий тизими юзага келади. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишда иш берувчилар билан уни амалга оширувчилар, яъни ходимлар манфаатлари эътиборга олинади. Бу ерда шуни таъкидлаш зарурки, бозор муносабатларига ўтишда томонлар меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларини ҳал этишда тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари лазимлиги шак-шубҳасиздир. Корхона маъмурияти (ёки мулкдорнинг вакили) билан ходимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномалари меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларини тартибга солишнинг ҳуқуқий, амалий ва бирдан-бир таъсирчан шаклига айланади.

Бозор шароитида, айниқса, ўтиш даврида, тақсимлаш муносабатлари, давлатнинг тартибга солиш йўналишлари ва хусусияти ўзгариб боради, маъмуриятчилик андозаларига барҳам берувчи янги бошқарув шакллари пайдо бўлади. Корхоналар даражасини тартибга солиш жараёнларига янги талаблар қўйилади. Давлатнинг аралашуви даромадларни тақсимлаш шарт-шароитлари ва тамойилларига риоя қилишни аниқлаш, таҳлил этиш ва таъминлаш учун зарурдир.

Тақсимлаш муносабатлари давлат йўли билан тартибга солинишининг асоси меҳнат соҳасидаги қонунлар ва битимлар, солиқ тизимида якка даромадларнинг

ўсиши билан инфляция ўртасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат бўлиши лозим. Давлатнинг иштирокисиз инсонга даромадни кафолатлаб бўлмайди, бу даромад унга корхонанинг иқтисодий фаолиятдан қатъи назар муносиб ҳаёт кечиришни таъминлайди. Давлатнинг функциясига, бундан ташқари, аҳолининг кам таъминланган қатламлари даромадларини оширишни киритиш зарур, бу нарса иш кучини меъёрл даражада такрор ҳосил қилиш учун, меҳнат ресурсларини мақбул тарзда тақсимлашни таъмин этиш, ижтимоий кескинликни юмшатиш ва ҳоказолар учун керак бўлади. Давлат иш кучини такрор ҳосил қилиш иштирокчиси бўлганлиги сабабли таклиф этилган иш кучининг кўпроқ қисмини ўзига қабул қилади, унинг тадбиркорлар талабига жавоб беришига интилади.

Иш ҳақининг моҳияти унинг ижтимоий ишлаб чиқариш босқичлари бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда бажарадиган функциялари (вазифалари) да намоён бўлади.

1. Такрор ҳосил қилиш функцияси. У ходимларни, шунингдек, уларнинг оила аъзолари иш кучини такрор ҳосил қилиш, авлодларни қайта кўпайтириш учун зарур бўлган ҳаётий неъматлар билан таъминлашдан иборат. Унда эҳтиёжларнинг ортиб боришидан иборат иқтисодий қонун ўз ифодасини топади. Мазкур функция иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солиниши хусусиятлари, иш ҳақининг иш кучини такрор ҳосил қилишни таъмин этадиган миқдорини қонуний даражада белгилаш билан мустаҳкам боғлиқдир.

2. Рағбатлантирувчи функция. Унинг моҳияти ходимнинг иш ҳақи унинг қўйидаги меҳнат ҳиссасига, корхонанинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқлигини белгилашдан иборат бўлиб, бунда кўрсатиб ўтилган боғлиқлик ходимни ўз меҳнати натижаларини доимий равишда яхшилаб боришга қизиқтириши лозим.

3. Ўлчов - тақсимлаш функцияси. Бу функция истеъмол фондларини ёлланма ходим билан ишлаб чиқариш воситалари эгаси ўртасида тақсимлаш вақтида жонли меҳнат ўлчовини акс эттириш учун мўлжалланган. Иш ҳақи воситасида ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир иштирокчисининг меҳнат ҳиссасиги мувофиқ унинг истеъмол фондидаги алоҳида улуши аниқланади.

4. Ресурсларни жойлаштириш функцияси. Мазкур функциянинг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Унинг моҳияти меҳнат ресурсларини минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар бўйича қулай равишда жойлаштиришдан иборат. Меҳнат ресурсларини жойлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви энг кам даражага келтирилган шароитда, меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишини шакллантириш фақат ҳар бир ёлланма ходимда ўз меҳнатини сарфлаш жойини танлашда эркинлик бўлган тақдирдагина турмуш даражасини оширишга интилиш, иш топиш мақсадида уни бошқаси билан алмаштиришни тақозо қилади, бу иш эса унинг эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириши лозим.

5. Аҳолининг тўловга қобилиятли талабини шакллантириш функцияси. Бу функциянинг вазифаси тўловга қобилиятли талабни мувофиқлаштиришдир. Бундай талаб деганда харидорларнинг пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжларининг намоён бўлиш шакли тушунилади, шунингдек, истеъмол

товарларини ишлаб чиқариш назарда тутилади. Тўловга қобилиятли талаб икки асосий омил – жамиятнинг эҳтиёжлари ва даромадлари таъсирида шаклланади ва бозор шароитида иш ҳақи ёрдамида товарни таклиф қилиш билан талаб ўртасида зарур мутаносиблик ўрнатишга ёрдам беради.

Юқорида айтиб ўтилган функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги энг муҳим тамойилларга риоя қилиниши зарур.

**1. Ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги юксалиб борган сари реал иш ҳақининг ортиб бориши.** Бу тамойил эҳтиёжларнинг ортиши объектив иқтисодий қонуннинг амал қилиши билан боғлиқ бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ эҳтиёжларнинг янада тўлароқ қондирилиши фақат ўз меҳнати учун кўпроқ миқдорда моддий неъматлар ва хизматларга эга бўлиш имкониятлари кенгайган шароитдагина реал бўлади. Бироқ бундай имконият ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан меҳнат самарадорлигининг боғланишини тақозо этади. Бундай боғланишнинг йўқлиги эса, бир томондан, ишлаб топилмаган пулнинг берилишига, демак, инфляцияга, олинган номинал иш ҳақининг таъмин этилишига ва реал иш ҳақининг пасайишига олиб келиши, иккинчи томондан эса, пасайтирилган, меҳнат ҳиссасининг самарадорлигига мос келмайдиган номинал иш ҳақининг тўланишига олиб келиши мумкин. Натижада ходимларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш имконияти ва иш ҳақининг кўпайиш имконияти мавжуд бўлмайди.

**2. Меҳнат унумдорлиги ўсишини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгариларчи суръатларини таъминлаш, (ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари суръатининг истеъмол фондлари ўсиши суръатларидан ортиб кетиши).** Бу тамойилнинг моҳияти – ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида меҳнат даромадларини максимал (энг кўп) даражага етказишдан иборат. Бу тамойилга риоя қилиниши жамғариш жараёнининг, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини тақозо этади ва корхонанинг ривожланиши ҳамда раванқ топишининг зарур шarti ҳисобланади. Мазкур тамойилнинг бузилиши товарлар билан таъмин этилмаган пулнинг тўланишига, унинг қадрсизланишига, мамлакат иқтисодиётида турғунлик ҳолатларининг авж олишига олиб келади. Муайян корхона шароитида бу ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш жараёнининг секин-аста сусайиб бориши, улардан энг истиқболлиларини ишлаб чиқариш ва сотиб олиш мўлжалининг йўқлиги ҳамда бунинг натижаси сифатида рақобат қилувчи фирмалар ўртасида камроқ сифатли маҳсулотга бўлган талабнинг пасайишидир.

**3. Ходимнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган меҳнат ҳиссасига, меҳнат мазмуни ва шароитларига, корхона жойлашган минтақага, унинг қайси тармоққа мансублигига қараб иш ҳақини табақалаштириш.** Мазкур тамойил ходимнинг ўз меҳнат малакасидан, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш зарурлигига асосланган. Бунда иш кучини такрор ҳосил қилиш учун зарур бўлган моддий неъматлар миқдоридаги, меҳнатнинг турли шароитларидаги жўғрофий ва иқлим шароитларидаги тафовутлар ҳисобга олиниши лозим.

**4. Баробар (тенг) меҳнат учун баробар ҳақ тўлаш.** Бозор шароитида бу тамойилни ишловчининг жинси, ёши, миллий мансублиги ва ҳоказоларга қараб унинг меҳнатига ҳақ тўлашда камситишга йўл қўймасликдир. Буни корхона ёки фирма ичидаги тақсимотда, адолат тамойилига риоя этиш, деб тушуниш керак. У бир хилдаги меҳнатга бир хил ҳақ тўлаш орқали бир хил баҳолашни назарда тутлади.

**5. Меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан бошқариш ва тартибга солиб туриш.**

**6. Меҳнат бозорининг таъсирини ҳисобга олиш.** Меҳнат бозорида ҳам давлат ва хусусий компанияларда, ҳам уюшмаган сектордаги иш ҳақи кенг намоён этилган бўлиб, улардаги ишчи кучи касаба уюшмалари билан қамраб олинмаган ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўла-тўкис маъмурият томонидан белгиланади.

Меҳнат бозори – бу шундай бир соҳаки, у ерда пировард натижада меҳнатнинг ҳар хил турларига баҳо бериш таркиб топади. Ҳар бир ходимнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи унинг меҳнат бозоридаги мавқеи билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, мазкур бозордаги вазият ва бундан ташқари, бандлилик имкониятини ҳам белгилаб беради.

**7. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларининг оддийлиги, мантиқийлиги ва қулайлиги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларининг моҳияти ҳақида кенг хабардор бўлишни таъминлайди.** Ходимда иш ҳақи ҳақида тушунарли ва батафсил ахборот мавжуд бўлгандагина у жон-дили билан берилиб меҳнат қилади. Ходимлар қандай ҳолатда иш ҳақининг миқдори, яъни ўз моддий фаровонликлари даражаси ошишини аниқ тасаввур қилишлари лозим.

Иш ҳақини ташкил этиш тамойилларини уларни амалга оширишга қаратилган функцияларга мувофиқ таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тамойил фақат битта функция билан эмас, балки бир қанча функциялар билан боғланган. Шундай бўлса ҳам асосий функцияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳар бир тамойил биринчи навбатда ана шу функцияни бажаришга қаратилади.

Иш ҳақини ташкил этишнинг қайта қурилиши бозор талабларига мувофиқ қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутлади:

- ҳар бир ходимнинг ўз меҳнати самарадорлиги имкониятлари (резервлари)ни аниқлаш ва фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш, ишламасдан пул маблағларига эга бўлиш имкониятларига барҳам бериш;

- меҳнатга ҳақ тўлашда текисчилик ҳолларини бартараф этиш, иш ҳақининг ҳам яқка тартибдаги, ҳам жамоа меҳнати натижаларига бевосита боғлиқлигига эришиш;

- турли тоифадаги ва касб-малакали гуруҳларга мансуб бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш нисбатларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш), бунда бажариладиган ишларнинг мураккаблигини, касбларнинг ноёблигини эътиборга оладиган меҳнат шароитлари, шунингдек, пировард натижаларга эришишга интилаётган турли ходимлар гуруҳлари ва ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг таъсирини ҳисобга олишни назарда тутилади.



Саноат ишлаб чиқаришида меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш соҳасидаги амалий қадамлар ҳақида гапирганда, шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ходимларнинг турли тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш даражаларини табақалаштириш учун ягона тариф ставкаси (ЯТС) ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, у бир хил мураккабликдаги иш учун баробар ҳақ тўлаш имконини беради.

Меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан тартибга солиш кам таъминланган, оз иш ҳақи оладиган ходимларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар асосида иш ҳақининг энг кам миқдорини белгилайди.

Саноат соҳасида иш ҳақини ташкил этишда ягона тариф сеткаси асосида асосий иш ҳақини шакиллантириш усулини ёки меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимини танлаш муҳимдир. Ягона тариф сеткаси устувор бўлиб, ундан фойдаланганда ходимлар иш ҳақини янада объективроқ табақалаштиришга эришилади. Бироқ иқтисодий аҳвол доимий равишда ўзгариб туриши сабабли корхоналарда кўпинча тариф ставкаларни ўзгартиришга тўғри келади, бу эса катта меҳнат харажатларига олиб келади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизими иш ҳақини корхона ишининг ҳақиқий натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўяди. Иш ҳақини ҳисоблаш эса камроқ меҳнат талаб қилади. Лекин бу фақат кичикроқ корхоналарга тааллуқлидир.

Иш ҳақини ташкил этиш иқтисодий самарадорликнинг мезони сифатида ҳўжалик ҳисоби даромадининг иш ҳақи фондига нисбатан устувор ўсиши ҳисобланади. Бундай устувор ўсиш таъмин этилмаган ҳолларда сабабларни синчиклаб таҳлил қилиш, фойдани кўпайтиришга ёки меҳнатга тўланадиган харажатларни қисқартиришга қаратилган қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Ҳозирги шароитда саноатда иш ҳақини тўғри ташкил этишга унинг асосий элементи бўлган меҳнатни меъёрлаш асосида эришиш мумкин, у меҳнат харажатлари ҳажми билан унга тўланадиган ҳақ ўртасидаги мувофиқликни ўрнатиш имконини беради. Меҳнатни меъёрлашни такомиллаштириш соҳасидаги ишлар меъёрларнинг сифатини оширишга ва аввало меҳнатнинг барча турлари ҳамда ходимларнинг барча гуруҳлари учун баравар жиддийлигига, қизғинликни таъминлашга қаратилади. Турли ишлаб чиқариш участкаларида меъёрларнинг баравар жиддийлигига, меҳнат жараёнининг айрим элементларига миқдорий аҳамияти бўйича тенг ёки яқин жиддийлик коэффициентларини ўрнатиш ҳисобига ёки меҳнат интенсивлигининг меъёрлардаги муайян даражасини ҳисобга олиш йўли билан эришилади. Меъёрларнинг баравар жиддийлиги ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида меҳнатнинг бир хилдаги интенсивлигини назарда тутаяди. Шу муносабат билан биринчи миқдор иш суръатлари ва бандлик вақтини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши мумкин.

$$J=K_c \cdot K_b$$

Бу ерда: J-меҳнат интенсивлиги;

$K_c$ -иш суръати коэффициенти;

Кб-бандлик вақти коэффиценти.

Иш суръати коэффиценти ҳақиқий иш суръатининг жисмоний жиҳатдан мақбул бўлган нарсага муносабатини, бандлик коэффиценти эса сменадаги ҳақиқий бандлик вақтининг смена узунлиги муайян фоизга тенг бўлган шартли ҳисоблаш даражасига муносабатини билдиради. Агар мазкур иш ўрнидаги меҳнат интенсивлиги меъёридаги интенсивликдан фарқ қилса, у ҳолда уни пасайтириш ёки ошириш, хусусан, меҳнат меъёрини ўзгартириш чораларини амалга ошириш керак бўлади.

Мутахассислар ва хизматчилар меҳнатини, шунингдек, ходимларнинг айрим тоифалари меҳнатини меъёрлашни яхшилаш уларнинг иш билан таъминланиш даражасини, вазифаларнинг оқилона тақсимланишини, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва ҳозирги замон техникавий воситаларини жорий этишни таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши лозим. Бошқарувнинг ортиқча бўғинларини қисқартириш ва тартибга солиш, ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва бошқарув ходимлари сонини қисқартириш юзасидан иш олиб бориш зарур. Ҳар бир мутахассисга иш регламентини белгилаб бериш керак, бу унинг йил давомида кундалик иш билан тўлиқ банд бўлишини таъминлайди. Регламент қоидалари аниқ-равшан бўлиши мутахассиснинг мазкур иш ўрнидаги, ушбу лавозимдаги ва тегишли малака категориясидаги ишининг ўзига хос томонларини акс эттириши лозим.

Саноат корхоналарининг янги тузилмасини ва уни бошқариш тизимларини, ходимлар лавозимлари номларини улар ҳақиқатдан бажарадиган функцияларга мувофиқ равишда аниқлаш соҳасидаги ишлар якунида штат жадвалини тузиб чиқиш учун талаб қилинадиган раҳбарлар, мутахассислар олинади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида иш ҳақини ташкил этиш масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини олган корхоналар бунинг учун турли андоза ва ёндашувлардан фойдаланадилар. Бироқ бу соҳадаги хорижий тажриба ҳақидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ватанимизда фирмалар ички андозалари тўғрисидаги маълумотлар банки мавжуд эмас. Бу банк фақат эндигина шаклланиб келмоқда, меҳнат ва иш ҳақини ташкил этиш бўлимининг ходимлари, одатда, ўз корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг мақбул андозаларини танлаш учун етарли билимга эга эмаслар. Ана шу сабабларга кўра, кўпчилик корхоналар, айниқса, ўрта ва йирик корхоналар анъанавий тариф тизимидан келмоқдалар.

Бундай корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий элементлари меҳнатни меъёрлаш, тариф тизими, иш ҳақининг шакллари ва тизимларидир.

Меҳнатни меъёрлаш – бу, илмий асосланган меҳнат харажатлари ва унинг натижаларини вақт меъёрлари, сони, хизмат кўрсатишнинг бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрланган топшириқлар меъёрларини аниқлашдир. Булар бўлмаса, меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларга қўшган алоҳида ҳиссасини ҳисобга олиб бўлмайди.

Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари – бу, меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт- шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизmidир.

Тариф тизими турли меъёрий материаллар мажмуидан иборат бўлиб, улар ёрдамида корхонадаги ходимлар иш ҳақи даражаси уларнинг малакаси, ишларнинг мураккаблиги, меҳнат шароитлари, корхоналарнинг жўғрофий жойи ва бошқа тармоқ хусусиятларига қараб белгиланади. Тариф тизимининг асосий элементларига тариф сеткалари, тариф ставкалари, тариф-малака маълумотномалари, лавозим маошлари, хизматчилар лавозимларининг тариф маълумотномалари, тариф ставкаларига устама ва қўшимча ҳақлар, иш ҳақига доир минтакавий малака коэффицентлари киради.

Тариф ставкалари – разрядлар шкаласидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўз тариф коэффиценти берилган ва ҳар қандай разряднинг тариф ставкаси биринчи разряддан неча марта кўплигини кўрсатиб туради. Биринчи разряднинг тариф коэффиценти бирга тенгдир. Разрядлар миқдори ва уларга тегишли тариф коэффицентларининг миқдори корхоналарда тузиладиган жамоа шартномасида белгиланади. Жамоа шартномаси тариф битими асосида ишлаб чиқилади ва ходимлар аҳволининг шартнома шартларига нисбатан ёмонлашувини назарда тутмаслик лозим.

Тариф ставкаси – иш вақти бирлиги ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашнинг пул билан ифодаланган мутлақ миқдоридир. Биринчи разряд тариф ставкаси ва тариф ставкаси асосида шундан кейинги ҳар бир разряднинг тариф ставкаси ҳисоблаб чиқилади. Биринчи разряд тариф ставкаси корхонанинг жамоа шартномаси билан белгиланади ва бир томондан, унинг молиявий имкониятларига, иккинчи томондан, тармоқ битимида акс эттирилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига боғлиқ бўлади. Бунда у белгиланган энг кам иш ҳақи даражасидан кам бўлмаслиги лозим. Тариф ставкаси ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш даражасини белгилаш учун бошланғич миқдор ҳисобланади, бунда корхона меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакллари ва тизимлари қўлланилишини эътиборга олмайди.

Танланган вақт бирлигига қараб тариф ставкалари соатбай, кунбай ва ойлик маошлардан иборат бўлади. Энг кўп тарқалган соатбай тариф ставкалари бўлиб, улар асосида турли қўшимча ҳақлар ҳисоблаб чиқилади. Кундалик ва ойлик ставкалар соатбай ставкаларни иш сменасидаги соатлар сонига ва ой мобайнидаги ишланган ўртача ойлик соатлар сонига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Тариф-малака маълумотлари меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, улар ёрдамида иш разряди ва ишчининг разряди белгиланади. Уларда ҳар бир мутахассисликдаги ҳар бир разряд ишчиси назарий ва амалий жиҳатдан билиши лозим бўлган ахборот мавжуд бўлади. Мазкур маълумотномалар уч бўлимдан: «Ишларнинг таъриф-тавсифи», «Билиш керак» ва «Ишларга доир мисоллар» дан ташкил топади. Илгари, 1991 йил 1 январдан кучга кирган «Корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида» ги қонун жорий қилинишига қадар, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фойдаланиш учун мажбурий бўлган тариф-малака маълумотномалари ҳозирги вақтда тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, фақат улардан фойдаланувчи корхона учунгина меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Малака разряди ишчига, одатда, цех ёки корхона малака комиссияси томонидан берилади.

Мехнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш соҳасидаги анъанавий ёндашувлардан фойдаланувчи корхоналар ходимлар иш ҳақининг миқдорини белгилаш учун тариф сеткалари, тариф ставкалари ва тариф-малака маълумотномаларидан фойдаланадилар. Бундай корхоналарда бошқарув меҳнати ходимлари ҳисобланувчи хизматчилар учун штат-маош тизими татбиқ этилади. Унинг ўзига хос хусусияти штат жадвалининг тузилишидан иборат бўлиб, унда муайян корхонада мавжуд бўлган лавозимлар рўйхати, ҳар бир лавозим бўйича ходимлар сони ва маош миқдори кўрсатилади.

Корхонанинг аттестация (шаҳодат бериш) комиссияси лавозимларнинг малака маълумотномаларидан фойдаланиш асосида аттестация жараёнида хизматчиларга малака тоифаларини беради. Хизматчилар лавозимларининг малака маълумотномаси алоҳида тавсифлардан ташкил топади. Ҳар бир малака тавсифи уч бўлимдан иборат: «Лавозим вазибалари», «Билиш керак», «Малака талаблари».

Тариф-малака маълумотномаси сингари хизматчилар лавозимларининг малака маълумотномаси тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, корхоналар улардан ихтиёрий равишда фойдаланишлари, унинг бўлимларига тузатишлар ва ўзгаришлар киритишлари мумкин. Хизматчиларини аттестациядан ўтказиб туриш даврийлигини корхона раҳбариятининг ўзи белгилайди.

Маълумки, мустақилликка эришгандан сўнг меҳнатга ҳақ тўлаш борасида анчагина ўзгаришлар юз берди. 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб иш ҳақининг ставка ва маошлари янги тариф коэффицентлари асосида тўлана бошланди. Бундан мақсад меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиш, турли касб ва тоифадаги ходимларнинг иш ҳақларига муайян объектив нисбат белгилашдир. 1997 йилда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф ставкаси 0 дан 28 гача бўлган разряд даражалари қабул қилинди. Бу даражалар ўртасидаги тариф коэффицентларининг фарқи 1.00 дан 5.83 гачани ташкил этган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 мартдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг 0 дан 22 гача бўлган разряд (даража)лари қабул қилинди. Унга кўра разрядлар ўртасидаги фарқ 2-2,5 барабар кўпайди. Бошланғич разряднинг 550 сўм миқдори ягона тариф ставкасига асос қилиб олинди. Кўшимча ҳақ ва устамаларнинг амалдаги тизими, шунингдек, ходимлар иш ҳақига қўшиладиган район коэффицентлари сақлаб қолинди.

*1-жадвал*

*Ўзбекистонда 1996 йилда қўлланилган тариф сеткаси*

Меҳнатга ҳақ тўлаш разряди	Тариф коэффиценти	Меҳнатга ҳақ тўлаш разряди	Тариф коэффиценти
0	1.000	12	3.581
1	1.450	13	3.808
2	1.595	14	4.038
3	1.755	15	4.271
4	1.930	16	4.508
5	2.115	17	4.748

6	2.308	18	4.991
7	2.510	19	5.238
8	2.716	20	5.488
9	2.926	21	5.741
10	3.140	22	5.998
11	3.358		

Манба. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 июлдаги Фармони. «Халқ сўзи», 1996, 25 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 2 апрелдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ минимал иш ҳақининг миқдори 5440 сўм этиб тайинланди. Ҳозирги пайтда минимал иш ҳақининг миқдори 62920 сўм этиб тайинланган.

Кўпгина корхоналар ҳозирги вақтда анъанавий тариф тизими элементлари асосида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг янги, янада самаралироқ усулларини излаш йўлидан бормоқдалар. Бу ижобий ҳодиса бўлиб, корхоналарга ўзлари қараб чиқадиган масалаларни ҳал қилишда мустақиллик беришнинг натижасидир. Корхонада ишловчи барча ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш учун умумий тариф сеткасидан фойдаланиш анча кенг татбиқ этилмоқда. Одатда, ишчиларга бериладиган разрядлар сони аввалгидек, яъни 6-8 бўлиб қолмоқда. Сеткадаги разрядларнинг энг кўп миқдори ва уларга мос келувчи тариф коэффициенти муайян корхонада ихтиёрий равишда белгиланиши ва албатта, жамоа шартномасида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

### **Қисқача хулосалар**

Меҳнат – инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти; энг аввало табиат буюмларини ўзгартириб, эҳтиёжга мослаштиришни билдиради. Меҳнат кишилар ҳаётининг асосий шарти, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар меҳнатининг фойдалилиги, самарадорлиги, маҳсулдорлигини ошириш учун меҳнатни илмий ва амалий жиҳатдан ташкил этиш зарур.

Меҳнатни ташкил этиш, одатда, бир меҳнат жамоасида жонли меҳнатдан фойдаланиш тамойиллари, усуллари ва таклифини яхшилашни англатади. Шу билан бирга мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида бутун жамят миқёсида меҳнатни илмий ва амалий асосда ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнатни ташкил этишнинг энг муҳим унсурларидан бири – бу, меҳнатга ҳақ тўлашдир. Меҳнатга ҳақ тўлаш корхоналарда ходимларнинг меҳнатига белгиланган тариф тизими асосида амалга оширилади. Бу тизимнинг бош элементи тариф ставкасидир.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнатни ташкил этишнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни нимадан иборат?
1. Иш жойлари (ўринлари)ни ташкил этиш деганда нималарни тушунасиз?
2. Меҳнат унумдорлиги нима? Уни оширишнинг қандай йўллари бор?
3. Иш ҳақини ташкил этишнинг асосий вазифалари ва тамойиллари нималардан иборат?
4. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шакллари.

### Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.
3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
4. А. Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.
5. Белокрылова О.С., Михалкина Е.В. Экономика труда: конспект лекций. –Ростов н/Д: Феникс, 2002.-224с.
6. Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 2. – М.: «Альфа-Пресс», 2009. – 924 с.

## VIII МАВЗУ. МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### 8.1. Корхона маркетинг фаолиятининг мақсади ва вазифалари

Маркетинг хизмати – бу, корхона (фирма)нинг мустақил таркибий бўлинмаси. У бозорни ўрганиб, унга маҳсулотни ишлаб чиқаришни мослаш асосида корxonанинг ишлаб чиқариш – сотиш фаолиятини мақсадга қараб амалга оширади.

Маркетинг чора-тадбирлари йиғиндисининг вазифалари қуйидагилар:

- бозорнинг талабларини аниқлаш;
- имконияти бўлган харидорларга уларнинг талаблари бўйича маълумотлар бериш;
- талабларни қондира оладиган товар ва хизматлар тўғрисида ахборот бериш;
- товар ва хизматларни етказиб бериш.

Корхона маркетинг хизматининг фаолияти тўрта бир-бири билан боғлиқ куйидаги турта вазифадан иборат:

- рақобатбардош маҳсулотни яратиш жараёнини ташкил этиш;
- эгилувчан баҳолаш сиёсатини олиб бориш;
- самарали сотиш тизимини ташкил қилиш;
- бозордаги товарнинг силжитишни бошқариш.

Маркетинг вазифаларини ечиш умумий услуби маҳсулотни сотиш соҳасида корхонанинг мақсадга мослашган йўналишларини таъминлайди. Бу йўл-йўриқлар муҳим иқтисодий кўрсаткичлар асосида берилади: сотиш ҳажми, фойданинг миқдори, рентабеллик даражаси, корхонанинг бозор улуши ва бошқалар. Маркетинг сиёсати уларга эришиш учун ўрганиб киритилади. Унинг асосини маркетинг фаолиятининг мақсадлари ташкил этади.

Маркетинг мақсадлари ифодаланишини бозорда корхонанинг асосий бирламчиликларини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун бу жараёнда куйидаги саволларга жавоб топиш керак:

Бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларда қандай ўзгаришлар юз беради? Корхона қайси йўналиш бўйича ривожланиши керак?

Янги ҳолатга қандай ўтиш мумкин?

Бозорда юз берган ўзгаришларни аниқлашга корхонанинг маркетинг муҳити элементларининг тавсифи ёрдам беради. Уларга куйидагилар киради:

- I. - ички муҳит;
- II. - микромуҳит;
- III. - макромуҳит.

Ички муҳитнинг таркибий қисимлари куйидагилардан иборат:

Ишлаб чиқариш муҳити – ишлаб чиқариш тузилиши; ишлаб чиқариш технологияси; ишлаб чиқаришда кадрлар; хом ашё, материаллар, тўлдирув маҳсулотлари, ярим фабрикатлар; технологик ускуналар; ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари.

Бошқарув муҳити – бошқарувнинг тузилиши; бошқарувни функциялаш; бошқарув кадрлари; ахборот; бошқарув қарорлари, усуллари ва техник маблағлари.

. Фаолиятнинг иқтисодий натижалари.

Микромуҳитнинг элементлари куйидагилардир:

- таъминотчилар;
- воситачилар(савдо, транспорт, маркетинг, молия);
- рақобатчилар(параметрик, товар, маркали, истаклар);
- истеъмолчилар(шахсий, оммавий).

Макромуҳитга куйидагилар киради:

- сиёсий муҳит;
- демографик муҳит;
- илмий - техник муҳит;
- маданий муҳит;
- табиий муҳит.

Икинчи саволга жавоб корхонанинг яқин келажакка мосланган умумий мақсадларини белгилашдан бошланади. Шунинг учун бу борада айрим маълумотларга эга булиш керак:

- тараққиётнинг биринчилиги нимадан иборат ва корхона умумий ихтисосликда қайси фаолият турини эгаллайди?;

- корхона маркетингини қандай сотиш шартларига мослаштириш лозим(сотиш ҳажмлари, маҳсулотнинг турланиши, сотиб олиш шароитлари)?;

- маркетинг фаолияти қайси стратегия тури асосида қурилиши керак(бозорни тўйдириш, бозорнинг ривожини ва унинг ўзгаришлари, янги товарни яратиш, зараркунандалик)?.

Учинчи саволга жавоб беришида белгиланган мақсадларга етиш усуллари ва уларни олиб бориш жуда муҳимдир:

- товар ва баҳолаш сиёсати, маҳсулотни тақсимлаш каналларини ташкил этиш соҳасида маркетингнинг амалий йўналишлари ва усларини аниқлаш;
- сотишни рағбатлантириш маблағларини ишлатиш;
- маркетинг хизматининг сонли ва сифатли таркибини топиш;
- маркетинг хизматини таъминлаш ва ёрдам бериш тартибини белгилаш;
- ходмлар малакасини ошириш йўллари аниқлаш;
- маркетинг фаолиятининг назорат усуллари белгилаш.

## **8.2. Бозор шароитида изланишнинг асосий мазмуни**

Бозор шароитларини текширишнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

- бозор талаби текширувини ўтказиш учун керак бўладиган бошланғич ахборот;
- текширишда ишлатиладиган талабни баҳолаш усуллари аниқлаш;
- товар ва хизматларнинг бозор талаби ҳажмини, шу жумладан, жорий ва келажак талаби миқдорини ва таркибини белгилаш;
- товарларни бозорга чиқариш йўллари таърифлаш;
- товар ва хизматларни сотиш ҳажмларининг башорат баҳолари;
- товар маҳсулотини сотиш соҳасида, жумладан, нархлар даражасини, сотишга кўмаклашиш чораларини, сотишни ва тақсимлашни ташкил этиш соҳасида сиёсатни танлаш далилини келтириш;
- кафолатли таъмирлаш хизмати ташкил этишни таърифлаш;
- товар ва хизматларни сотиш даромадини баҳолаш.

Бозорнинг аҳволини ўрганиш мазмунан икки томондан таҳлил қилинади:

- бозорнинг ҳажми, баҳолаш таркиби, товарнинг матлубот хусусиятлари, шерик фирмаларнинг хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятида иш олиб бориш ва иш юритиш усуллари хосиятлари, сотиш йўллари, сотишни рағбатлантиришнинг шакллари ва усуллари, тижорат иши ва бошқалар;
- корхонанинг ишлаб чиқариш – сотиш имкониятлари (ҳажми, товар ассортименти, ишлаб чиқариш қувватлари, моддий ресурслар



билан моддий-техник таъминлашни ташкил этиш таркиби), молия имкониятлари ва бошқалар.

Комплекс текшириш ўтказишнинг биринчи босқичида ўтган давр ёки келажак (ой, чорак, йил)да ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва товар айланиши соҳасидаги жорий ва қисқа муддатли ишларнинг аҳолини таърифлаш туради. У товар бозори ҳолатини тавсифлайдиган ҳар хил иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси интилишини аниқлашида ўз ифодасини топади.

Бозор талаби ҳажми – бу, мамлакатнинг муайян минтақасидаги харидорлар аниқ вақтда оладиган товар ва хизматларнинг умумий ҳажмидир.

Бозор талаби миқдори – бу, аниқ ерда, замонда сотилган товар (хизмат)ларнинг ҳажмидир.

Товар буюмлар илмий текширилишини ташкил этишга қуйидагилар киради:

- товарни танлаш;
- истеъмолчилар, савдо корхоналар ва ишлаб чиқарувчиларнинг туркумини маълум қилиш;
- бозорнинг аниқ тармоқларини танлаши;
- сўроқнинг миқёсини ва таркибини оралатиб аниқлаши;
- ҳисобчиларни танлаш ва тайёрлаш;
- маълумотларни сўров асосида олиш, тўплаш ва таҳлил қилишни ташкил этиш.

Ҳолатига қараб товар бозорининг конъюктурасига, одатда, оширма, юқори, пасайтма ва паст конъюктура атамалари берилади.

Оширма конъюктурада товарнинг талаби таклифдан ошиб боради, нархлар ўсади ва тузилган битимлар сони кўпаяди.

Юқори конъюктурага баланд баҳоларнинг барқарорлиги, сотувчи ва харидорларнинг юқори фаоллиги хосдир.

Пасайтма конъюктурага товарнинг йиғилиб қолиши, баҳолар пасайиши ва битимлар сонини қисқарилиши хосдир.

Паст конъюктура – бу, паст нархлар, харидорларнинг фаоллиги, яъни «харидорнинг бозори»дир.

Бозор конъюктурасини ўрганишида қуйидаги ҳаракатларни олиб бориши керак:

- ўрганиш объекти аниқланади (миллий, минтақавий, жаҳон бозорлари);
- товар ёки хизмат бозори конъюктурасини таърифлайдиган асосий кўрсаткичлар танланади;
- зарур конъюктура ахборот манбаларининг доираси белгиланади;
- маълумотларни йиғиш, текшириш, тузатиш, тартибга солиш ва ишлаб чиқиш тадбирлари ўтказилади;
- талаб ва таклиф шаклланишининг қонуният ва интилишини аниқлаш учун маълумотлар таҳлил қилинади;
- товар ва хизмат талаб ва таклифи ривожланишининг конъюктуравий башорати ишлаб чиқилади ва баҳоларнинг ўзгариш эҳтимоллари кўрилади;
- товарлар ишлаб чиқарилиши, уларнинг ҳажми ва баҳоси ҳал этилади;
- битимлар тузиладиган жойи ва вақти ҳал этилади.

### 8.3. Талаб ва таклифни башоратлаш усуллари

Жорий ва истиқболдаги талаб ва таклифни ўрганиш жараёнида асосий муаммо кўплаб қарама - қарши ахборотларни тўғри умумлаштириб, тўғри хулосалар чиқаришдир. Бу бир қатор аналитик усуллар пайдо бўлишига олиб келади. Уларга қуйидагилар киради:

1. интилиш (экстрополяция) усули;
2. меъёрий (норматив) усуллар;
3. истеъмол миқдори усули (жумладан, даромад ва баҳолар талабининг эластиклиги);
4. истеъмол коэффициентини охирги ишлатиш усули;
5. иқтисодий-математик усуллар;
6. бошқарувчи кўрсаткич усули;
7. оралатиб аниқлаш усули;
8. анкета сўровлари ва бошқалар.

Интилиш усули ўтган давр ахборотларини экстраполяциялаш ва интилишнинг параметрларини аниқлашга асосланади (арифметик, регрессив ва бошқа усуллар).

Истеъмол миқдори усули маълум стандарт коэффициентларга асосланади ва аниқ маҳсулотни бевосита истеъмол қилиш фурсатида ишатилади. Масалан, автомобилларга талаб даражаси аниқ даромад бўйича гуруҳларда, фирма ё давлат мулкчилигида автомобилларнинг миқдорини аниқлаш йўли билан ифодаланади. Талабнинг умумий ҳажмидан автомобилларнинг ҳақиқий миқдори айрилса, қўшимча талаб аниқланади. Бу усул даромад ва баҳолардан келиб чиққан ҳолда талабнинг эластиклигини аниқлашга имкон беради.

Охирги ишлатиш ёки истеъмол қилиш коэффициенти аниқ товарни истеъмол қилиш (кўпинча бошқа бизнес соҳаларида) эҳтимол вариантлар ва тегишли коэффициентларни аниқлашда ишатилади. Тегишли бизнес соҳаларининг тараққиёт режалари асосида аниқ товарга бўлган эҳтиёжни белгилаш мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқариш ҳажмини аниқ маҳсулотнинг тегишли истеъмол коэффициентига кўпайтириш керак.

Бошқарувчи кўрсаткич усули бир товар истеъмоли бошқа товар истеъмоли билан вақтли ёки миқдорли боғлиқликни ифодаловчи аниқ қонуният бўлганда ишатилади. Масалан, агар электромаҳсулотларнинг талаби офислар учун тураржойлар эксплуатациясига кириш миқдори ва вақтидан кам бўлса, талаб миқдори ва унинг пайдо бўлиш вақти фуқаролик қурилишининг режалари аниқ бўлгандагина топилади.

Узоқ муддатда ишлатиладиган товарларнинг талабини прогнозлашда меъёрий усулини ишлатиш керак. Унда барча кўрсаткичлар ишлатилади: мавжуд ишлатиш парки, бошланғич ва қайтарув талаби, товар эскиришининг ўрта муддати.

Бозорда харидорлар эҳтиёжини аниқлашнинг иккинчи босқичида янги товарлар тури ва пайдо бўлиш вақтини белгилаш, шаклланаётган талабнинг табиатига уларнинг таъсири туради.

Халқаро амалиётда «янги маҳсулот» деганда шакл, мазмун ёки маҳсулот ўрами (упаковкаи) ва истеъмолчи учун муҳим бўлган бошқа жаҳатларнинг ўзгариши назарда тутилади.

Янги маҳсулот билан боғлиқ муаммони ўрганишда бир неча масалаларни, чунончи, биринчидан, бозор улушининг пасайиши, иккинчидан, маҳсулотни бозорга чиқариш вақтини белгилаш масалаларини кўриб чиқиш керак.

Биринчи масалани ечиш жараёнида янги маҳсулот ишлаб чиқаришда унга нисбатан хавфни камайтириш масаласи туради. Чунки, биринчидан, янги маҳсулотга талаб бўлмаслиги, иккинчидан, харидорнинг нуқтаи назаридан баҳоси жуда юқори бўлиши мумкин. Шу боис компания янги маҳсулот билан бозорга чиқадиган компания хавф камайиши учун қуйидаги учта шартни эътиборга олиши лозим:

1. Компаниянинг тавсифномаси – ишлаб чиқариш, сотиш ва товар бозорини ўрганиш масалалари бўйича юқори билимлар, мослик, тажриба.
2. Маҳсулот муваффақиятли сотилишини таъминловчи омиллар – унинг хусусиятлари, айниқса, харидорларнинг барчасига кадрлиги (талабчанлиги).
3. Бозор ҳажми ва хусусияти – бозорнинг кенгайиши унинг ривожланишига асос солади; потенциал харидорлар кўп, лекин улар бирор аниқ товарни афзал кўришмайди. Шунинг учун уларни янги маҳсулотни сотиб олишга жалб этиш осон эмас.

Иккинчи масаланинг ечими ҳам хавфни камайтириш билан боғлиқ бўлиб, янги маҳсулотнинг яшаш циклини белгилаш орқали асосланади.

Маҳсулотнинг яшаш цикли қуйидаги тўртта босқичдан иборат:

1. жорий қилиш;
2. ўсиш;
3. етуклик;
4. пасайиш.

Яшаш цикли маркетинг фаолияти билан узвий боғлиқ: сотишнинг бир босқичида рекламага, нусхалар юборилишига, маҳсулотни сотиш пайтида купонлар ишлатилишига, бошқа босқичида эса, – баҳонинг пасайишига, ўрам (упаковка) ўзгаришига эътибор берилиши мумкин. Шу сабабли маҳсулотнинг яшаш циклини ўрганишда уч тур муаммони ечишга йўл қўйлади:

1. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мавжуд бозори кенгайиши ва у потенциал бозорларни эгаллаши учун нима қилиш керак?
2. Бу бозорларга янги маҳсулотни киритиш учун қандай ташаббус керак?
3. Янги маҳсулотларни яратиш учун нимани амалга ошириш керак?

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, товарнинг яшаш циклига оид муаммолар ечими узок муддатли режалаштириш билан боғлиқ, унинг бирор босқичи оқибатлари эса жорий режалаштиришда ҳисобга олиниши зарур.

#### **8.4. Корхонанинг баҳолаш сиёсати**

Маркетинг фаолиятининг энг мураккаб ва қийин шаклландиган элементларидан бири – бу, товарлар асортимент гуруҳлари бўйича корxonанинг баҳолаш сиёсатини тузиш ва амалга оширишдир.

Аниқ товарнинг баҳосини, миқдорини ва динамикасини ҳал этишида хавф даражасини камайтиришни таъминлайдиган маркетинг усуллари мавжуд.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- баҳолар ўзгариши бўйича тажрибани доимий равишда умулаштириб бориш;
- баҳолар динамикасига талаб эластиклигининг таъсирини таҳлил этиш;
- рақобатчилар баҳолаш сиёсатининг ўзлараро таъсирини ҳисобга олиш;
- истеъмолчилар даромадларининг ва баҳолар ўзгаришининг динамикаси;
- баҳолар динамикасини назорат қилиш.

Баҳоларнинг динамикаси танланган баҳолаш стратегияси билан аниқланади. У кўплаб корxonалар бозор шароитларида интилаётган мақсадлар сифатида шаклланади:

1. узоқ вақт жараёнида фойдани максималлаштириш;
2. қисқа, чегараланган вақт жараёнида фойдани максималлаштириш;
3. ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши;
4. бозорни барқарорлаштириш;
5. истеъмолчиларнинг баҳоларга таъсирчанлигини камайтириш;
6. баҳоларда етакчиликни қувватлаш;
7. янгиларни «эсанкиратмоқ»;
8. паст фойда, меъёрий баҳога эга бўлган рақобатчилар билан кураш;
9. ўртастатик харидор учун қулай шароитлар тузиш;
10. тақдим этилган товарга харидорларнинг қизиқишини рағбатлантириш.

Қўйилган масала тўлароқ ечилиши баҳолаш муаммоларини келтириб чиқарган ноқулай бозор вазиятлари ўрганилиши учун имкон яратади. Шунинг учун жиддий иқтисодий йўқотишларга сабабчи бўлган аниқ бозор вазиятлари ва ҳоллари ўрганилади ва умумлаштирилади: сотиш, фойда, бозордаги улуши ҳажмининг камайиши ва бошқалар.

Арзон сотиш тажрибасини ўрганиш истеъмолчиларнинг баҳога сезгирлиги тўғрисида муҳим ахборот беради. Маҳсулот арзонлашишининг таркиби, ҳажми ва уни ўтказиш шартларига доимо эътибор берилиши керак. Кўпинча баҳони арзонлаштиришда қуйидаги йўллардан фойдаланилади:

- олинган товарлар сонига арзонлаштириш (улгуржи арзонлашиш);
- товарларнинг ишлаб чиқариш таннархини, омборга тахлаш, ташиш, сотиш ҳаражатларини тежаш ҳисобига арзонлаштириш;
- бонус арзонлаштиришлар, бунда корxonадан олинадиган солиқ харидорлар ҳисобидан қопланади. Бонус арзонлаштиришлар 5-10 % миқдорда ўзгариб туради;
- шахсий арзонлаштиришлар корxonага керак бўлган маҳсус харидорлар учун қўлланилади;
- мавсумий арзонлаштиришлар оммавий ишлаб чиқариш маҳсулотига талабни рағбатлантириш ёки қувватлаш мақсадида ишлатилади;
- мажбурий арзонлаштиришлар корxonанинг зарарларини камайтириш учун қўлланилади. Масалан, товарларни омборда сақлаш ҳисобидан.

Ҳаражат усули билан ҳисобланган баҳони аниқлаш учун ташқи омилларнинг баҳолар динамикасига таъсирини кўриб чиқиш зарур. Шунинг учун сотилаётган маҳсулотлар нархлари ўзгаришига истеъмолчилар сезгирлигининг таҳлили ўтказилади.

Эластик талаб шароитида корхона (рақобатчи)нинг савдодан тушган маблағини кўпайтиришга фақат баҳолар пасайиши ёки талаб эластиклигини камайтиришга олиб келадиган маҳсулотни янгилаш ҳисобидан эришиш мумкин. Бу сотилаётган маҳсулотларни эластик талаб шароитида баҳолаш сиёсати тузилишининг асоси бўлади.

Ноэластик талаб шароитида корхона маҳсулотлари баҳоларини кўтариши керак. Чунки фақат шу чора сотишдан тушган умумий фойда кўпайишига имкон беради.

Кўпинча маҳсулотни сотиш баҳолари ўзгаришига рақобатчиларнинг ҳаракати асос бўлади. Корхона маҳсулотни сотишга рақобатчилар баҳолаш сиёсати таъсир миқдорини аниқлаш учун талаб эластиклиги коэффицентини ҳисоблаш лозим. У бир рақобатчи молининг сотиш нархи ўзгарганда бошқа рақобатчи товарига талаб ҳажмининг ўзгариш даражасини тавсифлайди.

Истеъмолчилар даромадларининг динамикаси талабга кучли таъсир этади. Кўпинча, бошқа тенг шароитларда маҳсулотни сотиш баҳолари ва ҳажмларини фақат истеъмолчиларнинг даромадлари белгилайди. Сотиш ҳажмининг истеъмолчилар даромадлари динамикасидан таъсирланишини баҳолаш учун даромадлар бўйича талабнинг эластиклиги коэффиценти ишлатилади.

Бу кўрсаткичнинг салбий маъноси шундаки, у маҳсулотнинг паст сифати тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди, чунки даромадлар кўпайганда харидор уни истеъмол қилиш ҳажмини камайтиради. Бу кўрсаткичнинг ҳар хил товарлар гуруҳлари маъноларини ўрганиши истеъмолчилар даромади ўзгариши билан боғлиқ ассортиментнинг келажакдаги силжитишларини белгилашга имкон беради ва шу асосда баҳолар динамикаси йўналишларини ва хусусиятини олдиндан кўришга шароит яратади.

Кўриб чиқилган усуллар баҳолар ҳақиқий динамикасининг доимий назорати зарурлигини эътибордан соқит қилмайди. Баҳолашда замонавий, адекват хулоса қилиш учун корхона маҳсулотининг сотилиши ва унинг асосий рақобатчилари тўғрисида аниқ ва тўғри ахборотга эга бўлиш керак.

Баҳоларни назорат қилиш учун қуйидаги маълумотлар зарур:

1. Сотиш ҳажмининг динамикаси (табiiй ва қиймат миқдорида):
  - ўтган йилга нисбатан;
  - бозорнинг ҳар хил сегментлари ва тақсимлаш воситаларига нисбатан.
2. Рақобатчилар ҳар хил гуруҳдаги товарлари нархларининг ўзгариши.
  - Арзон нархларда сотишнинг ҳажми:
    - умумий сотишга нисбатан фоизи;
    - тўла баҳода сотишга нисбатан фоизи.
3. Баҳолар пасайишидан энг кўп фойда топган истеъмолчиларнинг сегменти.
4. Маркетингга ҳаражатлар динамикаси.
5. Сотиладиган товарлар тўғрисида потенциал харидорларнинг фикрлари;

6. Тақдим этилган нархга норозилик:
  1. истеъмолчиларнинг норозилиги;
  2. савдо ходимларининг норозилиги.
7. Рақобатчи – корхона ва унинг баҳоларига нисбатан истеъмолчилар нуқтаи назарининг ўзгариши.
8. Ўтган даврга қараганда йўқотилган истеъмолчилар сони.

Баҳолар тўғрисидаги ахборотларни ўрганиш ва уларни доимий назорат қилиб бориш корхонада баҳолаш сиёсатининг самарадорлигини юқори даражага кўтаришга имконият яратиб беради.

### **Қисқача хулосалар**

Корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тизимида унинг бозор имкониятларини ўрганишга ва баҳолашга қаратилган маркетинг, илмий ишлари муҳим бўғинлардан биридир. Бозорни илмий ўрганиш жараёнида олинган маълумотлар узок муддатли стратегия ва жорий сиёсат амалга оширилишида корхонанинг моддий, молия, меҳнат ресурсларига эҳтиёжларини белгилаш ёрдам беради.

Маркетинг ишларини ташкил этишда бозор турларини, конъюктурасини, шароитларини ўрганиш талаб ва таклифнинг оптимал нисбатини, фирма ва рақобатчиларнинг маълум бир мол бўйича бозордаги ўрнини, фойда келтирувчи ва яхши сотиладиган товарларни аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Корхонанинг баҳолаш стратегиясини ўрганиши ҳам муҳимдир. Охириги нархни белгилаш рақобатчилар нархларини таҳлил қилишда, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини баҳолашда асосланади.

Талабни башорат қилиш ҳар хил усуллар билан олиб борилади. Улар корхонанинг ривожланиш йўлларини аниқлашга имкон беради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Маркетинг моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?
2. Маркетинг фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларичи?
3. Микро ва макромухит элементларига нима киради?
4. Маркетинг фаолиятининг мақсадларига қандай усуллар орқали эришиш мумкин?
5. Бозор шароитларини илмий ўрганишнинг мазмуни ва усулларини баён этинг.
6. Корхонанинг баҳолаш стратегияси деганда нима тушунилади?

### **Асосий адабиётлар**

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган

- Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.
  3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
  4. Армстронг, Гари, Вонг, Вероника, Котлер, Филип, Сондерс, Джон. Основы маркетинга, 4-е европейское издание.: Пер англ.- М.: «И.Д. Вильямс», 2008.-1200 с.
  5. Белоусова С.Н. Маркетинг: учеб. пособ. – изд. 5-е. Ростов н/Д; Феникс, 2009. – 314 с.
  6. Бронникова Т.С. Маркетинг: теория, методика, практика: учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2009. – 208 с.
  7. Герасименко В.В. Управление ценовой политикой компании: учебник / В.В.Герасименко.- М.: Эксмо, 2009.- 688 с.
  8. Данченко Л.А. Маркетинговое ценообразование: политика, методы, практика . – М.: Эксмо, 2008. – 464 с.
  9. Котлер Филипп. Основы маркетинга. Краткий курс.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2008. – 656 с.
  10. Липпис И. В. Ценообразование: учеб. -4-е изд. /перераб.и доп. – М.:Магистр, 2008.-527 с.

## **IX МАВЗУ. КОРХОНА СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

### **9.1. Корхона имкониятлари, ресурслари ва стратегиясининг моҳияти**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ишлаб чиқарувчи бозорга ўз маҳсулоти билан мустақил чиқади. Ўз маҳсулотини бозорда сотиш шароитларни яхшироқ яратган корхона бошқа шунга ўхшаш товарни ишлаб чиқарувчиларга нисбатан яхшироқ ҳолатда бўлади. Бу ҳолисона талабига кўра, ҳар бир корхона ўз тараққиёт йўлини бозор талабига мувофиқ тузиш ва ишлаши керак. Ҳар бир корхонада ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги айти шунда ўз ифодасини топади.

Стратегия мақсадларни шакллантириш тамойилларидан ва уларга эришишнинг мувофиқ сиёсатидан иборат бўлади.

Стратегияни амалга ошириш корхонанинг иқтисодий қуввати доимий кучайишини, ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаши керак.

Корхона ресурсларига ва имкониятларига қуйидагилар киради:

– Ходимларнинг удаллаши, билими ва касб тажрибаси. Бу ҳолда улар истеъмолчиларнинг талабларини идрок қилиш ва ҳақиқатда гавдалантириб кўрсатиш қобилияти нуктаи назаридан баҳоланади.

– Моддий ресурслар корхоналар жойлашган ердан ишлаб чиқариш ва умумий бинолар, асбоб-ускуналар, электр таъминот манбалари (хусусий ёки сотиб олинган), иссиқлик, сув, ишлаб чиқариш чикитларини йўқотиш имкониятлари ва бошқалардан иборат. Ҳаммаси бу ҳолда уларнинг техник ҳолати, мулкӣ шакли (ижара, акционер, хусусий ва бошқалар) нуктаи назаридан кўриб чиқилади.

– Технологик ва ташкилий ресурслар – илғор технологияларни, патент ва лицензияларни, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил қилиш тараққийпарвар шакллариининг мавжудлиги.

– Ахборот ресурслари– ахборотни олиш имкониятнинг мавжудлиги.

– Молиявий ресурслар корхонанинг балансидаги ликвид активлардан ва қарз олиш имкониятидан иборат.

– Маркетинг ресурслар – тартибга солинган сотув ва таъминот тармоғининг мавжудлиги, тижорат ишларини олиб бориш бўйича ходимлар (персонал)нинг ихтисослашган билимлари ва тажрибаси.

– Ташкилий ресурслар – ишлаб чиқариш ташкилий тузилмасини доимо такомиллаштириш имконияти, қобилияти ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш омилларининг танқислиги ва қимматлиги уларни қандай ишлатишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун корхона ишлаётган муҳитни билиш лозим.

### **9.2. Фирмаларни ривожлантиришнинг асосий омиллари**



Фирмани дастурини, стратегик мақсадларини ва унинг ривожланиш масалаларини тузишдан олдин, фирма шакланган бозор тизимида ишлашни назарга олиш керак, шунинг учун корхона ўз фаолиятига таъсир қиладиган омилларни баҳолаши лозим.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги ташқи муҳитни тўғри баҳолаш билан боғланган фирма унга дарҳол таъсир этади. Ташқи омилларга жуда кўп сонли ва қуйидаги омиллар киради: давлатда бизнес ривожланишининг умумий сиёсий ва иқтисодий шароитлари, қонунлар, аҳоли даромадларининг даражаси, унинг демографик тузилиши, қарздор корхоналарнинг молиявий аҳволи, фан ва техника тараққиёти, молия, кредит ва солиқ сиёсати, инфляция ва бошқалар.

Бунда рақобат муҳити ва шундай ёки шунга ўхшаш товар ва хизматларга туғилган талаб даражаси ҳақидаги ахборот ҳам аҳамиятлидир.

Рақобат ва рақобатчилар ҳақида тасаввур муҳим омиллардан биридир.

Кўпгина давлатлар компанияларининг тажрибаси кўрсатадики, тармоқ ичидаги бозор рақобатининг доимий жадаллиги амалдаги 5 та асосий омилга боғлиқ: ушбу бозорга янги ишлаб чиқарувчилар кириб келиши ёки чиқилишининг эҳтимоллиги, бир товар ўрнига иккинчисини қўйишнинг хавф-хатари, истеъмолчининг харидорлилик қобилияти, мол билан таъминловчиларнинг қарзни тўлай олиши ва бозор қатнашчилари орасидаги рақиблиги.

Рақобатчиларнинг имкониятлари уларнинг кучли ва бўш томонларини аниқлаш нуқтаи назардан қаралади.

Ҳар бир йўл янги имкониятларни яратади.

Қиқартириш стратегиясини фирмалар камдан-кам ҳолатларда танлашади. Бунда мақсадлар аввалгидан пастроқ даражада белгиланади. Қисқартириш стратегияси агар ёмонлашишга кучли интилиш пайдо бўлиб, ҳеч қайси чоралар уни ўзгартира олмаган ҳолларда ишлатилади.

Мураккаб стратегия – бу барча айтилган стратегиялар бирикмасидир. Бундай стратегияга, одатда, бир неча соҳаларда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар риоя қиладди. Булардан ташқари барқарорлик ва соғломлаштириш стратегиялари ҳам мавжуд.

Ҳар бир стратегия зарур ҳисобланади. Ўз навбатида, улар ҳар хил муқобил вариантларга эга.

Шундай қилиб, ўсиш стратегияси қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

– ҳаракатларни кучайтириш (янги бозорга кириш, бозорнинг ривожланиши, географик экспансия);

– сингдириш ва олиш ҳисобидан диверсификациялаш;

– фирмалараро ҳамкорлик ва кооперация;

– ташқи иқтисодий фаолият.

Барқарорлик стратегияси:

– тежаш;

– стратегик силжишларни назарда тутати.

Соғломлаштириш стратегияси:

– бошқариш тизимини қайта қуриш;

- молиявий қайта қуриш;
- маркетингни қайта қуришдан иборат.

Асосий стратегиялар умумий стратегиянинг вариантлари бўлиб, уларда товарнинг яшаш цикли тегишли босқичлари, талаб ва технологиялари билан таққосланади.

Шундай қилиб, стратегияни тузиш жараёнини 4 та босқичга бўлса бўлади:

- Айрим омиллар бўйича корхонанинг стратегик ўрнини аниқлаш (соҳа ва корхонанинг соҳадаги аниқ ўрни таҳлили).
- Ички ва ташқи омиллари бир-бирига умумий таъсир қилишининг умумлаштирилган баҳоси (корхона ҳолатининг таҳлили).
- Стратегик имкониятларни аниқлаш.
- Вужудга келган ҳолат ва корхонанинг вазифасига мос стратегияни ишлаб чиқиш.

Соҳанинг рақобат таҳлили қуйидагиларни назарда тутди:

- соҳанинг ихтисосини аниқлаш;
- соҳа тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучлари;
- рақобат кучларини баҳолаш;
- соҳадаги рақиб бўлган корхоналар рақобат вазиятларининг баҳоланиши;
- энг яқин рақобатчилар ҳаракатларининг баҳоланиши;
- муваффақиятнинг асосий омиллари белгиланиши;
- соҳа тараққиётининг истиқболлари.

Корхона аҳволининг таҳлилига қуйидагилар киритилади:

- Бугунги стратегиянинг баҳоланиши.

Умумий кўрсаткичлар:

- бозор улушининг кўпайиши ёки камайиши;
- рентабелликнинг ўзгариши;
- соф фойда ҳажмининг динамикаси;
- капитал харажатларнинг ўрнини қоплаш;
- корхонанинг сотиш ва умуман, бозор ўсишининг тезлик даражаларини солиштириш.

Корхонанинг ички кучли ва кучсиз томонлари бўйича вазиятлар ва хавфлар.

Корхонанинг кучли томонларини белгиловчи жиҳатлатларга унинг афзаллигини, юқори обрўни, рақобат курашидаги тажрибани, молиявий ресурсларни, илғор технологияларни, яхши рекламани, кучли бошқарув тизимини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Кучсиз томонларга аниқ стратегиянинг йўқлиги, эскирган асбоб-ускуналар, мутахассислар малакаси ва тажрибасининг қоникарсизлиги, сифатсизлик, чегараланган ассортимент, молиявий ресурсларнинг йўқлиги ва бошқалар кирди.

Вазиятлар – янги бозорларга чиқиш, харидорларнинг қўшимча гуруҳлари, тегишли маҳсулотларни сотиш, рақобатчилар вазиятларини сусайтириш ва бошқалардир.

Хавфлар – кучли компанияларнинг соҳага босиб кириши, бозорнинг ўсиш даражаси пасайиши, ўрнини босувчи товарларни сотувлар ва ташқи савдо товарларининг кўпайиши, давлат томонидан тартибга солишнинг қаттиқлиги ва бошқалар.

Корхонанинг ҳаражатларининг таҳлили.

Ўзи ва рақобатчилар ҳаражатларининг таркибини солиштириш ўз ҳаражатларини мувофиқлаштиришнинг зарур босқичларини аниқлаш ва уларни корхонанинг стратегиясига киритишга имкон беради.

Корхонанинг рақобатбардошлигини аниқлаш.

Корхонани умумий баҳолаш ҳар бир рақобатчини рейтинг баҳолаш билан қўшиб олиб борилади. Рақобатчиларни устунлиги белгиланган вазиятларда шу устунликлардан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларга барҳам берувчи тадбир-чораларни ишлаб чиқиш.

Корхонанинг стратегик муаммоларини аниқлаш.

Бугунги стратегияни ўзгаришлар билан амалга ошириш ёки уни қайта қуриб чиқиш корхона томонидан таҳлил асосида ҳал қилинади.

Олдиндан ўтказилган таҳлил натижалари асосида аниқ бир стратегияни танлаш муайян тизимда шаклланиши лозим: ҳамма тадбирлар узок муддатли мақсад учун ишлаши ва функционал бўлинмалар нуқтаи назаридан бир-бири билан боғланиб, тўлдирилиб туриши керак. Ҳар бир стратегия муваффақияти асосида рақобат усулларини яратиш ва улардан фойдаланиш туриши лозим.

### **9.3. Корхонада рақобат стратегиясини ташкил этиш**

“Рақобат” хўжалик юритишнинг манфаатли шароитлари ва максимал фойда олиш учун товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги курашдир. Рақобат иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб ҳисобланади. Рақобат бозор хўжалигининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айнан рақобат шахснинг ижод соҳасидаги эркинлигини таъминлайди. Иқтисодиёт соҳасида эса янги рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўли билан ўз салоҳияти ва имкониятларини амалга ошириш учун шароитлар яратади.

Саноат ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш ва келажакда ҳам уни юқори даражада сақлаб қолиш учун бир қатор чора-тадбирлар, жумладан инвестицияларни анъанавий ва технологик инфратузилмага йўналтириши, хусусий жамғарма ва ички инвестицияларни рағбатлантириши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан экспортга йўналтирилган сиёсат олиб бориши, бошқарув сифатини яхшилаш чора-тадбирларини кўриши, иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги ва солиқларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаши, минимал ва максимал иш ҳақи ўртасидаги фарқларни камайтириши, таълим соҳасига йирик инвестицияларни йўналтириши зарур бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш тараққиёт омили эканлигидан келиб чиқиб, республикада саноат сиёсати амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда нисбий устунликка эса бўлган ёки бўлиши

мумкин бўлган тармоқларни рағбатлантириш ушбу сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган саноат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- давлат улушини мамлакат ва хориж инвесторларига сотиш йўли билан самарасиз саноат корхоналарини таркибий қайта қуриш;

- монополист корхоналар ва табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ҳамда рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги электротехника, электроника, автомобильсозлик, самолиётсозлик каби илм талаб қиладиган илғор тармоқларни янги техника ва технология асосида ривожлантириш халқ хўжалиги мажмуасини тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши бўлди.

Кимё ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар ҳам таркибий қайта қуришнинг муҳим йўналиши сифатида амалга оширилди. Унинг ривожини, энг аввало, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишга, яъни бу соҳани минерал ўғитлар экинларни ҳимоялаш воситалари билан таъминлашга қаратилди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқларини ривожлантириш яна бир устивор йўналиши сифатида белгиланди. Шунини таъкидлаш керакки, республикада амалга оширилаётган қайта ишлаш тармоқлари корхоналарини техник жиҳатдан қайта қурулантириш жараёнлари, енгил ва озиқ-овқат саноатининг барпо этилаётганлиги қишлоқ хўжалиги хом ашёсини муҳим турлари: пахта, ипак, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ҳамда сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Ўзбекистонда арзон ишчи кучини мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирда пахта толасининг 30-50 фоизини республикада қайта ишланмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012-йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик

---

<sup>5</sup> Убайдуллаева Р.А. Человеческий фактор - важнейшее условие конкурентоспособности национальной экономики. «Миллий иқтисодиётнинг раобатбардошлигини ошириш муаммолари». Илм-назарий конф. материаллари. – Тошкент, Берлин-Бонн. 2008. 22-б.

давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсиясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислох этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чоратадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016-йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий 2012-йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси, Дехқонобод калийли ўғитлар ва Ўўнғирот сода заводларининг иккинчи навбатини, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади.

Шунингдек, Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ қурилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида янги энергоблок қуриш, автомобил шиналари ва транспортёр тасмаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тўқимачилик корхоналари қувватларини янада кенгайтириш ва бутун технологик жараённи такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

## **Қисқача хулосалар**

Бозор шароитида ҳар бир корхона ўз фаолияти самарадорлигини максимал даражада ошира оладиган стратегияни танлайди.

Стратегия – бу, ҳаракатларни йўналтиришни, ресурсларни тақсимлашни ва узок муддатли асосий мақсад ва вазифаларни белгилашдир.

Стратегия корхонага муайянлик ва мақсадни беради. Корхонанинг асосий стратегияларига ўсиш, мустаҳкамлаш, соғломлаштириш, мураккаблаш, қисқартириш ва бошқалар киради.

Стратегик муқобилликни ўрганиш корхонанинг умумий функциялари, аниқ вазифалари ва унда тегишли чораларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Рақобат иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб ҳисобланади. Рақобат бозор ҳўжалигининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айнан рақобат шахснинг ижод соҳасидаги эркинлигини таъминлайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Бозор шароитида корхона стратегиясини ўрни қандай бўлиши керак?
2. Корхона ресурсларига нималар киради?
3. Ички ва ташқи омилларининг мазмуни нималардан иборат?
4. Корхона тараққиёт стратегияларининг қандай турлари бор?
5. Стратегия шаклланишининг қандай босқичлари мавжуд?
6. Асосий рақобат стратегияси турларини баён этинг.

### **Асосий адабиётлар**

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.
3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
4. Клейнер Г. Б. Стратегия предприятия. - М.: Изд-во «Дело» АНХ, 2008.- 568 с.
5. Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов/ Пер. с англ.- 3-е изд.-М.: Альпина Бизнес Букс, 2009.-453 с.
6. Фатхутдинов Р.А. Стратегическая конкурентоспособность: Учебник. – М.: «Экономика», 2005. – 504 с.

7. Хруцкий В.Е., Гамаюнов В.В. Внутрифирменное бюджетирование: Настольная книга по постановке финансового планирования. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: финансы и статистика, 2009. – 464 с.
8. Шкардун В.Д. Маркетинговые основы стратегического планирования: Теория, методология, практика: Монография. –М.: Дело, 2009.-376с.

## **X МАВЗУ. КОРХОНАДА ДИСПЕТЧЕРЛИК ВА ТЕЗКОР ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **10.1. Ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришнинг мазмуни ва моҳияти**

Ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш ҳақиқий шаклланаётган ёки шаклланган ишлаб чиқариш вазиятида бошқарув ходимларининг бир қарорга келишини ифодалайди. Кенг маънода тезкор бошқаришга календар-режалаштириш, қисқа муддатли ва тезкор режалар жараёнини ташкил этиш ва диспетчерлик киради.

Тор маънода эса, бу – ишлар ва ресурсларнинг тақсимланиши, технологик жараёнларга керакли тузатишларни киритиш, захиралардан усталик билан фойдаланиш, жорий вазифалар бажарилишининг сифатини ва вақтини назорат қилишидир.

Тезкор бошқаришга ва режалаштиришга қуйидагилар киради:

○ қисқа муддатга мўлжалланган режали вазифаларни ишлаб чиқиш (ойлик, декадалик, хафталик режалар), смена-суткали вазифаларни (ишлаб чиқариш жойларида – деталл ва узел кесмаларида, иш жойларда – деталл ва операция кўринишида);

○ бошқарув ходимлари ишлаб чиқариш вазиятига кундалик анализи ва эга бўлиши;

○ ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини тезкор ҳисоб ва назорат қилиш;

○ ўз вақтида муайян қарорга келиш ва ишлаб чиқариш жараёнида бузишларнинг олдини олиш ёки режадан четга чиқишни тузатиш бўйича ишларни ташкил этиш.

Цехлараро даражада ишлаб чиқариш дастурлари бажарилишининг мувофиқлашишига қуйидагилар киради:

1. ишлаб чиқаришнинг маромийлиги таъминлаш ва хом ашё, технологик асбобларни етказиб бериш муддатлари мослашишининг «тор жойларини» йўқотиш;

2. белгиланган миқдорда, рўйхатда ва муддатда деталларни цехлараро олиб беришни бирлаштириш;

3. корхона омборларида деталларнинг тўпланиб қолиш ҳолатини кузатиш;

4. агрегатларда энг қийин терма қисмлар тайёрланишини мунтазам равишда назорат қилиш;

5. шартнома шартларига биноан маҳсулот тайёрлаш жараёнларини мувофиқлаш.

## **10.2. Календар-режалаштириш меъёрлари ва уларни ҳисоблаш усуллари**

Тезкор ишлаб чиқаришни режалаштириш жараёнида ҳар хил ишлаб чиқаришни ташкил этиш меъёрийлари ишлатилади:

1. бир текислик коэффиценти;
2. уйғунлик коэффиценти;
3. ишлаб чиқариш циклининг узоқлиги ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларига қараб корхонада қуйидаги календар-режалаштириш ҳисоботлар ўтқазилади:

Шахсий ишлаб чиқаришда:

- маҳсулот тайёрлашнинг ишлаб чиқариш циклининг узоқлиги;
- маҳсулот тайёрлашда цехларнинг ишида вақтнинг ўтиб кетиши;
- буюртмаларни бажаришнинг терма ва маҳсулотнинг циклик графиклари;

- ишлаб чиқариш майдони ва асбоб-ускуналарни тўла таъминлаш.

Сериялаб ишлаб чиқариш:

- деталлар партиясининг ҳажмлари;
- уларни тайёрлашнинг даврийлиги;
- деталлар партияси тайёрлашнинг ишлаб чиқариш цикли узоқлиги;
- деталларнинг тўпланиб қолиши (миқдори).

Оммавий ишлаб чиқариш:

- оқим линияларнинг такти ва иш тартиблари графиги;
- конвейер линияси ҳаракатининг тезлиги;
- оқим линияда иш жойлари сони;
- линияни ичида (технологик, транспорт, айланма, суғурта) меъёрдан ортиқ маҳсулотнинг тўпланиб қолиши;
- линиялараро (айланма, суғурта) меъёрдан ортиқ маҳсулотнинг тўпланиб қолиши.

Режали ҳисоблар ва календар – режали меъёрийлар самарадорликнинг бир неча қўшилувчиларига таъсир этади: меҳнат унумдорлигининг ошишига, маҳсулот таннарҳининг камайишига, туганланмаган ишлаб чиқаришни белгиланган даражада сақлаш, айланма маблағларнинг айланиш даражасининг оширишга ва бошқаларга.

Календар – режали меъёрийларни ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- статистик – операциялараро вақт меъёрларини, назорат операцияларининг бажарилиш вақтини, маҳсулотни йиғилиб қолиш миқдорини аниқлаш зарурати туғилганда;

- аналитик – ритмлар миқдорини, ишлаб чиқариш циклининг узоқлигини, деталлар партияси ишлаб чиқаришнинг ўтиб кетишини, айланма заделларни ҳисоблашда;



•иқтисодий-математик – кўп кўрсатмали оқим линияларида миқдорларни белгилаш учун.

### **10.3. Диспетчерлик хизматининг функциялари**

Ишлаб чиқариш жараёнида диспетчерликнинг вазифаси технологияни бузиш, хом ашё билан ёмон таъминлаш ва ишчилар йўқлиги каби ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни йўқотиш чораларини ўз вақтида кўришдан иборат. Диспетчерлик куйидагиларда асосланади:

- ишлаб чиқариш жараёнини тайёрлаш ва ўтказишни доимий кузатиш ва назорат қилишда;
- талаблар мавжудлигида;
- режани бажаришда;
- орқада қолаётган бўлимларни ўрганишда;
- асбоб-ускуналар, иш режими ва технологик жараёнлар параметрларига риоя қилишда.

Корхона доирасида диспетчерлик ёрдамида бир тур маҳсулот ишлаб чиқаришни бошқа тур билан алмашиш, хом ашё ва терма маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш, мавжуд резервларни ишлатиш каби муаммолар ечилади.

Цех доирасида диспетчерлик ишлаб чиқариш дастури, календар режа, сменали вазифалар амалга оширилишини таъминлаши, шу жумладан, асбобларнинг бузилиш ҳолларини йўқотиши, ишчилар ўрнини алмаштириш ва бошқа масалаларни ҳал этиши керак.

Корхонанинг диспетчерлик хизматлари ва бўлимлари иш устидан жорий назорат олиб борадилар ва бузишларни тузатишга буйруқ берадилар, тезкор мажлислар ўтказадилар, тегишли масалаларни ҳал этиш учун бошқарувга ахборот етказиб турадилар.

### **Қисқача хулосалар**

Ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш ишлаб чиқариш жараёни самарали ўтишининг муҳим функцияси бўлиб, у маҳсулотни тайёрлаш жойи ва вақти тезкор режалаштирилиши, ички ишлаб чиқариш ва ташқи буюртмалар тайёрланиши мувофиқлаштирилиши, маҳсулотни топшириш ва етказиб бериш вақтлари белгиланиши, иш жойлари ва ускуналар тайёрлиги таъминланишини ва бошқаларни ўз ичига олади.

Тезкор режалаштириш ва бошқариш жараёнида ҳар хил меъёр ва меъёрийлар ишлатилади. Қўйилган вазифаларни бажариш учун қатор усуллардан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш турига қараб тезкор бошқариш ҳам ўз хос хусусиятларга эга. Уларни билиши моддий, меҳнат ресурсларини тежамли ишлатиш кўрсаткичларни аниқроқ белгилашга имкон беради.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқаришни оператив бошқаришини тавсифи.
2. Шахсий ишлаб чиқаришда қайси меъёрийлар ишлатилади?
3. Серияли ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган календар-режали ҳисоблар ҳақида гапириб беринг.
4. Оммавий ишлаб чиқаришда қандай меъёрийлар мавжуд?
9. Диспетчерлик хизматининг функциялари нималардан иборат?

## Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. // Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.

3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.

4. А. Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.

5. Махмудов Э. Х. Корхона иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДИУ, 2009. – 208 бет.

6. С.Г. Календарева Организация производства на предприятии (тексты лекции). –Т.: ТГЭУ, 2009. – 115 стр.

7. Чуев И.Н., Чуева Л.Н. Экономика предприятия. Учебник. -5-е изд., перер и доп. –М.: «Дашков и К», 2010. –416с.

8. Мазур И.И. Управление проектами: учеб. пособие для студентов, обучающихся по специальности 061100 «Менеджмент орг.» / И.И. Мазур, В.Д. Шапиро, Н.Г. Ольдерогге; под общ. ред. И.И. Мазура. – 4-е изд., стер. – Москва: Изд. «Омега-Л», 2009. – 664 с.

## **XI МАВЗУ. ТАКТИК ВА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **11.1. Стратегик режалаштиришнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни**

Стратегик режалаштириш бошқаришнинг функцияларидан бири бўлиб, ташкил этишнинг мақсадларини ва уларга етиш йўлларини танлаш жараёнини тасвирлайди.

Стратегик режалаштириш барча бошқарув масалаларнинг ечилишини таъминлайди. Ташкил этиш, мотивация ва назорат функциялари стратегик режаларни тузишга мўлжаллангандир. Стратегик режалаштиришни ўзгарувчан жараёни ҳамма бошқарув функцияларини соябон сифатида сақлайди. Стратегик режалаштиришнинг афзалликларидан фойдаланмаган ташкилотлар ва ходимлар корxonанинг мақсадини ва йўналишларини аниқ баҳолай олмайдилар. Стратегик режалаштириш жараёни корхона кадрларини бошқаришга асос солади, айниқса, бозор рақобати шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналар учун бу жуда муҳимдир. Баъзи корхоналар ва ташкилотлар расмий режалаштиришга кўп меҳнат сарф қилмай аниқ муваффақиятларга етиб олишлари мумкин. Фақат стратегик режалаштиришнинг ўзи муваффақиятни таъминлай олмайди. Шунга қарамай, расмий режалаштириш ташкилот учун бир қатор муҳим шароитларни яратиши мумкин.

Замонавий ўзгаришлар, илм-фаннинг тезлик билан ривожланиши келажакдаги муаммоларни ва вазиятларни башорат этишнинг бирдан-бир усули - стратегик режалаштириш ҳисобланади. Бундай режалаштириш ташкилот нимага эришмоқчи эканлигини, унинг ҳаракатланиш йўналишларини ва мақсадларини аниқлашга ёрдам беради.

### **11.2. Стратегик режалаштириш муваффақиятнинг гарови сифатида**

Стратегик режалаштириш раҳбарлар қабул қилган ҳаракат ва қарорларнинг йиғиндиси бўлиб, ташкилотни ўз мақсадига эришиш учун стратегияларнинг ишлашига олиб боради. Стратегик режалаштириш жараёни бошқарув бўйича қарорларни таъминловчи қуролдир. Унинг вазифаси ташкилотда янги лойиҳаларни ва ўзгаришларни керакли даражада таъминлашдан иборат.

Стратегик режалаштириш жараёни доирасида бошқарув фаолиятининг тўрт хилини ажратса бўлади:

- ресурсларни тақсимлаш;
- ташқи муҳитга ўрганиш;
- ички ишларни координациялаш;
- ташкилий жиҳатдан стратегик башоратлаш.

**Ресурсларни тақсимлаш.** Бу жараёнда чегараланган ташкилий ресурслар тақсимланади (фондлар, танқис бошқарув қобилиятлар ва технологик тажриба).

**Ташқи муҳитга ўрганиш.** Ўрганиш корxonани муҳит билан алоқасини яхшилайдиган стратегик ҳаракатлардан иборат. Ташкилотлар ташқи қулай шароитларга ва хавфларга ўрганиши шарт. Корxonалар ташқи муҳитнинг шароитларига қараб стратегиясини самарали мувофиқлашишини таъминлаш керак.

**Ички координация.** Бу жараёнга ички операцияларни самарали қўшилиш мақсадида корxonанинг кучли ва бош томонларини белгилаш учун стратегик фаолиятнинг координацияси киради. Самарали ички операцияларни таъминлаш корxона бошқарув фаолиятининг дахлсиз қисмидир.

**Ташкилий стратегик башоратлаш.** Бу фаолият менежерларнинг фикрлашишини тизимли амалга ошишини тавсифлайди. Тажрибада уни ўрганиш корxонага ўзининг стратегик бошқаруви йўналишларини ва ходимларнинг малакасини оширишни тўғри белгилашга имкон яратади. Юқори бўғинлардаги раҳбарнинг вазифаси нафақат стратегик режалаштириш жараёнини олиб бориш, балки шу жараёни амалга ошириш, бирлаштириш ва баҳолашдан иборатдир.

### 11.3. Стратегик режалаштиринг босқичлари

«Стратегия» сўзи юнонча strategos сўзидан олинган бўлиб, «Генералнинг санъати» маъносини билдиради. Стратегия – бу ташкил этиш бўйича мақсадларга эришиш вазифасини таъминлайдиган муфассал, ҳар тарафлама, комплекс режа.

Стратегияга тегишли асосий қоидалар тушунарли бўлиши ва юқори раҳбарлар томонидан тасдиқланиши зарур. Даставвал, стратегияни юқори раҳбарлар тузади, лекин уни амалга ошириш учун ҳамма бошқарув ходимлари қатнашиши керак. Стратегик режа кенг изланишлар ва аниқ маълумотлар билан исботланиши зарур. Бизнес дунёсида самарали фаолият кўрсатмоқчи бўлган корxона ва шахслар ахборотларни йиғиш ва таҳлил этиш билан шуғулланишлари керак. Шундагина, стратегик режа корxonаларга истиқболни очиб беради, кадрларни жалб этади ва маҳсулот ёки хизматларни ўз вақтида сотишга ёрдам беради.

Ниҳоят, стратегик режалар шундай тузилиши керакки, улар узоқ вақт давомида бутунлай сақланишлари шарт, лекин керак даражада зарур бўлмаганда ўзгартиришга, йўналиш томонини алмаштиришга қулай бўлишлари керак. Умумий стратегик режага фирманинг фаолиятини узоқ муддатга йўналтирилган дастур сифатида қараш керак. Лекин бунда тўқнашиш ҳамда доим ўзгариб турадиган ишчи ва ижтимоий муҳит ўзгаришларини назарга олиш керак.

Режалаштиришнинг асосий ва энг муҳим босқичларидан бири корxона мақсадларини танлашдир. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, йирик корxonалар кўп бўғинли тизимларда кенг ифодаланган мақсадларга эга бўладилар.

Корхонанинг асосий, умумий мақсади унинг вазифасида белгиланади. Шу вазифани бажариш орқали мақсадларга эришилади. Вазифа корхонанинг вазиятини батафсил ифодалайди ҳамда ҳар бир ташкилий босқичларда мақсадлар ва стратегияларга эришиш йўллари белигалаб беради.

Корхонанинг вазифаси қуйидагиларда ифодаланиши лозим:

- асосий хизмат ва маҳсулотлар, бозорлар ва технологиялар нуқтаи-назаридан.
- корхонанинг иш тамойилларини белгилайдиган ташқи муҳитнинг фирмага бўлган нисбатидан.
- ташкилотнинг маданияти, корхонанинг ички фаолиятдан.

Маълумки, баъзи бир раҳбарлар кўп ҳолларда ўз ташкилотининг вазифасини белгилаш ва ифодалаш учун бош қотирмайди. Кўпинча бу вазифа уларга маълум бўлиб кўринади. Агар оддий бир ишбилармондан фаолияти вазифасини сўрасангиз, у «фойда топишда» деб жавоб беради. Лекин шу савол пухта ўйлаб чиқилса, фойдага эришиш умумий вазифа сифатида танланиши туғри келмаслиги равшан бўлади, аммо, шубҳасиз, у муҳим мақсаддир.

Фойданинг ўзи корхонанинг ички муаммоси ҳисобланади. Ташкилот эса, очик тизим бўлгани учун, ташқи эҳтиёжларни қондира олсагина самарали фаолият кўрсата олади. Керакли фойдага эришиш учун фирма ўзи фаолият кўрсатаётган муҳитга ҳам аҳамият бериши зарур. Шунинг учун фирма раҳбарияти ўз ташкилотининг умумий мақсадини атроф-муҳитдан қидиради.

Вазифани танлаш зарурлиги тизимлар назарияси юзага чиқишидан олдинроқ машҳур раҳбарлар тамонидан инобатга олинган эди. Генри Форд, фойдани мазмунини яхши тушунган раҳбар бўлиб, у фирмасининг вазифасини инсонларга арзон транспорт воситасини тақдим этишда кўрган.

Фойда олиш каби тор вазифаларни танлаш раҳбарларни эҳтимолга яқин қарорларга келиш имкониятини чеклаб қўйди. Натижада муҳим омиллар четда қолиб, кейинги қабул қилинган қарорлар ташкилот самарадорлигини пасайишига олиб келадилар.

Умумишлабчиқариш мақсадлари раҳбарият томонидан мўлжалланган корхонанинг умумий вазифалари, аниқ бойликлар ва мақсадлар асосида ифодаланиб белгиланадилар.

Корхона муваффақиятга эришиши учун белгиланган режали мақсадлар қуйидагича бўлишлари зарур:

- аниқ ва ўлчанадиган мақсадлар;
- вақтга мўлжалланган мақсадлар;
- эришиш мумкин бўлган мақсадлар.

Ўз вазифасини ва мақсадларини белгилагандан кейин раҳбар стратегик режалаштириш жараёнининг диагностик босқичини бошлаши керак. Бунда биринчи тадбир ташқи муҳитни ўрганишдан иборат бўлади. Уни учта параметр бўйича баҳолаш мумкин:

жорий стратегияни ҳар хил нуқтаи-назардан таъсирига боғлиқ ўзгаришларни баҳолаш;

фирманинг жорий стратегиясига хавфли бўлган омилларни аниқлаш;

режани такомиллаштириш йўли билан фирманинг умумий мақсадларга эришиши учун кўпроқ имкониятларни яратадиган омилларни белгилаш.

Ташқи муҳит таҳлили стратегик режани тузувчилари томонидан корхонанинг ташқи омиллари (фирманинг имконияти ва хавфлари)ни назорат қилиш жараёни ҳисобланади. Бундай таҳлил муҳим натижаларни аниқлашга ёрдам беради. У ташкилотга имкониятларни башорат қилиш учун, эҳтимол хавфли ҳолатлар бўйича режани тузиш учун ва олдинги хавфларни фойдали имкониятларга айлантира оладиган стратегияларни белгилаш учун вақт ажратади.

Хавф-хатар ва имкониятларни баҳолаш нуқтаи-назаридан ташқи муҳит таҳлилининг аҳамияти асосан қуйидаги учта аниқ саволларга жавоб беради:

- 1.ҳозир корхона қаерда жойлашган?
- 2.раҳбарлар фикрига кўра корхона келажақда қаерда жойлашиши керак?
- 3.корхонани кўчириш учун раҳбарлар нималар қилишлари керак?

Раҳбарларга кўп учраб турадиган муаммолардан яна бири – «корхона ички қувватларга эгами?» муаммосидир.

Ички муаммоларни ташҳис этишга ёрдамлашадиган жараён бошқарув текшириши деб юритилади.

Бошқарув текшириши корхонанинг кучли ва муҳим тарафларини аниқлаш учун муайян функционал доираларни услубий баҳолашдан иборат. Бу жараённи соддалаштириш мақсадида текширишга бешта функцияни киритиш тавсия этилади:

- 1.маркетинг;
- 2.молия (ҳисоб-китоб);
- 3.операция (ишлаб чиқариш);
- 4.меҳнат ресурслари;
- 5.корхонанинг маданияти ва тасвири.

Маркетинг функциясини текширганда қуйидаги таҳлил ва ўрганиш соҳаларига эътибор бериш керак:

- бозор улуши ва рақобатбардошлиги;
- маҳсулотларнинг хилма-хиллиги ва ассортиментнинг сифати;
- бозорнинг демографик статистикаси;
- бозордаги изланишлар ва ишлашлар;
- мижозларга сотувдан олдин ва кейин хизмат кўрсатиш;
- самарали сотув, реклама ва товарни жойларга юбориш;
- максимал фойда олиш.

Молиявий аҳволнинг таҳлили ташкилотга фойдали ва стратегик режалаштириш жараёнининг самандорлигини оширишга ёрдам беради. Молиявий аҳволни муфассал ўрганиш ташкилотда мавжуд бўлган ва рақобатчиларга нисбатан ташкилотнинг нисбий ҳолатини очиб бериши мумкин. Молиявий фаолиятни ўрганиш раҳбарларга ички кучли ва бўш томонларни узоқ муддат истиқболларида кўрсата олади.

Операцияларнинг бошқарилишини тўхтовсиз таҳлили корхонанинг узоқ фаолият кўрсатиши учун муҳимдир. Операцияларни бошқариш

функцияларининг кучли ва бўш томонларини ўрганиш жараёнида қуйидаги асосий саволларга жавоб топиш шарт:

1. Рақобатчиларнинг нархидан пастроқ нархда ўз маҳсулот ёки хизматларингизни сота оласизми? Йўқ бўлса, нима учун?

2. Янги хом ашёларни қандай олса бўлади? Битта ёки чекланган миқдордаги таъминловчиларга қарам бўлинадими ёки йўқми?

3. Жиҳозларимиз замонавийми ҳамда яхши хизмат қиладими?

4. Харидлар моддий захиралар миқдорининг камайишини ва буюртмаларни муддатда бажаралишини ҳисобга оладиларми?

5. Маҳсулотнинг талабчанлиги фаслликми, шунинг учун ходимларни вақтинча ишдан бўшатишга тўғри келадими? Шундай бўлса, аҳволни қандай тузатиш мумкин?

6. Рақобатчилар таъминлай олмайдиган бозорни биз таъминласак бўладими?

7. Самарали ва натижали сифатни назорат тизимига эгамизми?

8. Ишлаб чиқариш жараёнини қанчалик самарали лойиҳалаштирдик? Уни янада яхшилаш мумкинми?

Ташкилотларнинг кўп муаммоларининг негизи инсонларга боғлиқ бўлади. Агар ташкилотда малакали ходимлар ва раҳбарлар ишласа, уларнинг мақсадлари далиллар асосида тузилган бўлса, шундай ташкилот ҳар хил муқобил стратегияларга риоя қила олади. Акс ҳолда, ишни яхшилашга эришиш керак, чунки бу бўшлиқ ташкилотнинг фаолиятини келажакда хавфларга катта эҳтимоллик билан олиб келади.

Корхонанинг маданияти ва тасвири компаниянинг обрўси билан кучаяди ёки пасаяди. Шу сабабли мақсадларга эришиш учун фирманинг обрўси яхшими деган савол юзага келади. У ўзининг фаолиятида мунтазам бўлганми? Бошқа корхоналарга нисбатан бу корхона маълум бир соҳада етарли мавқеига эга эканлигини аниқлаш керак бўлади.

#### **11.4. Стратегик алтернативаларни ўрганиш усуллари.**

Корхонада тўртта стратегик алтернативалар мавжуд бўлиб, улар чекланган ўсиш, ўсиш, қисқартириш ва бу вариантларнинг бирлигидан иборатдир.

Кўп ташкилотлар чекланган ўсиш каби стратегик алтернативани танлаб оладилар. Бунда инфляцияни ҳисобга олган ҳолда мақсадларнинг етуқлигига эришилади. Бундай стратегия саноатдаги пухта ишлайдиган соҳаларда, статик технологияли, қониқарли аҳвол билан ажралиб турадиган соҳаларда ишлатилади.

Ўсиш стратегияси ўтган йилдаги кўрсаткичларнинг даражасини қисқа ва узоқ муддатга тузилган мақсадларнинг кўпайишини ифодалайди. Бундай стратегия ўзгарувчан ривожланадиган, тез ўзгарадиган технологияли соҳаларда ишлатилади.

Қисқартириш стратегияси йўқотиш, ортиқчасини кесиб ташлаш, қисқартириш ва қайта йўл тутиш каби бир нечта вариантлардан иборат.

Аниқроғи, барча алтернативаларни бирга қўшиб бир нечта соҳаларда актив ишлаётган йирик фирмаларгина бу йўлни тутишлари мумкин.

Раҳбарлар томонидан тегишли стратегияни танлашга ҳар хил омиллар таъсир этади:

- хавф-хатар омили;
- ўтган стратегияларни билиш;
- эгаларига бўлган таъсир;
- вақт омили.

### **Қисқача хулосалар**

Режалаштириш ҳар қандай корхонанинг муҳим функцияларидан биридир. Унга етарли эътибор бермаслик катта иқтисодий йўқотишларга ва оқибат натижада банкротликка олиб келади.

Стратегик режалаштириш корхонани бош мақсадлари (йўналишлари)ни белгилаш ва шу мақсадларга етиш усулларини аниқлашдан иборат. Фирма фаолиятининг стратегик йўналишларини амалга оширилиши барча режалар тизимида назарда тутилади (узок муддатли, ўрта муддатли, қисқа ёки жорий, тезкор ва ҳ. к.).

Ҳар бир корхона бир неча вариантлар ичидан ўзига керакли стратегияни танлайди. Стратегия – бу узок даврга мўлжалланган режа. Уни амалга ошириш тадбир-чоралари фирманинг тактикаси ҳисобланади. Бундай ташкилий тадбирлар жумласига таъминотчи, транспорт корхоналар билан шартномалар тузиш, янги объектларни кўриш, кадрларни тайёрлаш ва бошқалар киради. Улар корхонанинг жорий йиллик ва тезкор режаларида акс этади.

Инқироз ёки синиш ҳоллари рўй берганда корхона раҳбарлари фирманинг стратегиясини ва тактикасини ўзгартиришлари шарт. Хавфдан чиқиш чоралари икки энг тарқалган тактикалардан иборат: ҳимоя қилиш ва ҳужум қилиш.

Ҳимоя қилиш тактикаси йиғиш тадбирларида, яъни ишлаб чиқариш ва сотиш, асосий фондлар ва кадрлар билан боғланган ҳаражатларни қисқартиришда асосланган. Умуман у ишлаб чиқаришни қисқартиришга олиб келади ва қоидагина, корхона учун жуда кўнгилсиз ташқи ҳолларда ишлатилади. Бу тактика одатда аҳволга мувофиқ тезкор тадбирлар билан чекланган: зарарларни йўқотиш, ҳаражатларни қисқартириш, ички резервларни аниқлаш, кадрларнинг ўрнини алмаштириш, интизомни кучайтириш, кредитор ва таъминотчилар билан муаммоларни ҳал этиш ва ҳ.к.

Ҳужум қилиш тактикаси тезкор чоралардан кўра стратегик чоралар билан кўпроқ боғланган. Бу ҳолда ресурсларни тежаш тадбирлари билан бирга актив маркетинг ўтказилади, янги сотиш бозорлари ўрганилади ва эгалланилади, юқорироқ нархлар белгиланади, ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида фондларни янгилатиш, истиқбол технологияларни жори этиш ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳаражатлари кўпайтирилади. Натижада корхонанинг молиявий омонлиги янги рақобатда акс эттирилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**



1. Стратегик режалаштиришнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни нималардан иборат?
2. Стратегик режалаштириш доирасида бошқарув фаолиятининг асосий мезонлари, кўрсаткичлари ва турлари нималардан иборат?
3. Стратегик режалаштирида маркетинг функцияларининг ўрни.
4. Ташқи муҳитнинг параметрлари қандай бўлади?
5. Молиявий текшириш нима учун зарур?
6. Корхонанинг бўш ва кучли тарафларини қандай тавсифлайсиз?

### **Асосий адабиётлар**

1. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.

3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.

4. А. Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. – Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.

5. Ишмухамедов А. Э., Ситдикова Л. А. Стратегик режалаштириш (маъруза матнлари).-Т.:ТГЭУ, 2009, - 174с.

6. Махмудов Э. Х. Корхона иқтисодиёти. (Ўқув кўлланма).- Т.:ТДИУ, 2009.-208 бет.

7. С.Г. Календарева. Организация производства на предприятии (тексты лекции). –Т.: ТГЭУ, 2009. - 115 стр.

8.Хруцкий В.Е., Гамаюнов В.В. Внутрифирменное бюджетирование: Настольная книга по постановке финансового планирования. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: финансы и статистика, 2009. – 464 с.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1.И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. //Халқ сўзи, 31 август, 2011 й.

3. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 21 январь, 2011 й.
4. А. Ортиқов. Саноат иқтисодиёти.(дарслик). –Т.: ТГЭУ, 2009, 256 бет.
- 5.Белокрылова О.С., Михалкина Е.В. Экономика труда: конспект лекций. – Ростов н/Д: Феникс, 2002.-224с.
- 6.Герасимова Е.Б., Герасимов Б.И., Сизикин А.Ю. Управление качеством/ под. ред. Б.И.Герасимова.- М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009.-256 с.
- 7.Душенькина Е.А. Экономика предприятия. Шпаргалки. - «Эксмо», 2009. – 30 с.
- 8.Загородников С.А. Шпаргалка «Теория организации». -2-е изд., стереотип. - М.: «Экзамен», 2009.-64с.
9. Ишмухамедов А. Э., Ситдикова Л. А. Стратегик режалаштириш (маъруза матнлари).-Т.:ТГЭУ,2009, - 174с.
- 10.Кане М. М., Иванов Б. В., Корешков В. Н., Схиртладзе А. Г.Системы, методы и инструменты менеджмента качества: Учебное пособие. 2008. — 560 с.
- 11.Клейнер Г. Б. Стратегия предприятия.- М.: Изд-во «Дело» АНХ, 2008.-568 с.
- 12.Круглов М.Г. Менеджмент качества как он есть /М.Г. Круглов, Г.М. Шишков. – М.: Эксмо, 2009. – 544 с.
13. Мазур И.И. Управление качеством: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Упр. качеством» / И.И. Мазур, В.Д. Шапиро. – 4-е изд., стер. – Москва: Омега-Л, 2009. – 400 с.
14. Махмудов Э. Х. Корхона иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).-Т.:ТДИУ,2009.- 208 бет.
- 15.Мишин В.М. Управление качеством: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности «Менеджмент организации» (061100)/ В.М. Мишин – 2-е изд. Перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 463 с.
- 16.Мокий М.С. Экономика организации (предприятия): Учебное пособие / М.С. Мокий. – 2 – е изд., испр. М.: «Экзамен», 2009. – 254 с.
- 17.Москвин В.А. Управление качеством в бизнесе: Рекомендации для руководителей предприятий, банков и риск-менеджеров. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 384 с.
18. С.Г. Календарева Организация производства на предприятии (тексты лекции). –Т.: ТГЭУ, 2009. - 115 стр.
- 19.Склярёнок В.К., Прудников В.М. Экономика предприятия: Конспект лекций. — М.: ИНФРА-М, 2008. — 208 с.
- 20.Татарников Е. А. Экономика предприятия. Ответы на экзаменационные вопросы: учеб. пособ. /-4-е изд., стереотип.-М.: Изд-во «Экзамен», 2009.-254 с.
- 21.Туровец О.Г., Родионова В.Н. Теория организации: учеб. пособи. –М.: РИОР, 2008.-97с.
22. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонун).- Т.:Ўзбекистон. 2009 йил.

23. Хруцкий В.Е., Гамаюнов В.В. Внутрифирменное бюджетирование: Настольная книга по постановке финансового планирования. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: финансы и статистика, 2009. – 464 с.
24. Чуев И.Н., Чуева Л.Н. Экономика предприятия. Учебник. -5-е изд., перер и доп. –М.: «Дашков и К», 2008.-416с.
25. Щепетова С.Е. Менеджмент и экономика качества: От естественного к формальному, от формального к естественному. – М.: Ком Книга, 2008.-512с.
26. Экономика предприятия (фирмы): Учебник/ Под ред. О.И. Волкова и доц. О.В. Девяткина. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2009. — 601 с.
27. Экономика предприятия: Учебник для вузов /Под ред. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара. — 4-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. - 670 с.
28. Экономика: учеб. / А.И. Архипов (и др.); под ред. А.И. Архипова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, 2008. – 840 с.
29. Эффективная организация: Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008. – 192 с.

## МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	3
.....	
I-МАВЗУ. «САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	4
1.1. «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фанининг объекти.....	4
.....	
1.2 «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фанининг предмети ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги.....	6
1.3. “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фаннинг ўрганиш услубияти ва усуллари.....	7
1.4. “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш“ фаннинг бозор иқтисодиёти шароитига ва ислохотлар талабига хос ва мос вазифалари.....	8
.....	
Қисқача хулосалар.....	9
.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	9
Асосий адабиётлар.....	9
.....	
II-МАВЗУ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БЎИНИ.....	11
.....	
2.1 Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарнинг роли ўрни.....	11
.....	
2.2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари.....	12
2.3. Саноат корхоналарининг таснифланаши.....	15
2.4. Саноат корхоналарнинг таркиби ва уни аниқловчи омиллар тузилмаси.....	18
.....	
Қисқача.....	19

хулосалар.....				
.....				
Назорат	ва	муҳокама	учун	19
саволлар.....				
Асосий				20
адабиётлар.....				
.....				
III-МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ТАШКИЛ				
ЭТИШ				21
АСОСЛАРИ.....				
.....				
3.1. Ишлаб	чиқариш	жараёни	тушунчаси	ва 21
мазмун.....				
3.2. Ишлаб	чиқариш	жараённи	ташkil	этиш 24
тамойиллари.....				
3.3. Корхонада	ишлаб	чиқариш	жараёнларини	ташkil
шакллари.....				этиш 26
Қисқача				32
хулосалар.....				
.....				
Назорат	ва	муҳокама	учун	32
саволлар.....				
Асосий				33
адабиётлар.....				
.....				
IV-МАВЗУ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ				
ИЛМИЙ-ТЕХНИК	ТАЙЁРЛАШНИ	ТАШКИЛ		34
ЭТИШ.....				
4.1. Ишлаб	чиқаришни	илмий-техник	тайёрлашнинг	моҳияти
аҳамияти.....				ва 34
.....				
4.2. Маҳсулотнинг	лойihalаштиришни	ташkil		36
этиш.....				
4.3. Ишлаб	чиқаришини	технологик	тайёрлашнинг	мазмун
ташkil				ва уни
этиш.....				38
.....				
4.4. Ишлаб	чиқаришни	ташкилий-иқтисодий		40
тайёрлаш.....				
Қисқача				41
хулосалар.....				
.....				
Назорат	ва	муҳокама	учун	42
саволлар.....				
Асосий				42

адабиётлар.....	
.....	
V-МАВЗУ. ЁРДАМЧИ ЦЕХ ВА ХЎЖАЛИКЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	43
5.1. Корхонанинг ёрдамчи цехлари ва хўжаликлари таркиби ҳамда хусусиятлари.....	43
.....	
5.2. Таъмирлаш хўжалигини ташкил этиш.....	44
5.3. Асбоб-ускуналар хўжалигини ташкил этиш.....	47
5.4. Энергетика хўжалигини ташкил этиш.....	49
Қисқача хулосалар.....	52
.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	52
Асосий адабиётлар.....	53
.....	
VI-МАВЗУ. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИНГ ТЕХНИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	54
.....	
6.1. Маҳсулот сифати ва уни оширишнинг аҳамияти.....	54
6.2. Маҳсулотнинг сифатини бошқариш.....	55
6.3. Маҳсулотнинг сифатини ривожлантириш.....	56
6.4. Корхоналарда маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш усуллари.....	58
Қисқача хулосалар.....	60
.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	60
Асосий адабиётлар.....	61
.....	
VII-МАВЗУ. САНОАТ КОРХОНАСИДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИШ ҲАҚИ.....	62

.....						
7.1.	Меҳнатни	ташқил	этишнинг	моҳияти	ва	62
	аҳамияти.....					
7.2.	Иш	жойлари	(ўринлари)ни	ташқил		64
	этиш.....					
7.3.	Меҳнат	унумдорлигини	ва	уни	ошириш	69
	йўллари.....					
7.4.	Иш ҳақини ташқил этишнинг асосий вазифалари ва тамойиллари.					72
	Қисқача					81
	хулосалар.....					
.....						
	Назорат	ва	муҳокама		учун	82
	саволлар.....					
	Асосий					82
	адабиётлар.....					
.....						
VIII-МАВЗУ.	МАРКЕТИНГ	ФАОЛИЯТИНИ	ТАШКИЛ			83
	ЭТИШ.....					
8.1.	Корхона	маркетинг	фаолиятининг	мақсади	ва	83
	вазифалари.....					
8.2.	Бозор	шароитида	изланишнинг	асосий		85
	мазмун.....					
8.3.	Талаб	ва	таклифни	башоратлаш		86
	усуллари.....					
8.4.	Корхонанинг			баҳолаш		88
	сиёсати.....					
	Қисқача					91
	хулосалар.....					
.....						
	Назорат	ва	муҳокама		учун	92
	саволлар.....					
	Асосий					92
	адабиётлар.....					
.....						
IX-МАВЗУ.	КОРХОНА	СТРАТЕГИЯСИНИ				93
	ШАКЛЛАНТИРИШ.....					
9.1.	Корхона	имкониятлари,	ресурслари	ва	стратегиясининг	93
	моҳияти.....					
9.2.	Фирмаларни	ривожлантиришнинг	асосий			93
	омиллари.....					
9.3.	Корхонада рақобат стратегиясини ташқил этиш.					96
	Қисқача хулосалар.....					
	Назорат	ва	муҳокама		учун	96
	саволлар.....					
	Асосий					97

